

А. САГДУЛЛАЕВ

# ҚАДИМГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛК ЁЗМА МАНБАЛАРДА

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим илмий-методика маркази олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари, манбашунослар учун қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихини мукаммал ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу жараён археологияга оид ашёлар ва қадимий ёзма манбалар воситасида ўрганилади. Мазкур қўлланмада узоқ ўтмишимизга тегишли манбалар, ноёб қўлёзмалар ва янги археологик маълумотлар таҳлил этилади. Маълумотлар хронологик жиҳатдан милoddан аввалги IX—IV асрларни ўз ичига олиб, айрим манбалар ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ушбу китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, манбашунослар учун мўлжалланган.

*Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор Т. Ходжайов,  
тарих фанлари номзодлари Ш. Пидаев, Ш. Исмоилов*

С 16

Сагдуллаев А.

Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда:  
Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари,  
мактаб ўқитувчилари, манбашунослар учун қўл-  
ланма.— Т.: Ўқитувчи, 1996.— 112 б.

ББК 63. 3(5У) я73

С  $\frac{0502000000-151}{353(04)-95} \dots -96$

© «Ўқитувчи», 1996 йил

ISBN 5-645-02736-1

## МУҚАДДИМА

Мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихини, миллий қадриятларимизни янгича англаш, идрок этиш жараёни бормоқда. Ижтимоий фанларни ўқитишни янада яхшилаш мақсадида зарур дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмалар қуроллар яратиш шу куннинг долзарб вазифасидир. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўлкамиз тарихи ҳақида кўплаб рисоалар, қўлланмалар, илмий мақолалар чоп этилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихини мукаммал ўрганишга бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Қадимги тарихнинг ёритилиш жараёни ўтмиш манбалари, археологияга оид ашёлар ва ёзма маълумотлар билан узвий боғланади.

Археологияга оид топилмалар — моддий манбалар, ибтидоий маконлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари ўлкамизнинг турли жойларида чуқур ўрганилган. Юртимиз қадимги тарихини ёритиш жараёнига пойдевор солган «Авесто» китоблари, Геродот ва Ктесий маълумотлари, Беруний, Наршахий, Ибн Ҳавқал, Сомоний, Абдураззоқ Самарқандий ва Клавихо асарлари, бошқа муаллифлар изланишлари катта рўйхатни ташкил қилади. XIX—XX аср бошларида ҳам бир қатор буюқ тарихчилар, шарқшунослар Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини чуқур ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. XX асрда жуда кўплаб қадимшунос олимларнинг Марказий Осиёдаги изланишлари ва кашфиётлари бутун дунёга машҳур бўлди.

Ҳозирги кун талабини ҳисобга олган ҳолда «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» китобини тайёрлаш лозим топилди.

Ўзбекистон, умуман Марказий Осиё тарихига оид энг қадимги ёзма манбалар жуда кўп. Жумладан, уларнинг таҳлили, тарихий саналарнинг тўғрилиги ва аҳамияти, географик-тарихий тушунчаларнинг қисқача изоҳли лу-

ғати ҳамда бошқа маълумотлар ҳақида турли хил адабиётлар бор. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинмаган ва ҳар тарафлама ўрганилмаган.

Ушбу қўлланмада дастлабки манбалардаги айрим маълумотларнинг таржимаси берилди. Ушбу манбалар археологияга оид янги маълумотлар билан солиштирилди. Ёзма манбалар сўзма-сўз таржима қилинди. Ўзбекистоннинг қадимги тарихига оид қўлёзмалар, қадимги форс, юнон-рим тарихчиларининг маълумотлари, муҳим тарихий-географик, маданий-сиёсий ва иқтисодий масалалар илмий таҳлил этилди. Хронологик жиҳатдан мазкур маълумотлар милоддан аввалги IX—VIII ва VII—IV асрларга тўғри келади.

Ҳозирги кунда матбуотда қадимги атамалар, номлар, тушунчалар турли хилда қўлланилмоқда. Бундай хилма-хилликнинг олдини олиш мақсадида ушбу қўлланмада тарихий, географик тушунчаларнинг ва айрим номларнинг қисқача изоҳли луғати илова қилинди. Бу тарихимизни ўрганувчилар учун қўл келиши шубҳасиздир.

## ҚАДИМГИ АҲОЛИ, ТИЛЛАР ВА ЕЗУВЛАР

### Ибтидоий одамлар

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг ибтидоий ва энг қадимги даври тадқиқотчилари ихтиёрида асосан моддий манбалар мавжуд бўлиб, шу давр аҳолиси ва уларнинг қиёфаси антропологияга оид ашёлар асосида ўрганилади.

Марказий Осиёда топилган ибтидоий одамнинг дастлабки вакилларида бири «неандертал» одами деб аталади. 1938 йилда Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан 9 ёшли боланинг тана суяклари ва бош суяги қолдиқлари топилган. Неандертал одамлари 100—40 минг йиллар илгари Евросиё ҳудудида кенг тарқалган эди. Ушбу одамларнинг қолдиқлари дастлаб Германиянинг Неандертал водийсидан топилган.

Неандертал одамларнинг бўйи ўртача 160—165 см бўлган. Одамсимон маймунларга нисбатан уларнинг бош мияси анча ривож топган эди. Неандертал одамлар тошдан хилма-хил меҳнат қуроллари ясаганлар. Меҳнат жараёни асоси ва инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфадаги одамлар замонавий одамлар—«кроманьон» деб аталувчи ҳозирги қиёфадаги кишиларга айлана бордилар. Кроманьон—замонавий қиёфадаги одамнинг вужудга келиши билан 35—30 минг йиллар илгари антропогенез жараёни ниҳоясига етди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тупроғига ибтидоий одамлар милoddан 500—400 минг йиллар илгари, ҳатто ундан ҳам илгарироқ келиб ўрнаша бошлаганлар. Тош даврининг энг қадимги босқичларига оид маконлар Тошкент вилоятидаги Қўлбулоқ макони ва Фарғона водийсидаги Селенгур ёдгорликлари ҳисобланади. Бу ёдгорликларда археологлар тошдан ишланган содда ва қўпол тош қуролларни топиб текширганлар.

Ўрта тош даврига келиб қуролларнинг турлари кўпаяди ва улар асосан найзасимон ўткир учли пойконлар бўлиб, овчилик қуролларидир. Шу даврга оид турли хил

меҳнат ва ов қуроллари маълум (тош пичоқлар, қирғичлар, кескичлар, сихчалар, ўткир қиррали тош синиқлари ва бошқалар).

Ибтидоий одамларнинг энг катта ютуқларидан бири оловнинг ўзлаштирилиши бўлди. Урта тош даври иқлими совуқ бўлиб, одамлар ғорларда яшаганлар ва шу ғорларда гулхан излари ва кул қолдиқлари ҳам топилган. Тоғлар ёввойи ҳайвонларга бой бўлган. Тешиктош ғор маконида буғу, тоғ эчкиси, ёввойи от, айиқ, арслон, қуён ва паррандаларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган.

Сўнгги тош даврида замонавий қиёфали одамнинг вужудга келиши билан йирик ҳайвонларни ов қилиш жараёни (мамонт, каркидон, буқа, буғу ва бошқалар) анча ривож топди. Паррандаларни ов қилиш ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, ёввойи меваларни, дон ва илдизмевали ўсимликларни териб, овқат сифатида истеъмол қилиш кенг тарқалади (1-расм).

Одамлар ғорлардан ташқари ертўла ва чайласимон уйларда ҳам яшаганлар. Жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади, улар айрим уруғларни бирлаштириб, уруғ жамоасини ташкил этган. Жуфт оилалар пайдо бўлиши ҳақида кичик уй-жойларнинг тарқалиши дарак беради. Бир оила ичида қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ман этилади. Бу давр кишилари уруғ-уруғ бўлиб, бир катта бошпана остида ёки ғор ичида ҳам яшашлари мумкин эди, аммо уларга алоҳида тегишли қуроллар ва ўчоқлар бўлган.

Уша замон жамоасида она — аёлнинг ижтимоий ўрни баланд бўлиб, уруғ унинг номи билан бошланган. Аёллар уй, ўчоқ ва муқаддас олов эгаси сифатида уй хўжалигида ҳамда болаларни тарбиялаш жараёнида, ўчоқда ўтни сақлашда, овқат пиширишда, рўзғор буюмларини, меҳнат қуролларини қўриқлаш, уй — бошпанани асраш пайтида муҳим вазифаларни бажарганлар. Уруғ ҳисоби катта ёшдаги аёлларнинг бир аждоддан тарқалган авлодини давом эттирган. Улар оиланинг ички тартиби устидан кучли назорат қилиб ташқи никоҳларнинг ривожланишига асос соладилар. Бу одат ўзаро қариндош-уруғлар орасидаги никоҳларнинг бекор қилинишига олиб келади.

Она уруғи даври — *матриархатнинг* бошланиши ҳақида сўнги тош даврига оид суякдан ишланган аёл ҳайкалчаларининг тарқалиши дарак беради. Бу ҳайкалчалар аёл эътиқодига, ҳосилдорлик қудратига ва ҳаётни давом эттирувчи онага бағишланади.

Тасвирий санъатнинг вужудга келиши тош даврининг энг катта ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳайкалтарошлик ва рассомчиликнинг пайдо бўлиши, одамлар маънавий маданиятининг ўсиши — уларнинг дунёқарашлари, диний тушунчалари ва турмуш тарзи билан узвий боғлиқ эди.

*Мезолит* — ўрта тош даврида (милоддан аввалги XII—VII минг йилликлар) одамларнинг моддий ва маънавий маданиятида жуда ҳам кўп ўзгаришлар юз беради. Евросиё тупроғидаги музликнинг чекиниши натижа-сида иқлим ўзгаради. Ҳарорат кўтарилиши билан тошқин сувлар ва янги қўллар пайдо бўлади. Бу жараёнлар фауна ва флора — ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ривожланишига таъсир қилади.

Дарё ва қўлларда балиқлар, ер юзида йирик ҳайвонлар ўрнида тез чопар, чаққон майда ҳайвонлар кўпая бошлайди. Кенг ҳудудларда турли хил ўсимликлар ва дарахтлар ўсади. Овчиликдан ташқари балиқчилик ривожланади. Ёввойи ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланади. Овчилик хўжалиги чорвачиликка асос солган. Мезолит даврининг сўнги босқичларида термачиликдан деҳқончиликка ўтиш бошланган. Бу жараён дастлаб Олд Осиё ва Икки дарё оралиғида бошланиб, Қадимги Шарқнинг бошқа ўлкаларида (Марказий Осиёда ҳам) бир оз кеч содир бўлган. Хўжаликнинг илғор, унумдор шаклига ўтиш (чорвачилик ва деҳқончилик) кишилик жамиятида инкилобга олиб келган.

*Неолит* — янги тош даврида (милоддан аввалги VI—IV минг йилликлар) деҳқончилик хўжалиги Жанубий Туркменистонда тарқала бошлаган. Ўзбекистонда яшовчи қадимги аҳоли илғор унумдорлик хўжалигига бир оз кеч ўтган. Юртимизда дастлаб чорвачилик вужудга келади, кейин эса — милоддан аввалги III минг йиллик охирлари — II минг йилликда деҳқончилик ҳам ривожлана боради (Сурхондарё, Зарафшон воҳаси, Куйи Аму-дарё (2-расм)).

Шу даврлардан бошлаб асрлар давомида Марказий Осиё тарихида янги маданий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, пахса ва хом ғишт қурилишда ишлатилди, қишлоқларда бинокорлик ишлари, кўчалар, майдонлар, гузарлар барпо этиш, кўп хонали уйлар ва катта-катта иншоотлар қуриш ишлари амалга оширилди. Суғорма деҳқончилик вужудга келиб ариқлар очилди, унумдор ерлардан кенг фойдаланиб турли ўсимликлар (арпа, буғдой, жавдар) экилди, сабзавот экинлари етиштириш ва мевачилик ривожланди, кулолчилик ва темирчилик вужудга келди, заргарлик, тўқувчилик, йиғириш ҳамда тўқимачилик ривожланди.

Милоддан аввалги III минг йилликка келиб ота уруғи — *патриархат* даври бошланади. Аввалгидек, она жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлган. Ота уруғи таркиб топгандан кейин одамларнинг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлади.

Унумдор хўжалик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиради, шу асосда уруғ жамияти ичида мулкий табақаланиш жараёни бошланади. Кулолчилик ва темирчилик буюмлари айирбошлаш савдо маҳсулотига айланади. Баъзи оилаларнинг қўлларидан ҳунармандчилик буюмлари, дон ва чорва молларидан иборат бойлик тўпланиб боради. Шу жараёнларнинг ўсиб бориши ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида шаҳар ва давлатлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон тупроғида яшаб ўтган ибтидоий одамлар ва қадимги қабилалар асрлар давомида жиддий синовлардан ва узоқ тарихий тараққиёт йўлларида ўтганлар. Ибтидоий аждодлардан замонавий қиёфали авлодларга айланиш жараёни бир неча юз минг йилларни ўз ичига олади.

Тинимсиз меҳнат, узлуксиз ишлаб чиқариш, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожланиш, биологик хусусиятларнинг ўзгариши ҳозирги қиёфадаги одамларнинг аждодларига айланиш пойдеворида асос солди (3-расм).

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида эволюцион таълимотлардан ташқари (одамнинг меҳнат ва ақлий жиҳатдан ривожланиши натижасида турли ибтидоий ҳамда кейинчалик замонавий шаклга айланиши) бошқа назариялар ҳам бор. Айниқса, ҳозирги пайтда антропогенез мавзуси кўпдан-кўп янги фикр-мулоҳазалар билан боғ-



ланади (кўринмас олам ёки бошқа коинотдаги одамларнинг келиб ер юзига ёйилиши). Бу назариянинг кўпгина тарафдорлари бор ва уни тасдиқлаш учун аниқ исботлар топиш лозим.

Антропогенез жараёнида меҳнатнинг ўзгартирувчилик моҳиятини археологияга оид хилма-хил манбалар тасдиқлайди. Турли замонларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ва янги асосда ривожланиши моддий манбаларнинг ташқи кўринишидан ҳам аниқланади. Кўп асрлар давомида ривож топган воқеалар одам ва жамият тараққиётида асосий, бош ўлчов меҳнат эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги қиёфали одамларнинг энг қадимги қазилма қолдиқлари тўлиқ сақланган ҳолда топилмаган. Самарқанд маконида кроманьон шаклидаги одамнинг пастки жағи ва тишлари топилган. Мачай ғоридан топилган жағ, бош суяги ва тана суяклари парчалари мезолит, яъни ўрта тош даврига оиддир.

### Қадимги қабилалар ва халқлар

Одамларнинг тўлиқ сақланган тана ва бош суяклари милоддан аввалги VI—V минг йилликларга оид археология ёдгорликларида топиб текширилган. Қадимги одамларнинг суяклари асосида уларнинг ташқи қиёфаларини қайта тиклаб ўрганиш мумкин бўлса ҳам, аммо уларнинг тиллари бизга номаълумлигича қолган.

Ўзбекистон тарихининг жуда катта даври (бир неча юз минг йиллар) ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон манбалари) маълумки, милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари ва охирлари (бронза даври) — Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи — ҳинд-эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган.

Даставвал, ҳинд-эрон қабилалари жуда кенг ҳудудда — Волга, Урал ва Жанубий Сибирь оралиғидаги ерларда яшаганлар.

Антрополог Т. Қ. Ходжайов фикрига кўра, бронза даврида Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзинчоқ, юзи тор ирқнинг вакил-

лари тарқалган. Худудимизнинг шимолий дашт ва нул қисмида жануб аҳолисидан фарқ қилган боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаган. Жанубий қиёфали одамлар Ўрта ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиёнинг жануби, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибирь ҳудудидан то Қозғистон, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида, Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалганлар.

Бронза даврида Марказий Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги одамлар вакиллари-нинг қўшилиши жараёни бошланади. Шу даврга келиб ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари юртимизнинг қадимги халқларига асос солганлар (4-расм).

Ўзбекистонда жойлашган шу халқларнинг вакиллари — сўғдлар, бақтрийлар, хоразмийлар ва саклар ҳақида айрим маълумотлар қадимги ёзма манбаларда сақланган. Дастлабки манбалар кам ҳамда маълумотлар айтарли тўлиқ бўлмаса ҳам улар қадимги маданий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Милоддан аввалги I минг йилликдан бошлаб Ўзбекистон тупроғида ҳудудий тўлиқ ёки қисман бир неча йирик маданий-тарихий вилоятлар жойлашган. Бу вилоятлар — Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Шош (Чоч) қадимдан то ўрта асрларгача Шарқ, Юнонистон ва Рим ҳудудларида жуда машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам дастлабки юнон тарихчилари асарларида Эрон, Ҳиндистон ва Марказий Осиё вилоятларига катта эътибор борлиги сезилади.

Марказий Осиёдаги энг қадимги халқларнинг ёзувлари қайси даврда шаклланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Айрим кам сонли топилмалар (Қадимги Хоразм сопол идишлари сиртидаги ёзувлар ва сакларнинг «номаълум хатлари») бу жараён милоддан аввалги V—IV асрларда бошланганлигидан далолат беради. Аммо бу маълумотлар тўлиқ эмас.

Дастлабки ёзувлар ташқи шаклининг такомиллашуви, алифбо тузилиши қонунлари ва тилларнинг ички мазмуни кўп томондан номаълум бўлиб, яхши ўрганилмаган. Бу жараённи аниқлаш учун жуда кўп манбалар-

га асосланиш лозим. Афсуски, Марказий Осиёда милоддан аввалги VII—VI асрларга оид (ёки бу санадан ҳам қадимги) танга пуллар (танга ёзувлари), сопол, ёғоч ва бошқа буюмларга битилган ёзувлар ёки ҳужжатлар топилмаган.

Албатта, юқорида кўрсатилган даврда юртимиз шаҳарларида танга пуллар зарб этилмаган, чунки худди шу пайтда (милоддан аввалги VII—VI асрлар) энг қадимги тангалар дастлаб Кичик Осиёда вужудга келади. Бундан олдинги асрларда эса савдо-сотик муносабатларида пул вазифасини кумуш ва олтин, қимматбаҳо буюмлар ва ялтироқ тошлар, дон ва чорва маҳсулотлари бажарган. Милоддан аввалги III—II асрларда Марказий Осиёга оид кўплаб тангалар топилган бўлиб, улар ўлкамиз тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари то ўрта асрларга қадар етиб келган кўплаб ноёб ёзув ёдгорликлари тош, сопол, кумуш, ёғоч, чарм ва қоғоз буюмларига битилган турли хил маълумотлардан иборатдир.

Марказий Осиёда алоҳида халқларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларнинг ажрала бошлаши милоддан аввалги IX—VIII асрларга оид бўлиши мумкин. Бу масалани ўрганиш жуда мураккаб муаммо бўлса ҳам, шубҳасиз, айтиб ўтиш керакки, милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Эрондаги аҳамонийлар сулоласи подшоларининг юртимизга юришлари бошланганда бу халқларнинг ажрала бориш жараёни бутунлай тугаган ва турли халқларнинг ҳудудий жойлашув чегаралари, вилоятларнинг маъмурий чегаралари аҳамонийлардан анча олдинги даврларда пайдо бўлган. Ёзма манбаларга кўра, аҳамонийлар алоҳида Бақтрия халқига ёки саклар юртига қарши ҳарбий юришларни бошлаганлар. Демак, Марказий Осиё вилоятлари ва халқлари ҳақида, уларнинг ҳудудий жойлашуви ва айрим вилоятларнинг чегаралари ҳақида Эронда турли маълумотлар тўпланган эди.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида юртимизда жойлашган турли халқлар қадимги шарқ-эроний тиллар шеваларида гапирганлар. Уларнинг этник қиёфаси ва тиллари бир-бирига яқин бўлган. Шунинг учун ҳам сўғдлар, бақтрийлар, хоразмийлар ва саклар қариндош халқлар бўлиб, бир-бирларини яхши

тушунганлар. Айниқса, деҳқончилик билан машғул бўлган, ўтроқ хўжалигига оид аҳолининг моддий ва маънавий маданиятида анча ўрнатилган бўлган.

Қадимги шарқ-эроний тилларни ўрганишга оид катта илмий адабиёт мавжуд. Ушбу тиллар гуруҳини Авесто тили, сўғдлар, хоразмийлар ва бақтрийлар тиллари ташкил қилган.

### «Авесто» тили

«Авесто» — зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, шу диндаги халқларнинг шариат қонунлари мажмуидир. Замонамизгача етиб келган «Авесто» қисмлари милоднинг III—VII асрларида таҳрир қилинган. «Авесто» боблари «пахлавий» — ўрта форс алифбоси асосида 48 та белгили ёзувдан иборатдир. «Авесто» ўрта форс тилидан «Апастак» ёки «Асос» деб таржима қилинади.

Сосонийлар даврига келиб «Авесто» тили «ўлик», тушунарсиз бўлиб қолган, ammo тўпламда эски сўзлар ва тушунчаларнинг ҳаммаси сақланган. «Авесто» тили эроний тилларнинг энг қадимги шеваларидан бири бўлган ва, олимлар фикрига кўра, қадимги форс тилига нисбатан анча олдинги босқичда, милоддан аввалги II минг йилликнинг охири — I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган (5-расм).

«Авесто»нинг қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ўзида сақлаган, булар қадимги қабилаларнинг оғзаки ижодидир (қўшиқлар, афсоналар, дostonлар). «Авесто» қўшиқлари (оятлари) табиий кучларга, Қуёш, юлдузларга ва афсонавий қаҳрамонларга бағишланган. Асрлар давомида бу қўшиқлар халқ оғзаки ижоди намунаси бўлиб, диний маросимларда, байрамларда ижро этилган.

«Авесто» биринчи бўлиб, XVIII асрда француз олими Анкетил Дюперрон томонидан таржима қилинган. Унинг қўлидаги «Авесто» қўлёзмалари XIII асрга оид бўлган. К. Гельднер, Х. Бартоломэ, В. В. Струве, Х. Хумбах, Е. Э. Бертельс, В. И. Абаев, С. Н. Соколов, В. А. Лившиц, И. М. Оранский, И. С. Брагинский, И. М. Стеблин-Каменский ва бошқа бир қанча олимлар «Авесто» тилини ўрганиш билан шуғулланганлар.

## Қадимги Хоразм тили ва ёзуви

Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзуви — бу хумнинг сиртида тасвирланган хоразм тилидаги қисқа ёзувдир. У Катта Ойбуйирқалъа шаҳар харобасида топилган. Археологик маълумотларга кўра бу ёзув милоддан аввалги V—IV асрларга тегишлидир. Милоддан аввалги IV—III асрларга оид яна бир қадимги Хоразм ёзуви Қўйқирилган қалъада топилган сопол идишнинг сиртида сақланган. Бу манба ягона «аспабарак»—«отлиқ», «чавандоз» сўзидан иборатдир.

Қадимги Хоразм ёзуви оромий алифбесига асосланган. Оромийлар — милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида Месопотамия (Икки дарё оралиғи) ҳудудида жойлашган қадимги халқдир. Милоддан аввалги VI—IV асрларга келиб, 22 та ҳарфдан иборат бўлган оромий алифбеси Урта Шарқнинг идора қилиш, иш юритувчи ва маъмурий тили вазифасини бажарган.

## Бақтрия тили ва ёзуви

Бу Ўзбекистон жанубида (Сурхон воҳаси) ва чега-радош Тожикистон, Шимолий Афғонистон ерларида жойлашган тарихий-маданий вилоят аҳолисининг тили ҳамда ёзувидир. Бақтрия ёзуви икки хил — оромий ва қадимги юнон алифбесига асосланиб ривожланган (6-расм).

Бақтрия тили ва ёзувлари унча яхши ўрганилмаган. Бизгача юздан ортиқ бақтрийлар сўзлари етиб келган. Бақтрия ёзуви топилмалари асосан милоднинг биринчи асрларига тааллуқлидир.

## Сўғд тили ва ёзуви

Сўғд, Сўғдиёна — тарихий-маданий вилоят бўлиб, Зарафшон, Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган. Милодий I—IV асрлардан бошлаб, Сўғд ёзувлари кенг ҳудудда тарқалган. Бу жараён сўғдларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг «Буюк Ипак йўли»даги ҳаракатлари билан боғланган. Шунинг учун ҳам сўғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Марказий Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўғулистон тупроғида топиб текширилган (7-расм).

Сўғд ёзуви иш юритишда, савдо ва маданий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, қадимги уйғур, мўғул ва манжурлар ёзувлари пайдо бўлишига асос бўлди. Милоддан аввалги I минг йилликка оид сўғд ёзувлари топилмаган.

### Сак тили ва ёзуви

Саклар — Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг даштларида, чўлларида ва тоғларида жойлашган кўчманчи қабилалардир. Олимлар фикрига кўра, сак тилида ёритилган энг қадимги манба — бу Олмаота атрофида Иссиқ қўрғонида топилган кумуш идишдаги ёзувдир. У милоддан аввалги V аср билан саналади. Тилшунослик фанларида Иссиқ ёзувига ўхшаган белги ёзувлари «номаълум хат» деб аталади.

Сак тилларида ёритилган ҳужжатларнинг асосий қисми Шарқий Туркистоннинг Хотан воҳасидан топилган. Улар VII—X асрларга оиддир. Бу ёзувларни ўрганишга Г. В. Бэйли, М. Ж. Дрезден, Л. Г. Герценберг, И. М. Оранскийлар катта ҳисса қўшганлар.

«Авесто», сўғдийлар, парфийлар ва хоразм тилларидаги баъзи атамалар, тушунчалар ва номлар замонавий тилларда сақланиб ишлатилмоқда. Жумладан, авесто сўзлари «братар»—«биродар», «ака» (рус тилида ҳам «брат»); «хапта»—«ҳафта», «етти»; «банд»—«боғлаб қўйиш»; «зар»—«олтин»; «нау» (нав)—«янги», «ап»—«об», «фрамана»—«фармон» ва ҳоказо.

Айниқса кўп номлар сўғд сўзи —«канд» (кент)—«шаҳар» билан боғланган (Тошкент, Чимкент, Вобкент, Янгикент). Самарқанд, Панжикент номлари VII аср охири—VIII асрга оид сўғд ҳужжатларида учрайди. «Шаҳар» тушунчаси парфийлар сўзи «шаҳр»дан келиб чиққан.

Айрим тушунчалар сўғд сўзлари —«так» (қурилиш, гумбаз) ва «кат» (уй-жой, макон) билан боғланган (чортак, пештоқ; Катоб — Китоб, Навқат, Суркат). Авесто сўзи —«раошана» (ёруғ, равшан, ойдin), Зарафшон номида сақланган.

Жуда ҳам кўп атамалар юртимизнинг қадимги ҳамда ҳозирги ўзбек ва тожик сўзларнинг қўшилиши асосида пайдо бўлган (Зар — ўт-сой, Зар-боғ, Дар-банд,

Дара-банд, Сар-банд, Кўхи-тоғ, Кат-об, Шаҳри-сабз, Сой-сайёд, Хазар-бўқа, Хазар-асп, Банд-и-хон, Нур-ота, Нау-бахор). Жумладан, «Қатоб» — ҳозирги Китоб — бу «дарё бўйидаги макон, қўрғон», «Шаҳрисабз» — «яшил, кўкаламзор шаҳар», Хазарбўқа, Хазарасп — «минг буқа; минг от» тушунчаларини билдиради. Баъзи қишлоқларнинг номлари жуда ҳам қадимги сўзлардан келиб чиққан. Мисол учун Сурхондарёдаги Вахшивар — бу «даҳшат қишлоқ, макон» деб таржима қилинади ва авесто сўзлари — «вахш» (даҳшат), «вара» (макон) билан боғланади.

Қадимги атамаларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши — бу долзарб муаммо бўлиб, махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Охирги 20—30 йил давомида (айниқса, янги ерларни, чўлларни ўзлаштириш жараёни натижасида аҳолининг эски турар жойлардан янги ноҳияларга кўчирилиши муносабати билан) қадимги номлар унутилиб, уларнинг ўрнига янги (шу жойнинг тарихи билан боғлиқ бўлмаган) номлар ишлатилган (Баҳористон, Гулистон ва ҳоказо).

Ўзбекистон ҳудудида тилларнинг ривожланиши бир неча минг йиллар билан боғланади. Ёзма манбаларга кўра юртимизда энг қадимги маҳаллий тиллар: туркий, форс, араб ва эски ўзбек тиллари ривож топган. Улар иш юритиш ва маъмурий, адабий ва халқаро, маҳаллий қишлоқ ва шаҳар тиллари вазифасини бажарган.

Қадимги қабилалар ва халқлар келиб кетдилар. Уларнинг турли замонларга оид юксак даражали маданиятлари ривожланди. Халқлар ва тилларнинг келиб чиқиши мураккаб тарихий жараёнлар билан боғлиқдир. Уша даврлардан бизнинг замонамизгача турли хил археологик ва ёзма манбалар сақланиб келди. Аждодларимизнинг моддий ва маънавий мероси халқимизнинг маънавий бойлиги бўлиб, янги илмий изланишларга асос солади (8-расм).

## **ИЛҚ ЁЗМА МАНБАЛАР**

### **Манбалар — бойлигимиз**

Марказий Осиёнинг энг қадимги халқлари ўз тарихини ёзма равишда ёритмаганлар (шу даврларга оид маҳаллий ёзма манбалар топилмаган ёки улар замони-

мизгача сақланиб қолмаган). Худудимизга тегишли илк ёзма манбалар — «Авесто», аҳамонийлар даври миҳсимон ёзувлари ва қадимги дунё (юнон-Рим) даврига тааллуқли манбалар юртимиздан ташқарида тузилгандир. Улар Қадимги Шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб, ўлкамиздаги халқларнинг номларини, алоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар ва кўлларнинг номларини, афсонавий қаҳрамонлар ва подшоҳларнинг номларини, юртимиз халқларининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бу манбалар кам ва тўлиқ бўлмаганлиги учун қадимги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда ёзма ва археологик манбаларни бир-бирига солиштириш зарурияти келиб чиқади. Археологик маълумотлар ёзма манбаларни кенгайтириб, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини (кўп ҳолларда археологик манбалар ёзма манбаларга қараганда тарихий-маданий жараённинг бошқа йўналишларини ҳам) кўрсатади.

Дастлабки ёзма манбалардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Баъзи бир маълумотлар афсоналарга асосланган ва уларни ҳақиқий тарихдан ажратиб олиш лозим. Бошқа манбаларнинг муаллифлари (масалан, энг қадимги юнон тарихшунослари) ҳеч қачон Марказий Осиёда бўлмаганлар ва ўз ҳикояларини суриштириб билганлари асосида ёзганлар. Шунга қарамасдан, бу маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

### **«Авесто» ва зардуштийлар**

1755—1761 йилларда француз олими Анкетил Дюперрон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари — парсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиққан. Энг муҳими шундан иборатки, Дюперрон парсларнинг диний ёзувларини ўқишга муяссар бўлган. «Апастак» ёки «Авесто»нинг энг қадимги, 1288 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси бизгача сақланган.

Дюперрон юртига қайтгандан сўнг, 1771 йилда «Авесто»ни таржима қилган. XIX ва XX асрнинг бошларида эса «Авесто»нинг янги таржималари пайдо бўлади.

Дастлабки «Авесто» 21 та китобдан иборат бўлган. Ҳозирги вақтгача унинг айрим қисмлари сақланиб қол-



ган: Ясна — «қурбонлик келтириш», Виспрат — «ҳамма ҳукмронлар», Яшт — «қадрлаш», «улуғлаш», Видевдат — «девларга қарши қонун». Буларнинг ҳаммаси сосонийлар даврида таҳрир қилинган.

Ясна китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17 таси «Готалар», яъни пайғамбар Заратуштранинг «Муқаддас қўшиқлари», унинг диний насиҳатларидан иборат.

Готаларни пайғамбар Заратуштра сосонийлар даври (III—VII асрлар)дан бир неча асрлар олдин яратган. Ажабланарли томони шундаки, илк ўрта асрларда Авесто кўпчиликка тушунарсиз «ўлик» тилга айланган бўлса ҳам Заратуштранинг номаълум сўзлари ва тушунчалари Ясна китобига сўзма-сўз киритилган. Албатта, «Авесто» таҳрирчилари пайғамбарнинг насиҳат сўзлари маъносини айрим жойларда бузиб, нотўғри кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар Готалар сўзларини аниқ ўрганиш жуда ҳам қийин жараён, деб ҳисоблайдилар.

Виспрат 24 бобдан иборат бўлиб, зардуштийларнинг айрим худоларига бағишланган мадҳиялардир. Улар байрам ва диний маросимларда ижро этилган.

Яштнинг 21 бобида ёзувсиз замонларга оид эроний қабилаларнинг тасаввурлари сақланган. Яшт китобида афсонавий қаҳрамонларга ва улуғ худоларга бағишланган мадҳиялар тўпланган. Қадимги қабилалар оғзаки ижоди асосида Яшт боблари пайдо бўлган.

Видевдат тўлиқ сақланган китобдир, унинг тарихий санаси Ясна ёки Яшт қисмларига нисбатан бирмунча ёш ҳисобланади. Видевдат 22 та бобдан иборат.

«Авесто» маълумотларини ўрганишга оид турли хил илмий адабиётлар мавжуд. «Авесто»нинг тарихий тўғрилиги ва тарихий саналари, пайғамбар Заратуштра фаолияти ва зардуштийлик динининг вужудга келиши муаммоси билан узвий боғлиқдир. Бу муаммо кўп йиллардан бери олимлар орасида илмий тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Заратуштра (юнонча — Зороастр, ўрта форс тилида — Зардушт) қадимги дунё муаллифлари маълумотларига кўра афсонавий шахс ҳисобланган. Аммо «Авесто»нинг Готалари ва Яшт боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг номи қадимги эрон «Зарауштра» сўзидан келиб чиққан, «Зар» — бу олтин, «уштра» — туя ёки уч хил маънода — «Олтинтуяли», «Олтин туя эгаси», «Туялар етаклаган одам» деб таржима қилинади.

«Авесто»да Заратуштра уруғининг номи, ота ва онасининг исмлари, оиласи ва фарзандлари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Заратуштра қоҳинлар оиласида туғилган ва бой одам бўлмаган. У Спитама авлодидан келиб чиққан. Заратуштра отаси ва онасининг исмлари — Поурушасп ва Дугдова бўлган. Заратуштра уйланган бўлиб, иккита қиз фарзанд кўрган.

Пайғамбар Заратуштранинг туғилган жойи ва ватани ҳақида «Авесто»да ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шу манбага кўра, Заратуштранинг диний насиҳатлари ўз ватанида тарафдорларини топмаган. Шунинг учун ҳам янги диннинг асосчиси ўз юртидан қочишга мажбур бўлган.

Готаларда пайғамбар Заратуштра бундай хабар қилади: «Қай томонга, қайси юртга қочиб қутулсам, мени жангчилардан ва қоҳинлардан ажратиб қўйдилар, жамоа мени қувнатмайди, мамлакатларнинг ёвуз сардорлари мени қабул қилмайдилар». Заратуштрани подшо Кави Виштасп ўз юртида қабул қилган. Кави Виштасп, унинг хотини — малика Хутаоса ва подшо оиласининг бошқа вакиллари — узоқ ва яқин қариндошлари Заратуштра таълимотига жуда ҳам қизиққанлар ва унинг эътиқодини қабул қилган биринчи тарафдорлари деб ҳисобланади.

Сосонийлар даври анъаналарига кўра, Заратуштранинг туғилган йили македониялик Искандаргача бўлган 258 йил. Бу сана ҳақида биринчи бўлиб Беруний эълон қилган. Унинг маълумотларига кўра, Заратуштра Искандарнинг Шарқ ҳудудига юришларидан (бошланиш санаси — милоддан аввалги 334 йил) 258 йил аввал туғилган. Демак, Заратуштранинг туғилган йили милоддан аввалги 592 йил бўлиб чиқади. Маълумки, Заратуштра 77 ёшда вафот этган ва унинг ҳаёт санаси милоддан аввалги 592—515 йилларга тўғри келади, деб фараз қилинади.

Шу саналарга асосланиб баъзи олимлар Заратуштра аҳамонийлар подшолари Кир II (милоддан аввалги 559—530 й.), Кумбиз (милоддан аввалги 530—522 й.)

ва Доро I (милоддан аввалги 522—480 й.) даврларига замондош бўлган деб ҳисоблайдилар. Шу фикрни тасдиқлаш учун Доро I отасининг исми Виштасп (Заратуштранинг биринчи ҳомийси ва тарафдорининг исми бўлганлиги) ҳам келтирилади.

Аммо аҳамонийлар ёзувларида, расмий давлат буйруқларида, эълонларида Заратуштра исми тилга олинмаган. Бундан ташқари, «Авесто»нинг Яштлари ёки Готаларида аҳамонийларнинг подшолари, ҳарбий юришлари, йирик давлати ва шаҳарлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар сақланмаган. Шунингдек, «Авесто»да Ғарбий Эрон вилоятларининг номлари, Икки дарё оралиғи, Миср ва Кичик Осиё ҳудуди умуман тилга олинмаган.

«Авесто» маълумотларига асосланиб олимлар Заратуштра яшаб ўтган даврни кенг тарихий саналар билан боғлайдилар. Шу жумладан, милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари ва охирлари (1500—1200, 1100—1000-йиллар), милоддан аввалги I минг йилликнинг бошлари ва биринчи ярми (1000—900, 800—700—600-йиллар) ва бошқа турли хил саналар келтирилади.

Олимлар орасидаги илмий тортишувлар бу масалани аниқ ўрганиш мураккаб муаммога айланганлигидан далолат беради. «Авесто»да Заратуштрадан олдинги даврларда кенг ҳудудда жойлашган, қадимги замонларга оид жамиятни тасвирлаш вазиятини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун Заратуштра милоддан аввалги II минг йилликда яшаган деб фараз қилиш мумкин. Юқорида кўрсатилган фикрлардан, шунингдек, В. И. Абаев, И. М. Дьяконов ва Б. Ғ. Ғофуров хулосаларидан Заратуштра яшаб ўтган вақт — бу милоддан аввалги VII—VI асрлар деган фикрни илгари суриш мумкин. Заратуштра милоддан аввалги 553—541 йиллар атрофида вафот этган.

Аҳамонийларнинг Марказий Осиё халқларига қарши дастлабки ҳарбий юришлари милоддан аввалги 545/540—520 йилларда бошланган. Демак, Заратуштра аҳамонийлар босқини даврдан олдин (77 ёш ҳаёти ҳисобидан) 630—553 йиллар ёки 618—541 йиллар давомида умр кўрган (ёки яшаган) бўлиши мумкин.

«Авесто»га асос солинган юртнинг географик жойлашувини аниқлаш ҳам қизиқ муаммодир. «Авесто» тили, «Авесто» вилоятларининг тарихий географияси бу манбанинг ватани Ғарбий Эрон ёки Олд Осиё бўлмаганли-

гидан далолат беради. Олимлар фикрига кўра, «Авесто» Марғиёна, Хоразм, Бақтрия, Сўғд тупроғида ёки Марказий Осиёга чегарадош Эроннинг шимоли-шарқида пайдо бўлган (В. В. Струве, И. М. Дьяконов, В. И. Абаев, И. Алиев, Б. Ғ. Ғофуров ва бошқалар). «Авесто»нинг энг қадимги географик номлари Урта Шарқ ва юртимиз вилоятлари билан боғланади.

«Авесто» китоблари қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади: қадимги географик тушунчалар — дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий, этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум — қадимги қабилалар ўртасидаги ҳарбий курашлар, қадимги жангчиларнинг қаҳрамонлиги ва фаолияти ҳамда эроний подшоларнинг рўйхати, диний насиҳатлар, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақида маълумотлар ва бошқалар. Ушбу китобда келтирилган «Авесто» маълумотлари В. И. Абаев, С. П. Виноградова, Э. А. Грантовский ва И. Н. Стеблин-Каменскийларнинг рус тилидаги таржималарига асосланган.

«Авесто»да жуда ҳам қадимги замонларга оид сўзлар ва тушунчалар сақланган. Уларнинг кўпчилигини замонавий географик сўзлар, айрим жойлар номлари ёки исмлар билан боғлаб бўлмайди. Мисол учун «Авесто»да кўрсатилган дарёлар, тоғлар, денгиз, кўлларнинг номлари ёки қаҳрамон ва жангчиларнинг номлари (Вара, Кара, Вистураш, Нару ва бошқалар) ҳозирги замонда учрамайди.

«Авесто»нинг айрим сўзларидан Нәремон, Сэрвар, Хумая — ҳозирги Наримон, Сарвар, Хумайё исмларининг келиб чиқишини кўриш мумкин ёки И. М. Стеблин-Каменский фикрига кўра, Ворукаш кўли — Балхаш, Фраздан дарёси — Раздан дарёси номларида такрорланган. Эрзур тоғи — Эрзерум тоғи ва Эрэбуни шаҳри сўзларида сақланган бўлиши мумкин.

### **Географик, ҳудудий номлар**

«Авесто»да энг қадимги вилоятларнинг номлари Яшт китобининг учинчи ва Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган. Яшт рўйхатидаги биринчи мамлакат эроний қабилаларнинг ватани — «Арёнам Вайжо» ёки

«Арийларнинг сайхон ерларидир». У юртда кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур кўллар бўлган. Кейинги мамлакатлар — Поруту, Иската, Моуру, Гава, Сўғда, Хваризам.

Яшт арийларнинг ерлари ҳақида қуйидагича эълон қилади: «У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп ҳарбий юришлар қилади, унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув чуқур кўллар тўлқинланиб туради, кема қатнайдиган кенг дарёларнинг оқи-ми Порутадаги Иската, Харайвадаги Моуру, Сўғддаги Гава ва Хваризам томонига тошиб интилади».

Видевдат китобига кўра, зардуштийларнинг улуғ ва донишманд худоси Ахурамазда пайғамбар Заратуштрага бундай хабар қилади: «о Спитама Заратуштра, яшайди-ган жойларга, бу ерларда бахтлиқ қанча кам бўлса-да, тинчлик тортиқ қилдим. Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Ванхви Датьё дарёсидаги Арёнам Вайжога асос солдим.

Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Сўғда маконига асос солдим.

Учинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган қудратли Моуруга асос солдим.

Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гўзал Баҳдига асос солдим».

Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган мамлакатлар Яшт вилоятлари рўйхатидан анча фарқ қилади: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Баҳди, Нисайё, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Рага, Чахро, Варна, номсиз етти Ҳинд вилоятлари ва Ранха дарёси бошларидаги мамлакат.

«Авесто» энг қадимги мамлакатлар — Марказий Осиё ва Урта Шарқ, Афғонистон, Эроннинг шимоли-шарқий ҳудуди билан боғланади. Арёнам Вайжо мамлакатини — бу кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин. У ердаги баланд тоғлар — Помир, Ҳиндиқуш, Ҳисор, Танғритоғ (Тёншон), чуқур кўллар — Каспий, Орол, Балхаш, Иссиқкўл, кенг дарёлар — Амударё ва Сирдарё деб фараз қилинади.

Видевдатнинг махсус бобида Арёнам Вайжо Ванхви

Датъё (Датия) дарёси ҳавзасида жойлашган деб эълон этилган. «Қиш у ерда ўн ой давом этади, ёз — икки ой. Қиш ойлари­нинг сувлари совуқ, ерлари совуқ, қишнинг охирида у ерда катта тошқин сув пайдо бўлади».

Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида «Авесто»да аниқ маълумотлар йўқ. Арёнам Вайжо иқ­лими баланд тоғли вилоятлар табиати­га яқин бўлиб кў­ринади. Ванхви Датъё (Датия, Даити) дарёси бизга но­маълум бўлиб, у ҳақида — бу йирик серсув дарё деб фараз қилиш мумкин (баъзи олимлар фикрига кўра Амударё).

«Авесто»да тилга олинган яна бир кенг серсув дарё — Ранха, олимлар фикрига кўра, Сирдарё бўлиши мумкин. Қадимги юнон тарихшунослари маълумотларига қара­ганда, Ра дарёси скиф тилида — бу Волга дарёсидир.

«Авесто»нинг бошқа дарёлари Зарнумат, Витанхухат, Фраздан бизга номаълум бўлиб қолган. Зарнумат дарё­си «олтинли» деб таржима қилинади. Бу тушунча За­рафшон номида ҳам сақланган. Ёзма манбада тилга олинган кўлларнинг (Чай­ча­ст, Ворукаш, Кансава, Пи­шин) ҳудудий жойлашуви ҳақида аниқ хабар бериш жуда ҳам оғирдир. И. М. Стеблин-Каменский фикрига кўра, Чай­ча­ст номи — Чоч, Ворукаш — Бал­хаш, Канса­ва — Эрондаги Хамун кўли бўлиши мумкин.

Тоғлар ҳақида «Авесто» бундай хабар қилади: «Дунё­да, о Спитама Заратуштра, икки минг икки юз қирқ тўрт тоғ бор». Шулар жумласидан Хара (Харати), Зар­даз, Ушида, Ушидарна, Эрзиф, Эрэзур, Рааодита, Ма­зишва, Антар Дахиё, Эрзиш, Ватигайса, Адарана, Ха­монкун, Вашан, Видван ва бошқалар Яштнинг ўн тўқ­қизинчи бобида тилга олинган.

Энг баланд, арийларнинг муқаддас тоғи — Хара ҳи­собланган. Унинг тизмасида ва яна бир гуруҳ бошқа тоғларда (Адарана, Баёна, Иската) қор кам эриган. Уларнинг баланд чўққилари қор ва музга айланиб со­вуқ бўлган. Уларга ўхшаган тоғлар Танғритоғ, Помир ва Ҳиндиқуш тизмаларида жойлашиш мумкин эди.

«Авесто»даги мамлакатлар номлари қадимги форс тилида ёритилган аҳамонийлар даври ми­ххатларида ва қадимги юнон тарихшунослари асарларида так­роп этил­ган.

## Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар

Авесто жамияти тўрт асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси — «нмана», «дмана», уруғ жамоаси — «вис», қабила — «занту», қабилалар иттифоқи — «дахию» деб аталган.

Яштнинг учинчи бобида бундай хабар қилинади: «Худо Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлгон гапиролмайди: уйда — оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат сардори. Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлгончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади».

Оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун «пати» сўзи ишлатилган — «нманопати», «виспати», «дахиюпати». «Дахию» тушунчаси «вилоят» маъносини ҳам англатган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. «Састар» сўзи орқали қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси ҳам тушунилган.

Оқсоқоллар кенгаши — «варзанопати», «ханжамана», халқ йиғилиши (мажлиси) — «въяха» деб аталган. «Авесто» шаҳар ҳаёти ва тузуми ҳақида маълумотлар бермайди. Манбада «шаҳар» сўзи ёки «шаҳар жамоаси» тушунчаси йўқ.

«Авесто» қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб беради — қоҳинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар (Ясна, 19- боб). «Авесто»да тилга олинган «баланд уйлар», «устунлар» махсус бинокорлар бўлганлигидан далолат беради. Манбанинг турли маълумотларига кўра, қадимги қишлоқларда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик ва темирчилик ривожланган. Арийларнинг яроғ-аслаҳалари найза, ўқ-ёй, ханжар ва ҳарбий болталардан иборат бўлган.

«Авесто»нинг энг қадимги қабилалари чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар. Китобда чорвачилик ҳаётига оид маълумотлар жуда кўп сақланиб қолган: «Ахурамаздага мурожаат қилиб, пайғамбар айтурки: «Сен ўша, ким бизга ҳаёт манбаи бўлган чорвани дунёга келтириб, яратгансан».

«Ахурамазда яратган ҳамма нарсанинг ичида биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага «тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз».

«Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгала-рига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таъмин қиламан» (Ясна, 24. Готалар).

Яшт ва Ясна бобларида деҳқончилик ҳақида маълумотлар учрамайди. Видевдат китобида деҳқончилик савоб иш деб ҳисобланган: «Ким ерга ишлов берса, о Спитама Заратуштра, чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан, у ерга манфаат келтиради» (Видевдат, 3- боб).

### Сиёсий тарих

«Авесто»да келтирилган маълумотлар Марказий Осиёда қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси ташкил топган даврларга (мил. авв. IX—VIII аср.) мансуб бўлиши мумкин. Бу бирлашма — Арёшайёна ёки Арёнам Вайжо, жуда катта ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шу давр аҳолисининг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бошқа бир гуруҳи эса кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтган. Ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган вилоятлар («Шоҳнома»да — Эрон) ва кўчманчи чорвадорлар («Шоҳнома»да — Турон) ўртасида сиёсий қарама-қаршилиқлар пайдо бўлган.

«Авесто»га кўра, Шарқий Эрон подшоларининг рўйхати қуйидагича: «Хаошъёнх — эронийликларнинг биринчи афсонавий подшоси («Шоҳнома»да — Хушанг), кейин Йима (Жамшид) — подшо-подачи, Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (Кай-Хисров), Кави Виштасп.

Кавийлар («Шоҳнома»да — кайёнийлар) — подшолар сулоласидир. Бу сулола вакиллари — Кави Қават (Кай-Қубот), Кави Усан (Кай-Қовус), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай-Ареш) Заратуштра таълимотининг тарафдорлари бўлганлар. Туронликлар эса Заратуштра таълимотини қабул қилмаганлар, шунинг учун ҳам улар «Авесто»да «сохта», «ёвузлар» сифатида ёритилган.

Кави Хаосров арийлар мамлакатларини бирлаштирувчи подшо бўлиб ҳисобланади. Унга қарши «тура» чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франграсён («Шоҳнома»да — Афросиёб) кураш олиб борган. Франграсён — Афросиёб, Кай Хисровнинг отаси Съёваршон — Сиёвушни ўлдирган. Кай Хисров Франграсён билан



жанг қилиб, уни Чайчаст кўли ёнида мағлубиятга учратиб ҳалок этган. Шундай қилиб, Қай Хисров отаси Сиёвуш ва Аграэрат, Наравид исмли баҳодирлар учун қасос олган.

Кави Виштаспнинг асосий душманлари туроний «дану» ва «хьяона» қабилаларнинг вакиллари — Аштарвант, Аржатасп, Вандарманиш ва Даршин бўлган. Тақдир ва бахт худоси Ашига мурожаат қилиб, Кави Виштасп айтурки: «Бахт-саодатли Аши, ғалабали жангда, хьяона ёвузи, етти юз туя эгаси сержаҳл Аштарвант, сохта Аржатасп, девларни қадрлаган Даршин устидан ғолиб чиқишга, хьяона жангчиларини юзлаб қиришга омад сўрайман» («Яшт, 17- боб).

### **Диний фалсафа ва турли маълумотлар**

Зардуштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб (яхшилик худоси Ахурамазда билан ёмонлик худоси Анхро Манё — Ахриман ўртасида), табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом этади.

Тура, дану, хьяона қабилаларининг вакиллари девларни улуғлаганлар ва Ахурамаздани қадрламаганлар, шунинг учун ҳам «Авесто»да улар Заратуштра тарафдорларининг ашаддий душманлари сифатида ёритилган. Аммо зардуштийлика сиғинган ва сиғинмаган (тура қабилалари) қабилалар бир-бирига қариндош аҳолининг вакиллари бўлган.

Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи худо бўлиб ҳисобланган. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган». Ахурамазда ҳаётни ва дастлабки одамни яратувчи худо деб фараз қилинган. Анхро Манё ёмонлик, касаллик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган.

Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 та табиий қисмларга (каршвар)ларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади деб фараз қилинган. Зардуштийлар фикрига кўра, дунё ривожланиши тўрт босқичга бўлиниб, ҳар бир давр 3 минг йилдан иборат бўлган.

Биринчи босқич — бу кўринмас маънавий дунё; иккинчиси — ҳаёт ва дастлабки Ягона Гавмард одами пайдо бўлиши даври; учинчиси — «олтин давр», арийлар афсонавий қаҳрамонларининг иш-ҳаракатлари даври; тўртинчи босқич пайғамбар Заратуштра вафотидан сўнг бошланган.

Дунё тарихининг иккинчи даврида Анхро Манёнинг ёмонлик фаолияти бошланган. У дастлабки Ягона Гавмард одамга ўлим келтирган. Аммо биринчи одамдан эркак ва аёл пайдо бўлади. Улар инсоният уруғини вужудга келтирадilar. «Авесто» маълумотларига кўра, арийлар ҳам Гавмард фарзандларидан ташкил топган.

Учинчи босқичда — Йима (Жамшид) подшолик қилган бу «олтин» даврда дунёда бахтли ҳаётнинг ривожланиши юқори даражасига етган. Дунё аҳолиси бир неча маротаба кўпайгани ва кенг ёйилганидан инсон, қушлар ва ҳайвонлар яшаши учун сайхон ерлар қолмаган. Ахурамазда маслаҳатига биноан, Йима ҳар 300, 600 ва 900 йил давомида ер чегараларини ва инсонлар жойлашуви ҳудудини кенгайтириб борган. Ер юзида қиш, совуқлик ва тошқин сувлар хавфи бўлишига биноан, Йима «вара» — тўртбурчакли қалъа-маконга асос солган. Бу маконда турли ўсимликларнинг ўсиши, ҳар бир кичик ва катта шохли мол, парранда, ит ва одамларнинг яшаши учун олов ҳамда озиқ-овқат сақлаш имкониятлари яратилган.

Тўртинчи босқичнинг сўнгги йилларида «охирги замон» бошланиши лозим. Зардуштийлар фикрига кўра, худди шу замонда, дунё ва инсоният тақдирини ҳал қилувчи, дунё ҳаётини қутқарувчи Саошъянт номли шахс пайдо бўлади. У ерни «эритилган темир оқимида» тоза-лаб бериши лозим бўлади. Ёвуз кучлар томонида бўлиб, ҳақиқатга қарши бўлган, гуноҳ ишлар қилган одамлар бутунлай йўқ қилинади.

«Авесто»да турли хил маълумотлар бор: жангчи-қаҳрамонлар ҳақида афсоналар, баҳодирлар ва аждодлар ўртасидаги жанглар, ҳаёт ва ўлим фалсафаси, халқ оғзаки ижодидан келиб чиққан эртақлар ва бошқалар. Масалан, сержаҳл жодугар Ахтёе ва ёш туронлик Йойшта ҳақидаги афсона жуда ҳам қизиқарлидир.

Жодугар Ахтёе одамларни ўлдириш билан машҳур бўлган. Ёш туронлик Йойшта жодугарнинг 99 та топиш-

моғини топиб, ўзи ҳам жодугарга топишмоқлар айтган. Унинг топишмоқларига аниқ жавоб беролмагандан сўнг сержаҳл Ахтёе ўлдирилган. Бу ҳикояда зардуштийларга душманлик қилган туронликлар вакили биринчи марта яхши маънода адолатли тасвирланган.

Зардуштийларнинг қурбонлик урф-одатлари ҳақида Яшт мадҳиялари хабар қилади. Китобнинг 5-бобида «Ардвисур — яшт» муқаддас Хара тоғи этагида арийларнинг подшоси Хаошъёнх, Хукаръе тоғида Йима, Пишин кўли ёнида жангчи-қаҳрамон Керасп, Эрзиф тоғида подшо Кави Усан, Чайчаст кўли қирғоғида Кави Хаосрав, Фраздан дарёси соҳилида Кави Виштасп худо Ардвисурага юз отни, мингта қорамолни ва саноксиз кўйларни қурбон қилиб, ўз душманлари устидан, зулм ва қора кучлар тарафдорлари устидан ғалаба қозонишга омад ҳамда ёрдам сўраганлар. Дарёлар худоси Ардвисур (Ардвизўр) ҳамда тақдир ва бахт худоси Ашининг ёрдами билан уларнинг жанглари, курашлари ғалаба билан якунланган.

### Дафн этиш маросимлари

Зардуштийларнинг қонунларига кўра, инсон ўзининг ишлари, фикрлари ва сўзлари билан Анхро Манёга қарши бўлиши лозим эди. Ким бу дунёда ҳалол, камтар ва меҳнатсевар бўлиб яшаб ўтса, у нариги дунёнинг жаннатида бахтли ҳаётни кечиришга муяссар бўлади. Ёвуз ишлари билан машҳур бўлган одамларни дўзахдаги зулмат ва азоб кутиб олади, деб фараз қилинган.

Улим — бу ёмонлик ифодаси, касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо Анхро Манёдир. Қазо қилган одамнинг бадани ҳаром ҳисобланиб, уни махсус хонага қўйиб, ўттиз қадам оловдан, ўттиз қадам сувдан, муқаддас ўсимликлардан узоқлаштириш ва яқин қариндошларидан четлаштириш лозим эди. Дафн этиш маросими билан «насса» номли махсус одамлар шуғулланганлар («насу» — бу ўлим ифодаси, ўлимни шимолдан учиб келган пашша олиб келади, деб фараз қилинган).

Уч кун ва уч тун давомида қоҳинлар ва вафот этган одамнинг қариндошлари зардуштийларнинг махсус насиҳатларини ўқиб турганлар. Маросимлар давомида сув ичиш ва овқатланиш ман этилган. Тўртинчи кун бошланиши билан, ўликнинг руҳи нариги дунёга етиб

боргандан сўнг, жасадни уйдан олиб чиқиш мумкин бўлган. Зардуштийларнинг қонунларига кўра, жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам ўликни зардуштийлар уйдан, қишлоқдан, шаҳардан, муқаддас оловдан, сувдан четлаштириб уни тошли ва қумли тепаликларга ёки бошқа махсус жойларга олиб бориб қолдирганлар.

Уйдан, оловдан ва сувдан узоқ жойларда ташлаб қолдирилган мурдаларни йиртқич ҳайвонлар ва қушлар йўқ қилганлар. Йил давомида қор ва ёмғир сувлари мурда суякларини ювиб, уларни қуёшнинг муқаддас нури яна тозалагандан сўнг, «нассасса»лар зардуштийларнинг очиқ қабристонларига желиб, тозаланган суякларни қишлоқ-шаҳарларга олиб келганлар. Фақат шундагина, мураккаб дафн маросимидан кейин, суякларни ерга кўмиш ёки махсус хоналарда (сопол идишларда, тобутчаларда) сақлаш мумкин эди.

Милоддан аввалги IX—IV асрларга оид Сурхондарё ва Қашқадарё (Шимолий Бақтрия ва Жанубий Сўғдиёна) воҳаларидаги ўтроқ аҳолига оид қадимги қабрлар топилмаган. Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида зардуштийлар урф-одатларига оид дафн этиш маросими тарқалган. Қашқадарёдаги Сангиртепада, Сурхондарёдаги Қизилтепа ва Бандихонтепа атрофларида қадимги одамларнинг айрим суяклари топиб текширилган. Сангиртепа ва Қизилтепадан одамларнинг тарқоқ суяклари уйларнинг сатҳлари тагидан топилган. Демак, археологик маълумотлар ҳам юқорида ёритилган дафн маросими ҳақида далолат беради.

Зардуштийлар таълимотига кўра, инсоннинг баданидан ажралган жон-руҳи Чинват кўпригига етиб бориши керак. Чинват кўприги Хара тоғининг баланд чўққисидан бошланиб осмонга қаратилган. Бу кўприкнинг ёнида руҳни худо Митра ва унинг ёрдამчилари Сраоша билан Рашну кутиб оладилар. Худо Митранинг қўлида адолат билан судлаш тарозиси бўлади. Тарозида жоннинг яхши ва ёмон ишлари тортилади. Эзгулик жонлар учун Чинват кўприги кенгайиб бориб, осмонга йўлни очиб беради (жаннатга инсонни гўзал париқиз кузатиб боради). Агар тарозининг ёвуз ишлар томони оғир бўлса, Чинват йўли торайиб қолади, ўткир қилич дамига айланади. Ёвуз руҳни жирканч ажина — кампир ер та-

гига олиб кетади. Бу жойда ёвузлар Анхро Манё зулматидаги узоқ азоб умрни кўрадилар.

Заратуштра таълимотига кўра, «охирги замондан» сўнг ўлим ва «ўликлар подшолиги» бутунлай йўқ бўлади. Олов худоси Атар тоғларидаги темирларни эритиб, оловсимон суюқликни ёки алангали дарёни ер юзига қаратади. Шарқшунос М. Бойс «Қатта Будахшин» номли китобдан келтирган маълумотларга кўра, ҳар бир инсон бу дарёдан кечиб ўтиши лозим бўлади, ҳақиқатгўйлар учун олов янги соғилган сут дарёсига ўхшаб қолади, гуноҳкорларнинг ичи эритилган темир билан тўлдирилиб ёнғинга айланади. Гуноҳкорлар ер юзидан тамоман ғойиб бўладилар. Алангали суюқ темир дарёси ер тагига оқиб, дўзахни, худо Анхро Манёни ва зулматни йўқ қилади. Бундан кейин ерда бахту саодат, адолат ва яхшилик устунлик қилиб, инсоният касалликни, қарилликни ва ўлимни умуман билмайди. Жаннат ва ердаги яшовчилар бирлашадилар, ер жаннатга айланади. Одамларнинг муносабатлари, сўзлари ва ишлари тинчлик ва бахтлиқ мақсади билан боғланади.

Заратуштра насиҳатларига кўра, доимий фароғатли ҳаёт инсон учун узоқ, нотаниш ҳаёлий жаннатда эмас, балки инсон учун яқин, унга таниш жонли дунёда бўлиши лозим. Бу маррага етиш учун одамлар жуда кўп мураккаб ва жиддий синовлардан ўтишлари керак.

Олимлар фикрига кўра, Заратуштра биринчи бўлиб адолатли суд қилиш, жаннат ва дўзах ҳақида, инсоният учун умумий охирги синов ҳақида, доимий тинчлик ва соғ-саломатлик, ҳаёт олами тўғрисидаги расмий таълимотга асос солган.

Асрлар давомида турли халқлар дунёда тўқинчилик, бахт-саодат, фаровонлик устунлик қилган давр бошланади, деб умид қилганлар. Бу мавзу ўз аҳамиятини ҳозир ҳам йўқотмаган. Аммо келажакдаги ўлмас дунё, бахтли ҳаёт, доимий адолатлилик ҳақида қадимги манбалар ичида «Авесто» биринчи бўлиб эълон қилади.

### **Аҳамонийлар даври михсимон ёзувлари**

Милоддан аввалги 559 йилда Эрондаги аҳамонийлар сулоласининг йирик давлатига подшо Кир II асос солади. Кир II, Кумбиз, Доро I, Ксеркс каби форс подшолари Қадимги Шарқдаги жуда кўп мамлакатлар устидан

Ўз ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирганлар (9- расм).

Милоддан аввалги 545—540 йилларда аҳамонийлар Марказий Осиёнинг Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Сўғдиёна вилоятларини бўйсундирганлар. Сак-массагетларга қарши Кир II нинг юришлари милоддан аввалги 530 йилда муваффақиятсиз якунланган. Сакларни Доро I милоддан аввалги 518 йилда истило қилган.

Доро I даврида (милоддан аввалги 522—486 йиллар) аҳамонийлар сулоласи Ҳинд водийсидан Ўрта ер денгизига қадар бўлган кенг ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Аҳамонийлар давлати тарихда биринчи йирик дунё давлати деб ҳисобланади. Бу давлат кўп сонли вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган. Марказий Осиёда аҳамонийлар икки юз йил давомида ҳукмронлик қилганлар (милоддан аввалги 330 йилгача).

Аҳамонийлар даври михсимон ёзувларида Марказий Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида турли хил маълумотлар бор. Бу ёзувлар милоддан аввалги VI—IV асрларга оид бўлиб, Беҳистун ва Нақши Рустам қоятошларида, Суза, Персепол ва Ҳамадон шаҳарларида топилган. Улар қадимги форс тилида турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат. Китобимизда келтирилган ёзувлар хабарлари В. В. Струве, В. И. Абаев, М. А. Дандамаев ва А. В. Эдаковлар томонидан амалга оширилган рус тилидаги таржималарга асосланган.

Шулар жумласидан энг муҳими Беҳистун ёзувлари бўлиб, Доро I даврида Карманшоҳ ва Ҳамадон шаҳри ўртасидаги йўлда баланд қоятошда ёзилган (Мидия ўлкаси). Беҳистун ёзувлари қадимги форс, элам ва аккад тилларида битилган. Доро I бундай хабар қилади: «Мен — Доро, улуғ подшо, шаҳаншоҳ, мамлакатлар подшоси, Виштасп ўғли, Аршан невараси, Аҳамоний.

Шоҳ Доро айтурки: «Ахурамазда иродаси билан қуйидаги давлатларни қўлимга киритиб, уларнинг подшоси бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Мония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дранғиёна, Аръё, Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака: ҳаммаси бўлиб 23 давлат».

...Мен Бобилда бўлганимда, қуйидаги давлатлар мен-

дан ажралиб чиқиб кетганлар: Форс, Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Саттагадия, Сака.

... Шоҳ Доро айтурки: «Марғиёна номли давлат менадан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир одам ўзини вилоятнинг ҳоқими деб эълон қилди. Кейин мен, Бақтрия сатрапи, бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни чақириб, унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак». Дадаршиш қўшинлари билан отланиб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам кўрсатди. Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим қўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Бу жанг асиядий ойининг 23 чи кунда содир бўлди. Шундан сўнг давлат менинг қўлимга кирди. Мана мен Бақтрияда нималарни қилдим.

... Подшо Доро хабар қилади: «Бундан сўнг мен сакларга қарши сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққи қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарёда кемалардан кўприк қилиб, сакларни тор-мор қилдим. Уларнинг сардори Скунха исмли одамни тутиб, меним ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остимга ўтди».

Шоҳ Доро айтурки: «Бу саклар Ахурамаздани қадрлаганлар, мен Ахурамаздани улуғлайман. Ахурамазда иродаси ва ўз хоҳишим билан мен уларни тинчитиб қўйдим».

Ҳамадон ёзувларида Доро I бундай хабар қилади: «Мен — Доро, улуғ шоҳ, шаҳаншоҳ, давлатлар подшоси, Виштасп ўғли, Аҳамоний.

Шоҳ Доро айтурки: «Мана ҳузуримда бўлган подшolik: Сўғдиёнанинг нариги ёғидаги саклар юртидан Эфиопиягача, Ҳиндистондан Мидиягача — бу подшolikни менга Ахурамазда — худолар ўртасидаги улуғ худо, тортиқ қилган».

Беҳистун ёзувларида Доро I биринчи бўлиб Аҳамонийлар давлатининг ғарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Нақши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлардан бошланади: «Мен — Доро, улуғ подшо, шаҳаншоҳ, кўп қабилали мамлакатларнинг подшоси, кенг сайхон ерларнинг подшоси, Виштасп ўғли, Аҳамоний, форс, форснинг ўғли, арийлар уруғидан келиб чиққан арий.

Шоҳ Доро айтурки: «Форс вилоятидан ташқари қўйидаги мамлакатларни мен бўйсундирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Парфия, Арьё, Бақтрия, Сўғдиёна Хоразм... Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда... денгиздан нариги ердаги саклар».

1972 йилда Суза шаҳрида топилган Доро I ҳайкалидаги ёзувларда Бақтрия, Сўғдиёна ва Хоразмдан ташқари «балчиқ ва тупроқ ўлжаси саклари» тилга олинган.

Суза шаҳрида топилган яна бошқа ёзувларда Доро I бундай эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Уака ёғочи — Гандҳарадан, олтин — Сард ва Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард — Сўғдиёнадан, фируза — Хоразмдан, кумуш ва бронза — Арахозиядан, тош устунлари — Эламдан етказиб берилган».

Эрондаги қадимги Персепол шаҳридан бақтрияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган (Доро I ва Қсеркс подшоҳлар сарой деворларидаги бўртма расмларда турли халқларнинг хирож келтириш манзараси тасвирланган). Персепол саройидаги расмлар Марказий Осиё халқларининг энг қадимги тасвиридир (уларнинг қиёфаси, кийим-бошлари, қуроллари маъносидан).

Турли халқлар қаторида сўғдийлар 8-гуруҳда кўрсатилган. Улар етти кишидан иборат бўлиб, шоҳга идишлар, газмол, номаълум ҳайвон териси ва икки қўйни етаклаб желаётгани тасвирланган.

Ун биринчи гуруҳда узун чўққили қалпоқлардаги саклар кўрсатилган. Улар кийим-кечакларни кўтариб ва отни етаклаб бормоқдалар.

Ун бешинчи гуруҳда бақтрияликларнинг беш вакили идишларни ва туяни олиб бораётганлиги тасвирланган.

Ун еттинчи гуруҳ хоразмликлар бўлиб, уларнинг дуадама ханжар, ҳарбий болта, билагузук ва отни олиб келаётгани кўрсатилган.

Бу расмларда Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва саклар вилоятидан бўлган солиқ тўловчиларининг аҳамонийларга турли хил буюмлар (ҳунармандчилик тикувчи-



лик, заргарлик, ҳарбий қуроллар), Қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни олиб келаётгани тасвирланган. Ундан ташқари, Суза ёзувларига кўра, Марказий Осиё вилоятларидан Эронга олтин, ложувард, фируза ва қимматбаҳо тошлар олиб келинган (10—11-расмлар).

Аҳамонийлар даври ёзувларида юртимиз халқларининг ўтмиш тарихига тегишли қуйидаги маълумотлар бор: вилоятлар ва халқларнинг номлари, сиёсий жараёнлар — Бақтриянинг бир қисми бўлган Марғиёнада Фрада бошчилигида қўзғолонни тор-мор қилиш («Мана нималарни мен Бақтрияда қилдим» — Доро I нинг хулосаси шундай эди), саклар юртига қарши юришлар, иқтисодий тузум ва моддий маданият тўғрисида маълумотлар.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг қадимги форс ёзувларига бағишланган асарлари мавжуд (И. Маркварт, Э. Херцфельд, Р. Кент, А. А. Фрейман, А. В. Струве, В. И. Абаев, М. А. Дандамаев ва бошқалар).

### **Қадимги юнон тарихшунослари**

Юнон-форс урушлари бошланиши билан милоддан аввалги VI—IV асрлар сиёсий воқеаларида иштирок этган Марказий Осиё халқларининг тарихи қадимги юнон тарихшуносларининг асарларида ёритилган.

Бу борада Марказий Осиё халқлари тўғрисида қисқа бўлса-да, жуда аниқ маълумотлар берувчи Геродотнинг «Тарих» китоби қисмлари айниқса қимматлидир. Қадимги даврлардан бошлаб бу китоб дунёда энг машҳур тарихий асарлардан бири бўлиб ҳисобланган. Унинг муаллифи Геродот «тарихнинг отаси» деб ном олган.

Геродот милоддан аввалги 484 йилда Кичик Осиёдаги Галикарнасс шаҳрида туғилган (милоддан аввалги 431—425 йиллар ўртасида вафот этган). У 10 йил давомида (милоддан аввалги 455—445 йиллар) Ливия, Миср, Осурия, Бобил, Эжбатонга саёҳат қилиб, Қадимги Шарқ тарихи ҳақида кўпдан-кўп маълумотлар тўплаган. Миср фиръавнларининг мақбаралари, Бобил мудофаа деворлари ва муқаддас миноралари, Қора денгиз шимолий соҳилидаги скиф мозор-қўрғонлари Геродотни завқлантириб, унинг Қадимги Шарқ тарихи ва маданиятига

маълум бўлган қизиқишларининг ғоят кучайишига асос солган.

Геродотни Олд Осиё, Бобил, Эрон, ва «дунё чегараларида» жойлашган халқлар ва давлатлар тарихи ҳам анча қизиқтирган. Қадимги юнонларнинг фикрларига кўра, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўлкалари инсон яшаган дунёнинг шарқий чегаралари бўлган. Геродот Марказий Осиёда ҳеч қачон булмаган ва бу ҳудуд ҳақида ўз эшитган ҳикоялари, суруштириб билганлари асосида ёзган.

Геродот «Тарих» китобини милоддан аввалги 455—445 йиллар давомида ёзган. Бу муҳим асариди Геродот Бақтрия, Бақтра, бақтрияликларни 13 марта, сўғдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Марказий Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг яроғ-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс-юнон урушларида уларнинг кўрсатган жасорати, халқларнинг аҳамонийлар давлатига бўйсунуши ва махсус хирож тўлаши, сак-массагетларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва диний эътиқоди, Марказий Осиёдаги Акес дарёсининг сувларидан фойдаланиши ҳақида ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

Геродот Марказий Осиёда халқлар жойлашувидаги нафақат аниқ, балки умумий чегаралардан ҳам беҳабар бўлган. Тарихчи массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашганлар... Аракс дарёси Матиёна тоғларидан бошлаб оқади». Аракс — бу Амударё. Матиёна тоғлари, Геродотнинг тушунишича, Помир ёки Ҳиндиқуш тизмаларидир, чунки тарихчининг айтишича, Матиёна тоғларида Ҳинд дарёси ҳам бошланади.

Аҳамонийлар подшолари Марказий Осиёда биринчи бўлиб Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва сакларни бўйсун-

диришни режалаштирганлар. Геродот хабарларига кўра, Кир II нинг ҳарбий юришларига «Бобил, Бақтрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар» (Геродот, I, 153.).

Геродот маълумотларида берилган «Бақтрия халқи» тушунчаси маълум бир этник бирликни бирлаштирган бўлиши мумкин. «Халқ» маъносини берувчи «этнос» сўзи Геродот «Тарих»ида жуда кўп учрайди (тадқиқотчилар ҳисобига кўра, тарихчи бу сўзни 145 марта ишлатган) ва фақат икки жойдагина бу сўз Бақтрияга нисбатан ишлатилади. Ушбу китобда келтирилган қуйидаги маълумотлар Г. А. Стратановский томонидан рус тилига таржима қилинган ва 1972 йилда чоп этилган Геродотнинг «Тарих» асаридан олинган.

Геродотнинг айтишича, Доро I Аҳамонийлар давлатини 20 та ўлкага бўлган. Тарихчи Марказий Осиё халқлари ҳақида бундай хабар қилади:

Тарих, III китоб, 92. «Бақтрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 300 талант солиқ тўлаганлар. Бу — ўн иккинчи ўлка».

III, 93. «Саклар ва каспийлар 200 талант тўлаганлар. Бу — ўн бешинчи ўлка. Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу — ўн олтинчи ўлка» (Бир талант 33,655 кг. кумушдир — А. С.).

Геродот мунтазам равишда аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидаги юртимиз халқларининг жангчи вакиллари ҳақида ёритади:

Тарих, VII, 64. «Бақтрияликларнинг уст-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калта найзалар билан қуроолланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўққили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуроолланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар — сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қабиласи) амиргий саклар деб номланган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар. Бақтрияликлар ва сакларнинг сардори Гистасп — Доро ва Кирнинг қизи Атоссанинг ўғли бўлган».

VII, 66. «Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар, гандарийлар ва дадиклар бақтрияликларнинг қуроолларига ўхшаган яроғ-аслаҳалари билан ҳарбий юришни бошлаганлар. Уларнинг йўлбошчилари: парфияликлар ва хо-

размликларники—Фарнак ўгли Артабоз; сўғдларники—Артей ўгли Азан бўлган».

VII, 88. «Бақтрия чавандозларининг қуроллари пиёда аскарлари қуролларига ўхшаган».

Геродот ҳикояларининг асосий қисми массагетларга бағишланган:

Тарих. I, 201. «Шу халқларга эга бўлгандан сўнг, Кир массагетларни истило қилиш мақсадини ўз олдига қўйган. Бу массагетлар жасур ва беҳисоб қабиладир. Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида исседонларга рўпара бўлиб жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қабиласи деб ҳисоблаганлар».

I, 202. «Ҳикоячиларнинг хабарларига кўра, Аракс Истр дарёсидан йирикроқ бўлган, аксинча, бошқа бирлари эса уни кичикроқ дарё деб ҳисоблайдилар. Аракс дарёсида ороллар кўп... Аракснинг бир ўзани кенг очиқ жойда оқиб, Каспий денгизига қуйилади. Каспий денгизи—бу бошқа денгизлар билан боғланмаган денгиздир.»

I, 215. «Массагетларнинг кийим-кечаклари ва турмуш тарзи скифларникидан унча фарқ қилмайди. Уларнинг отлиқ ва пиёда қўшинлари бўлиб, одатда улар камон, найза ва ҳарбий чўқморлар билан жанг қиладилар. Уларнинг ҳамма нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Чўқмор, ўқ ва найзалар учлари мисдан ишланган, уларнинг уст-бошлари олтин билан нақшланган. Улар отларининг эгар-жабдуқларини ҳам уст-бошлари каби олтин билан безатадилар. Темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металлар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди, аммо олтин ва мис уларда жуда кўп».

I, 216. «Буғдойни массагетлар экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик (Аракс дарёсида балиқ сероб) билан шўғулланадилар ҳамда сут ичадилар. Массагетлар ичида улуғланган ягона худо—бу Қуёшдир, Қуёшга улар отларни қурбон қиладилар, чунки худога дунёдаги энг чаққон — тез чопар жонлиқни қурбон қилиш лозим деб ўйлайдилар».

Милоддан аввалги 530 йилнинг июль—август ойларида Кир II массагетларга қарши юриш қилган. Бу воқеалар «Тарих»нинг биринчи китобида тасвирланган: Ту-

мариснинг юртига подшо Кир томонидан совчиларнинг етиб келиши; подшога турмушга чиқиш таклифининг Тўмарис томонидан рад қилиниши; форсларнинг Аракс дарёсидан кечиб ўтиши ва массагетлар ерларининг ичкарасига кириб бориши; Тўмариснинг ўғли Спаргапис бошчилигидаги массагетларнинг бир қисми тасодифан форслардан мағлубиятга учраши (массагетларнинг баъзилари жойда ўлдирилади, бошқа бирлари асирликка олинади); Тўмарис бошчилигидаги массагетларнинг ҳаракатлари натижасида форсларнинг бутунлай қириб ташланиши; подшо Кир жасадининг уруш майдонидан топилиши ва унинг кесилган бошининг қон билан тўлғизилган мешга солиниши (Геродот, I, 205—214).

Бу хабарларнинг охирида Геродот бундай хулоса чиқаради: «Кирнинг ўлими ҳақидаги кўпдан-кўп ҳикоялар орасида менимча, бу ҳикоя энг ишончлидир». Геродотнинг Акес дарёси сувларидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларига асосланиб, бир гуруҳ олимлар (Ф. Альтхайм, В. Б. Хеннинг, И. Гершевич) аҳамонийлар давридан олдин Марказий Осиёда «Катта Хоразм» давлати ривожланган, деган муаммони илгари сурадилар.

Тарих, III, 117. «Осиёда бир водий бор. Унинг ҳамма томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб ўтади. Бир вақтлар бу водий хоразмликларга қарашли бўлиб, хоразмликлар, парфияликлар, саранглар ва таманейларнинг чегарадош ерларида жойлашган. Форсларнинг ҳукмронлиги бошлангач, водий форс подшоси ҳукмронлигига ўтган. Водийни ўраб олган тоғдан Акес номли йирик дарё бошланади. Бешта ўзанларга бўлинган бу дарё санаб ўтилган халқларнинг ерларини даралар орқали сув билан таъминлаган. Аммо форсларнинг ҳукмронлиги даврида ушбу халқлар қуйидаги ҳолатни бошдан кечирдилар: Подшо дараларни тўсиб сув йўлларида тўғон дарвозалари қуришга буйруқ берган. Даралардан чиқаётган сув оқимининг йўли беркитилгани учун тоғ билан ўралган водий ўрнида кўл пайдо бўлган. Илгари шу сувдан фойдаланиб келган қабилалар бу имкониятдан маҳрум бўлиб, даҳшатли ҳолатга тушганлар... подшо тўғон дарвозаларини очиш учун катта пул (солиқлардан ташқари) талаб қилган».

Муҳим савдо йўлларида жойлашган Марказий Осиё

вилоятлари Аҳамонийлар давлатида катта иқтисодий, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Бақтрия вилоятларини идора қилган ҳокимлар аҳамонийларнинг оиласи вакиллари бўлган (тўрт марта Бақтрия ҳокимлари улуг подшо ўғиллари ёки ака-укалари бўлган).

Бақтрия ҳокимлари аҳамонийлар тахтини қўлларига олишни доимо ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Бақтрия ҳокими Масист аҳамонийлар подшоси Қсерксга қарши (Масистнинг акаси) Бақтрия вилоятида қўзғолон кўтаришга ҳаракат қилган.

Тарих, IX, 113. «У ўғиллари билан маслаҳатлашиб, улар ва ўзининг тарафдорлари билан бирга Бақтрага йўл олади. Подшони тахтдан ағдариш учун у Бақтрия вилоятида қўзғолон кўтармоқчи бўлган. Агар у бақтрияликлар ва саклар олдига ўз вақтида етиб борганда, ўз олдига қўйган мақсадни аниқ бажариши мумкин эди. Ҳақиқатдан ҳам бу халқлар Масистни ҳурмат қиларди, у Бақтрия сатрапи бўлган. Аммо Қсеркс Масистнинг ниятидан хабардор бўлиб, унинг кетидан ҳарбийларни юборади, йўлда қувиб тутилган Масист ўғиллари ва тарафдорлари билан биргаликда ўлдирилади».

Геродотнинг «Тарих» асарида Марказий Осиё ҳудуди билан боғланган географик тушунчалар кам учрайди. Шулар жумласидан, дарёларнинг номлари—Аракс, Акес, Каспий денгизи ҳамда Матиёна тоғлари. Геродот Бақтрия маркази Бақтра шаҳрини ва шу вилоятлардаги Барка номли қишлоқни икки марта тилга олган (Геродот, IV, 204; VI, 9; IX, 113). Бошқа дарёлар, тоғлар, қўллар ёки шаҳарлар ва жойлар ҳақида тарихчи хабар қилмайди. Баъзи халқларнинг ҳудудий жойлашуви (саранглар, таманейлар) бизга номаълум бўлиб қолган.

Геродотнинг асарида Марказий Осиё халқларининг Қсеркс қўшинлари ичида қадимги дунё тарихида машҳур бўлган Марафон ва Саламин жангларида (юнонфорс урушлари) қатнашганлари ҳақида маълумотлар бор. Марафон жангида сакларнинг отлиқ қўшинлари ниҳоятда катта жасурлик кўрсатганлар (Тарих, IX, 71). Саклар ва Бақтрия чавандозлари аҳамонийлар қўшинларидаги энг жасур қисмлардан бири бўлиб ҳисобланган. Геродот хабарига кўра, Қсеркснинг отлиқ қўшинларида фақат айрим халқларгина махсус хизмат қил-

ганлар—форслар, мидияликлар, саклар, бактрияликлар, сагартийлар, ҳиндлар, ливияликлар, каспийлар, париканнийлар ва араблар (Тарих, VII, 88).

Геродотнинг тарихий анъаналарини давом эттирган бошқа бир юнон тарихшуноси Ктесий Кичик Осиёдаги Книд шаҳридан бўлган. У милоддан аввалги 414 йилдан бошлаб аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II (милоддан аввалги 404—359 й.) саройида табиб вазифасини бажарган. Подшо саройида у Шарқ чегараларида жойлашган узоқ шаҳарлар, давлатлар ва халқлар ҳақида кўп ҳикоялар эшитган. Қадимги юнон афсоналари таълимоти таъсирида тарбияланган Ктесий Шарқ достонлари ва тарихига ҳам жуда қизиққан. Шунинг учун ҳам у қадимги давлатлар ва шаҳарлар тўғрисида анча маълумотлар тўпланган.

Айниқса тарихшуносни Ҳиндистон ва Бактрия қизиқтирган. Унинг Ҳиндистонга бўлган катта эътиборини тушуниш мумкин, чунки қадимги юнонларнинг фикрига кўра, бу ўлка қуёш чиқишида биринчи ва дунёнинг шарқий чегараларида охириги давлат бўлиб ҳисобланган. Ҳиндистонга чегарадош юрт бўлган Бактриянинг олтини, қимматбаҳо ярқироқ тошлари, камон ва найзалар билан қуролланган чавандозлари Эронда машҳур эди. Шунинг учун ҳам Ктесий «Персика» асарининг катта бир қисмини бактрияликлар тарихига бағишлаган.

Эрондан юртига қайтганидан сўнг Ктесий қадимги форслар тарихини ёритишни режалаштирган. Аммо тўпланган маълумотлар айнан форслар тарихи мундарижасидан ташқари кенг тасаввурларга асос солган. «Персика» деб номланган асар милоддан аввалги 398 йилдан сўнг ёзилган.

Ктесий Оссурия подшоси Нин ва Бактрия подшоси Оксарт (бошқа манбаларда Зороастр, Зардушт) урушлари ҳақида ҳамда Кир II нинг бактрияликлар билан уруши тўғрисида ҳикоя қилади. Одатда бир гуруҳ олимлар Ктесийни Геродотга нисбатан ишончсизроқ муаллиф деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Оссурия подшолари ҳеч қачон Шарқнинг узоқ чегараларига юришлар қилмаганлар, бундан ташқари, Бактриянинг ҳарбий қисмлари унча қудратли бўлмаган ва Оссурияга қарши чиқолмаган деб фараз қилинади.

Ктесий Бақтриянинг кўп сонли истеҳкомлари ва шаҳарлари тўғрисида, унинг мустаҳкамланган пойтахти ҳақида, шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисида бундай ёзади: «...Нин бақтрияликларга қарши юришни бошлаган. У Бақтриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли қўшинларни йиғиб олган. Шу қўшинларга сардор бўлиб, Нин Бақтрия юртига бостириб кирган, аммо вилоятдаги хилма-хил тоғ даралари ва йўллар уни қўшинларни бир неча қисмларга бўлишга мажбур қилган.

Бақтриядаги кўпдан-кўп йирик шаҳарлар орасида бир машҳур Бақтра номли шаҳар бўлган. Бу шаҳар мамлакатнинг маркази бўлиб, кўп шаҳарлар ўртасида, баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшо қалъаси алоҳида жойлашган.

Геродот асарида келиб чиққан «Катта Хоразм» давлати масаласи, шунингдек Ктесийнинг Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари юртимизда илк бор давлатларнинг пайдо бўлиши илмий муаммосига асос бўлиб хизмат қилди.

Қадимги юнон тарихшуносларидан яна бошқа бири—Гекатей ҳақида қисқа бўлса ҳам айтиб ўтиш лозим. Гекатей Милет шаҳридан бўлиб (милоддан аввалги VI—V асрлар), олимлар фикрига кўра, биринчи бўлиб аҳамонийлар ўлкаларининг рўyxатини келтирган ва Қадимги Шарқ халқлари ҳақида хабар қилган (шу жумладан, юртимиз халқлари ҳақида ҳам). Унинг маълумотларидан Геродот ва Ктесийлар фойдаланганлар (Ктесий ўз асарида аҳамонийларнинг подшо саройи ҳужжатларидан фойдаланганлиги ҳақида эълон қилди). Аммо Геродотдан олдин Ҳиндистон ҳақида Скилак хабар қилган. У подшо Доро I нинг буйруғини бажариб, Ҳинд дарёси орқали кемаларда сузиб океанга чиққан ва Эрон қирғоқларига эсон-омон етиб борган.

Бошқа бир юнон муаллифи Ксенофонт «Киропедия» номли асарида, Ктесий хабарларига ўхшаш, Бақтра шаҳрининг оссурияликлар томонидан қамал қилиниши тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, Ксенофонт Кир II ва Бақтрия урушлари ҳақида ҳам ёзади.



## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ВИЛОЯТЛАР

### Бурғулик ва Чуст маданияти

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тупроғида Фарғона, Шош (Чоч), Сўғдиёна, Хоразм ва Бақтрия (шимолий бир қисми) каби тарихий вилоятлар бўлган. Шулар жумласидан Фарғона ва Шош аҳамонийлар ёзувларида ва дастлабки юнон тарихшуносларининг асарларида тилга олинмаган. Марказий Осиёдаги Аҳамонийлар давлатининг шарқий чегаралари ҳозирги Ўратепа шаҳри атрофида ўтган деб фараз қилинади. Македониялик Искандар даврида ҳам Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг аҳолиси мустақил қолган.

Олимлар фикрига кўра, Ўратепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепа шаҳар харобаси ўрнида милоддан аввалги VI—IV асрларда Курушката номли (юнонча Кирополис), яъни «Қир шаҳри» жойлашган. Бу шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган, аммо унинг уй-жойлари ертўлалардан иборатдир. Сўғд ҳунармандчилиги таъсири асосида Нуртепада кулолчилик чархида ясалган сопол идишлар ҳам тарқалган. Бу шаҳарга қадимги сўғдлар асос солган бўлишлари мумкин.

Тошкент вилоятида илк темир даврида Бурғулик маданияти ривожланган. Қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Мудофаа деворлари билан ўралган йирик шаҳарлар бўлмаган, турар жойлар ярим ертўлалардан иборатдир. Қадимги маконлардан қўлда ишланган сопол идишлар, бронза ўроқлар, ўқ учлари ва тош қуроқлар топилди. Тошкент вилояти аҳолисининг бир қисми аҳамонийлар ёзувларида тилга олинган «Сўғдиёна нариги ёғидаги саклар»дан иборат бўлган. Аммо бу саклар Қуйи Зарафшон, Қизилқум ва Жанубий Қозоғистон саклари ҳам бўлиши мумкин.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожланади. Бу маданиятни яратган деҳқонлар ертўла, пахса ёки хом

ғиштан қурилган уйларда яшаганлар. Баъзи қишлоқлар деворлар билан ўралган (Чуст, Далварзин). Далварзинда қазиб очилган деворнинг қалинлиги 4,6 м. келади. Наманган, Андижон ва Уш вилоятларида Чуст маданиятига тегишли 70 дан ортиқ қадимги маконлар топиб ўрганилган.

Чуст моддий маданияти юксак даражада ривожланган. Қадимги ёдгорликларда топилган тош ва жез ўроқлар, пичоқлар ҳамда арпа, буғдой, тарих донлари ва улар учун қовланган ўралар чустликларнинг асосан деҳқончилик билан машғул бўлганликларидан дарак беради (12-расм).

Қадимги аҳолининг турмушида темирчилик, қулолчилик ва тўқувчилик катта аҳамиятга эга бўлган. Чустликлар ясаган бронза ўроқ, камон ўқларининг пойконлари, тош ўроқ, пичоқ ва рангли сопол идишлар Марғиёна ва Бақтрия буюмларига анча ўхшайди. Далварзинда милoddan аввалги VIII—VII асрларга оид темир қуроллар ҳам топилган. Бу маълумотлар Фарғонада темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигидан далолат беради.

Археологик манбалар асосида Фарғонада милoddan аввалги VII—VI асрларда мулкӣ табақаланиш жараёни, ҳунармандчилик, айирбошлаш ва савдо алоқаларининг кенг тарқалиши натижасида уруғчилик жамоаси ўрнида дастлабки синфий жамият вужудга келганлиги ҳақида фараз қилиш мумкин.

Шу даврдаги Фарғона аҳолиси ҳаётида катта ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлган. Бироқ қадимги ёзма маълумотлар бўлмаганлиги туфайли ўлкада дастлабки давлатларга ўтиш жараёни бизга анча номаълум бўлиб қолмоқда.

### Қадимги Бақтрия

Турли қадимги тиллар ёзма манбаларидаги Бахди, Бақтриш, Бақтриёна, Бақтрия, Бахли, Бахлика (ҳинд манбаларида) йирик ўлка ва давлатнинг номидир. Олимларнинг фикрига кўра, Бақтрия — бу Бахди, Бақтра дарёси (ҳозирги Балхоб) номи билан боғлиқ бўлган тushунчадир. Рим тарихчиси Курций Руф бундай хабар қилади: «Бақтра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан».

Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг ҳудудга тарқалган Бақтрия тарихий-маданий вилояти, Бақтрия давлати (бир неча дарё воҳалари ва вилоятлари) маъноларида ишлатилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, халқ ва марказий шаҳарлар номлари асос солган. Марказий Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг вилоятлари, асосан, дарё ва шаҳарлар номлари билан белгиланган. Демак, Бақтра, Бақтрия сўзлари — бу географик тушунчалардир.

«Бақтрияликлар», «Бақтрия халқи» сўзлари жуда қадимги манбаларда тилга олиниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган тушунчани беради. Одатга кўра, бақтрияликлар ёзма манбаларда босқинчиларга (Оссурия подшоши Нин, Кир II, македониялик Искандар) қарши турган халқ бўлиб назарда тутилган.

Замонавий тарихий маълумотларга кўра, Бақтрия ерлари — бу Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон, Сурхондарё вилоятини ўз ичига олган.

Археологик маълумотларга кўра, Бақтрия ҳудудида ибтидий одамлар илк ва ўрта тош давридан бошлаб ёйилган. Ўзбекистонга қарашли Бақтрия қисмида — Тешиктош, Мачай ва Зараутсой тош асри ёдгорликлари узоқ ўтмиш ҳаёти ҳақида далолат беради.

Ўзбекистонда энг қадимги пахса ва хом ғиштдан қурилган (аҳоли ўтроқ деҳқончилик хўжалигига эга) қишлоқларнинг қолдиқлари Сурхондарё воҳасидан топиб текширилган. Улар милоддан аввалги 1700—1500 йилларга оиддир. Ушбу даврда юртимизда ибтидий тузумдан илк бор давлатларга ўтиш даври бўлган (турли хил мустақамланган қишлоқлар, суғорма деҳқончилик, ихтисослашган ҳунармандчилик ва бинокорлик, савдо-сотикнинг ривожланиши, юқори даражадаги моддий маданият).

Милоддан аввалги IX—VIII асрларга келиб, Бақтрия тупроғида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топган. Бу Марказий Осиё аҳолисининг

бир қисми кўчманчи чорвачиликка ўтган даврга тўғри келади. Сиёсий қарама-қаршилиқлар авж олиб турган бу жараёнларда қуrollланган отлиқларнинг ҳужумлари катта аҳамиятга эга бўлган. Бу босқичнинг тарихи ва ҳарбий йўлбошчиларнинг сиёсий курашлари «Авесто»да тасвирланган.

Милоддан аввалги 700—540 йиллар қадимги Бақтрия давлатининг (айнан Бақтрия, Марғиёна, ва Сўғдиёна) ривожланган даври бўлиб, бу йирик давлатнинг ҳудудий чегаралари: Мурғоб воҳаси, Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро воҳасига бориб тақалган бўлиши мумкин (дарё воҳалари — Мурғоб, Балхоб, Қундуз, Панж, Вахш, Кофирнихон, Сурхон, Қашқадарё ва Зарафшон). Бу илмий хулосани исботлаш учун махсус мақолалар чоп этилган.

Агар юқорида кўрсатилган ҳудудий чегараларни Бақтрия давлати ўз ичига олганлиги ҳақидаги илмий хулоса тўғри бўлса Марказий Осиёда ривожланган дастлабки давлатлардан қадимги Бақтрия энг йириги бўлган. Бу даврларда Бақтрия вилоятларига қадимги Хоразм давлати ва сак-массагетларнинг ҳарбий-сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош бўлган.

Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бақтрия давлатининг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли хил маълумотлар хабар қилади. Подшо Доро I нинг Марғиёнадаги кўзғолонни тор-мор қилиши ҳақида Беҳистун ёзувларидаги хулоса: «Мана нималарни мен Бақтрияда қилдим». Доро III даврида Бақтрия ва Сўғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс исмли сатрап ҳокимлик қилган вазияти ва Марғиёна, Бақтрия ҳамда Сўғдиёна аҳолисининг урф-одатлари ва маданияти бир-бирига анча ўхшашлиги ҳам шулар жумласидандир.

Видевдат китобида Бақтрия «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка» сифатида ёритилган. Сўнгги юнон манбаларида Бақтрия — «минг шаҳарлар давлати» деб аталган. Бу тарихий анъаналарга нималар асос солган? Аҳамонийлар давлатида Бақтрия энг қудратли ўлкалардан бири ҳисобланганлигимиз ёки унинг табиий бойлиқларими, жасур жанговар отлиқ ва пиёда кўшинлари, йирик шаҳарлари ва қадимги замонларга онд бўлган тарихи, халқи

ва давлатими? Балки шу сабабларнинг ҳаммаси бир-галикда ва шубҳасиз жуда қадимги замонларга оид Бақтрия халқининг тарихий анъаналаридир.

Геродотдан олдин «Бақтрия халқи» тушунчасини буюк Эҳсил «Форслар» деган фожиасида ишлаган (саҳнада милоддан аввалги 472 йилда ижро этилган). «Форслар»да ёш бақтриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангида ҳалок бўлиб (милоддан аввалги 480 йил) шу оролда дафн қилинган. «Бақтрия халқи ҳалок бўлди,»—деб Эҳсил ўз асарида хулоса қилган. Айнан қадимги Форс ёзувларида «Бақтрия» ва бақтрияликларнинг тилга олиниши милоддан аввалги 522 йилдан сўнгги даврларга оиддир. Бу расмий даражада, аммо олдинги замонларда ҳам Бақтрия ҳақида турли хабарлар Урта Шарқда маълум бўлиши лозим эди. Шунинг учун ҳам, Геродотнинг айтишича, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бақтрия Қир II нинг ҳарбий юришларига тўсиқ бўлиб турган.

Аҳамонийлар давлатида Бақтрия ўлкаси муҳим сийсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Тарихчи Е. А. Мончадская Геродот, Беҳистун ёзувлари ва Арриан манбаларига асосланиб, Бақтрия ҳокимларининг рўйхатини тузган. Милоддан аввалги 530—522 йилларда ўлка ҳокими Смердис—Бардия (Қир II нинг ўғли ва подшо Кумбизнинг акаси) бўлган, 522—486 йилларда—Дадаршиш (авлоди номаълум), 486—480 ва 480—465 йилларда подшо Доро I нинг ўғиллари Ариамен ва Масист (подшо Ксеркснинг ака-укалари), 465—423 йилларда—Артабон Гистасп (Виштасп), 335 йилгача маълумотлар йўқ, 335—329 йилларда—Бесс, охириги аҳамоний—Доро III подшолиги даврида. Кўрсатиб берилган тўрт вазиятда Бақтрия ҳокимлари вазифасини аҳамонийлар сулоласининг вакиллари бажарганлар.

Шубҳасиз, бу Бақтриянинг муҳим ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти ҳақида далолат беради (аҳоли, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий ашёларнинг бойлиги, муҳим марказий савдо йўлларининг чорраҳаси, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, пиёда ва отлик қўшинларнинг юрти ва бошқалар). Бундан ташқари, Бақтрия Аҳамонийлар давлатининг узоқ шарқий чегарала-

рида жойлашган бўлиб, подшо тахтини эгаллаш (улуғ подшони тахтдан ағдариш) мақсадини ўз олдида қўйган аҳамонийлар сулоласи вакиллари учун норасмий сургун жойи ҳам бўлиши мумкин эди (аҳамонийлар саройидан четлаштириш ва подшо тахтидан узоқлаштириш жараёнида). Маълумки, Смердис — Бардия подшо Кумбизнинг буйруғига биноан ўлдирилган, Масист ўз акаси подшо Ксеркс билан тахт учун курашиб ҳалок бўлган, Артабон подшо Артаксерксга қарши чиқиб, Бақтрия қудратига таянган, милоддан аввалги 330 йилда Бақтрия ҳокими Бесс Доро III ни ўлдириб, ўзини «Осиёнинг улуғ подшоси» Артаксеркс IV деб эълон қилган. Бу вазиятда ҳам тарих яна қайта такрорланган. Бесс македониялик Искандарга қарши курашни муваффақиятли давом эттириш учун Бақтрия ва Сўғдиёнанинг ҳарбий қудратига ишонган.

Олимлар фикрига кўра, қадимги Бақтриянинг бир қисми бўлган Афғонистоннинг шимоли-шарқида (Қундуз, Кўкча дарёларининг воҳалари) арийларнинг Арёнам Вайжо мамлакати жойлашиши мумкин эди. Арийларни бирлаштирган давлат Арёшайёна номи билан ҳам машҳурдир. И. М. Дьяконовнинг айтишича, Арёшайёна Кави Виштасп подшолиги бўлиб, Дрангиана, Саттагадия, Ария, Марғиёна ва Амударё ўрта оқимидаги вилоятларни бирлаштирган. В. Б. Хеннинг ва И. Гершевичлар Кави Виштасп подшолигини Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган «Катта Хоразм» деб ҳисоблаганлар. И. В. Пьянков Кави Виштасп давлатини Бақтрия ҳудудига жойлаштирган. Тарихий анъаналар Бақтрия тупроғида давлат пайдо бўлиши жараёни жуда қадимги даврларга оид бўлганлиги ҳақида далолат беради.

Археологик манбалар қадимги Бақтрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнини аниқлаш имконини беради. Бақтриянинг шаҳар марказлари (улар асосан айрим вилоятларда ҳарбий аҳамиятга, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ аҳамиятига эга бўлган) асрлар давомида харобаларга айланиб, ер остида қолиб кетган. Шундай марказлардан бўлган Боло Ҳисор, Олгиндилёр, Қизилтепа, Бойтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар ўтказилган.

Бу шаҳарлар кенг майдонларда жойлашиб, қалин ва

мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Ёдгорликларда хом ғишт ва паҳсадан қурилган уй-жойлар қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган. Шаҳарларнинг бир қисмида қалъа-қўрғонлар жойлашган.

Бақтрия айрим дарё воҳаларидаги бешта вилоятни бирлаштирган. Сурхон, Балхоб, Кофирнихон — Вахш, Панж, Кўкча — Қундуз воҳалари шулар жумласидандир. Сурхон вилоятининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистонда йирик шаҳарлар қолдиқлари— Боло Ҳисор ва Олтиндилёрлар топиб текширилган. Боло Ҳисор ўрнида қадимги Бақтра жойлашган. Бу шаҳар Геродот ва Ксетийларнинг таъкидлашича, Бақтриянинг маркази бўлган.

Ктесийнинг «Персика» асарида Бақтриянинг жуда кўп истеҳкомлари ва қалъалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда Бақтрия тупроғидан милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ уй-қўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар қолдиқлари топиб текширилган. Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Бешқўтон, Талашқон, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир ва Шўртепа ёдгорликларини айтиб ўтиш лозим. Улар деворлар ва ҳарбий минора — мудофаа буржлар билан мустаҳкамланган қалъалар ёки тўртбурчак шаклида қурилган уй-қўрғонлардир. Қадимги аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Ёдгорликларда сопол идишлар, бронзадан ва темирдан ясалган пичоқлар, ўроқлар, бронза идиш парчалари ҳамда ўқ учлари, жез игна ва бигизлар, сопол урчуқлар, тошдан ишланган қуроллар топилган.

Қурилиш, ҳунармандчилик — темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик, тиқувчилик, заргарлик, чармгарлик ва суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши Бақтрияда қадимий маданият юксак даражада бўлганлигини кўрсатади.

## Сўғдиёна

Турли манбалардаги Сўғда, Сўғуда, Сўғдиёна номларининг келиб чиқиши ва уларнинг маъноси ҳозирча номаълум. «Авесто»нинг Яшт китобида тилган олинган «Сўғд макони Гава»—Сўғдиёнанинг энг қадимги вилоя-

ти бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, Гава (Гау)—«буқа», «пода», Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз вилоятнинг жуда кўп географик номларида такрорланиб сақланган (Гаудара, Гаухона, Гаумурда, тоғлар Гау, чўққи Гау ва бошқалар).

Қашқадарёда энг қадимги аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланган маконлари, уй-қўрғонлари қолдиқлари милоддан аввалги IX—VIII асрлар билан саналади. Шулар жумласидан Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа ва Ерқўрғондир. Шу даврга оид Яшт маълумотлари Гава Сўғда ҳақида эълон қилади.

Қадимги юнон тарихшунослари Сўғдиёни Бақтрия ёки сак-массагетларга нисбатан камроқ тилга олганлар. Македониялик Искандар юришларидан сўнг Сўғдиёна ҳақида маълумотлар анча тўлиқроқ бўлиб, кенгайиб боради.

Сўғдиёна — бу Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида жойлашиб, жануби-шарқда Бақтрия ва шимоли-ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Қадимги замонларда Сўғдиёна муҳим савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Сўғдиёна ҳақида «Авесто», Геродот ва аҳамонийлар даври ёзувлари хабар қилади.

Сўғдиёнанинг маркази Мароқанда шаҳри бўлган (сўғд тилида — Смароканда, олимлар фикрига кўра, «учрашув, анжуманлар жойи» деб таржима қилинади). Мароқанданинг қолдиқлари — бу ҳозирги Афросиёб шаҳар харобаларидир. Аҳамонийлар даврида бу шаҳарнинг майдони 219 гектардан иборат бўлиб, у мудофаа деворлари билан ўралган эди. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Мароқанданинг узунлиги 11 кмга яқин бўлган ташқи девори ва қўрғони бўлган.

Сўғдиёнанинг бошқа шаҳар марказлари — Қарши атрофидаги Ерқўрғон (майдони 34 га), Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги Узунқир (майдони—68 га) ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда ўтказилган археологик тадқиқотлар қадимги Сўғдиёна аҳолисининг ҳўжалиги ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш имконини берди.

Топилган археологик манбалар Сўғдиёна ва Бақтриянинг бинокорлиги, моддий маданиятининг бир-бирига анча яқин бўлганлигидан далолат беради. Бу ўхшашликлар кенг маданий муносабатлар тараққий этиши асосида



пайдо бўлган. Бундан ташқари, Сўғдиёна қадимги Бақтрия давлатининг бир ҳудудий қисми бўлиб ҳисобланади. Сўнгги аҳамонийлар даврида уларни бир ўлка—сатраплик бирлаштирган. Аҳамонийлар ёзувлари Сўғдиёнадан Персеполи саройига ложувард олиб борилганлигидан хабар беради, ammo ложувард конлари фақат Бақтриянинг Бадахшон тоғларида борлиги маълум бўлган.

Сўғдиёна ҳудудига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, ўрта тош даври ва ундан кейинги даврларда тоғ, дарё воҳалари бўйлаб кенг тарқала бошлаганлар. Қулай табиий-географик шароитда ибтидоий хўжаликлар ва моддий маданият ривожланган. Шу даврларга оид манбалар Омонқўтон, Гурдара, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ ва Самарқанд маконларида топиб текширилган.

Милоддан аввалги IV—III минг йилликларга келиб Зарафшон қўйи оқимида Қалтаминор маданияти шаклидаги тош қуроллар, сопол идишлар ва уй-жойлар кенг тарқалади. Бронза даврида Қўйи Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган зах ерларда деҳқончилик ривожланган. Шу ўлканинг бронза даври ёдгорликлари Замонбобо маданияти номи билан аталган. Замонбобо маконида ярим ертўла чайла-уй қолдиқлари қазиб очилди. Замонбобо моддий топилмаларида дашт қабилалари маданиятига ва жанубий ўтроқ маданиятларга мансуб хусусиятлар сақланиб қолган.

Бронза даврида яшаш ҳудудлари тобора кенгайиб борганлиги, табиий бойликлар, янги конлар, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлганлиги ҳақида Саразм қишлоғи харобаси далолат беради. Бу ёдгорлик Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда топилган. Саразм қишлоғи харобаси 10 та тепаликдан иборат бўлиб, 90 гектар майдонда жойлашган. Саразм топилмалари — кўп хонали уйлар, сопол идишлар, қуроллар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар милоддан аввалги IV минг йилликнинг охири—III минг йилликка оиддир. Саразм моддий топилмаларида Жанубий Афғонистон, Эрон ва Қалтаминор маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Худди шу даврда (милоддан аввалги IV—III минг йилларда) қадимги Бақтрия тупроғидаги Афғонистоннинг шимоли-шарқида Ҳинд — Покистоннинг машҳур Хараппа маданиятига оид вакиллар-

нинг маконлари пайдо бўлади. Бу йўналишда Хараппа маданияти вакиллари баланд Ҳиндиқуш тоғ йўлларидан ошиб ўтганлар. Қадимги қабилаларнинг машғулоти янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, қазилма бойликлар, мис, қалай ва қўрғошин конларини қидириш билан ҳам боғлиқ бўлган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида уй чорвачилиги ўрнига яйловларда боқиладиган чорвачилик келиб чиққан. Марказий Осиё дарёлари бўйлаб бронза даври маданий-иқтисодий алоқалари ва янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлади. Бу йўллар ёқасидан қадимги маконлар, мазор-қўрғонлар ва қабрлар топилди.

Чорвадор қабилаларга мансуб Самарқанд яқинидаги Мўминобод, Зарафшон тоғлари ёнбағридаги Сазағон, Қуйи Қашқадарёдаги Гужайли ёдгорликлари топиб текширилди. Бақтрия ҳудудида ҳам шу даврга оид дашт қабилаларининг маконлари ва қадимги қабристонлари Жанубий Тожикистондаги Тулҳор, Вахш, Ойкўл ёдгорликларида топилди.

Археологик маълумотларга кўра, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ ва Помир тоғлари ёнбағирларидаги кенг яйловларда қабилалар асосан майда чорва боққанлар. Балки шу даврнинг тарихий жараёнлари, чорвачилик хўжалигининг муҳим аҳамиятга эга бўлиши ва янги асосда ривожланиши тарихий анъана сифатида авлодлар тасавурида сақланиб, кейин «Авесто» бобларида тилга олингандир («ҳаёт манбаи—чорва», «чорвани тинч ўтлов ва емиш билан таъминлаган кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғлари», «ҳамма нарсанинг ичида биринчи ўринда чорва туради» ва ҳоказо).

Видевдат китобида Гава Сўғда «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган» иккинчи юрт сифатида кўрсатилган. Яшт рўйхатида Бақтрия тилга олинмаган, аммо Сўғд Хоразмдан олдин ва Марғиёнадан кейин айтиб ўтилган.

### Қадимги Хоразм

Хваризам («Авесто» тилида), Хваразмиш (қадимги форс тилида), Хорасмия (қадимги юнон тилида) тушун-

чалари Ўзбекистоннинг маълум бир вилоятининг номида сақланган.

Қадимги Хоразм тарихи ва ёдгорликлари С. П. Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедициянинг тадқиқотлари натижасида кенг ёритилган. Хоразмнинг суғориш иншоотлари ва суғорилиши тарихини ўрганишда археолог Я. Ғ. Ғуломов катта ҳисса қўшган. Хоразм тупроғида турли хил қишлоқ ва шаҳар харобалари қазиб очилган. Ҳозир ҳам Хоразм тарихини ўрганиш ва унинг археологик ёдгорликларини қидириб топиш, қазиб очиш, тадқиқ қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

«Авесто»нинг дастлабки маълумотларига (Яшт мадҳиялари) замондош Хоразм ёдгорликлари милоддан аввали IX—VIII асрларга оид Амиробод маданияти номи билан аталган. Бу давр ёдгорликлари маҳаллий бронза даври маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла, турар жой, суғориш—каналлар излари ва қўлда ясалган идишлар билан машҳур бўлган. Бронза буюмларидан ўроқлар, жез игналар ҳамда ўқ учлари қўйилган тош қолиплар топилди.

Хоразмдаги шу давр аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Табиий шароит канал ва ариқ қазиб, сув чиқаришга имкон берган ноҳияларда суғорма деҳқончилик турли шаклларда ривожланган. Ўлканинг йирик суғориш иншоотлари милоддан аввалги VI—V асрларга оиддир. Тадқиқотчилар бу иншоотлар аҳамонийлардан ҳам олдинги даврларда катта бир давлат ҳудудида қурилган бўлиши мумкин ва бу давлатга Хоразм, Сўғдиёна, Парфия ерлари кирган, деб фараз қиладилар (асосий фикр: давлат ташкилоти бўлмаса, бундай катта ва узун каналларни қазиб ва сақлаб бўлмасди).

Гекатей ва Геродотларнинг Акес дарёси сувлари билан фойдаланувчи ерлар ҳақидаги хабарларига кўра, «Катта Хоразм» давлати тўғрисидаги илмий назария пайдо бўлган. Бу давлатга Геродот санаб ўтган халқлар — гирканлар, парфияликлар, саранглар ва таманейлар ерлари ҳам кирган. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича (В. Тарн, Ф. Альтхайм), аҳамонийлар давридан олдин хоразмликлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Копетдоғ ёнбағирларида жойлаш-

ганлар. Хоразм давлатининг маркази Марв ва Ҳирот атрофида бўлиб, бу давлатни Кир II бўйсундиргандан сўнг хоразмликлар Қуйи Амударё — ҳозирги Хоразм вилоятига кўчиб борганлар деб фараз қилинади (В. Б. Хеннинг, И. Гершевич). Демак, бу назарияга кўра, хоразмликларни Қуйи Амударё ерларига қадимги форслар сиқиб чиқарганлар.

С. П. Толстов, М. Г. Воробьёвалар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Марказий Осиё жанубидан кўчиб келмаганлар. Хоразм давлати Қуйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган деб хулоса қилганлар. Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудидан анча кенг бўлиб, Ўрта Амударёдаги Қўшқалбадан бошлаб Орол денгизигача бўлган турли вилоятларни ўз ичига олган.

Бу ҳудудда милоддан аввалги VI—V асрларга оид 310 та уй-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари маълумдир. Шулар жумласидан энг йириги Қўзалиқир шаҳридир, у мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Қўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бақтриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча ўхшашликлар топилди. Бақтрия, Хоразм шаҳар марказлари мудофаа деворларининг ўртасида жангчилар юриши учун махсус йўлак бўлган. Шаҳар деворлари устига ўқ отиш учун ҳарбий минора — мудофаа буржи қурилган. Деворларда ҳар 2 метрда шинаклар қолдирилган.

Археологик манбаларга кўра, Хоразм тупроғида милоддан аввалги VIII—VII асрларга оид пахса ёки хом гиштдан қурилган уй-жойлар, мудофаа деворлари ва турли иншоотлар топилмаган. Турар жойлар ярим ертўлалардан иборат бўлган. Сопол идишлар қўлда ясалган ва кулолчилик чархи бу давр маҳаллий ҳунармандчилигида номаълум бўлган.

Хоразм моддий маданияти ҳамда бинокорлигидаги янги ўзгаришлар ва бу вилоятда олдинги даврларда номаълум бўлган маданий анъаналар милоддан аввалги VI—V асрлар билан саналади. Шу даврга оид Хоразмда гишт ва пахсадан қурилган уй-жойлар қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган. Дингалжа уй-қўрғони пахса деворлар билан ўралган бўлиб,

уй-жой, хўжалик хоналари ва ошхоналардан ҳамда ички ҳовлидан иборатдир. Бу ерда бронза ва темирдан ясалган меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар, сопол урчуқлар, жез игна, бигизлар, тош қурооллар, сопол идишлар топилган.

Хоразм сопол идишлари Марғиёна, Бақтрия ва Сўғдиёна кулолчилик буюмларига ўхшаб, улардан унча фарқ қилмайди. Сопол идишлар ва бошқа моддий манбаларнинг ҳаммаси битта асосий хусусияти билан умумий маданиятга мансубдир. Бу ҳақда қурилиш, уй-жойларнинг тузилиши ва мудофаа бинокорлиги ҳам далолат беради. Бу даврда Хоразм тупроғида Марказий Осиё жанубий вилоятларида жуда қадимги замонлардаёқ ривожланиб маълум бўлган маданий хусусиятлар ва анъаналарнинг кенг тарқалиши, маҳаллий аҳолининг моддий маданиятига жорий қилиниши қизиқарли илмий муаммодир. Шу муаммони ўрганиш ва аниқлаш жараёнида тадқиқотчилар турли хил хулоса-фикрларга келдилар.

Марказий Осиё вилоятларининг маданий ўхшашликларига сабаб халқларнинг қўшни-қариндошлиги, умумий урф-одатлари, тили, савдо-сотик, маданий алоқалари, жанубда юқори даражада ривожланган маданиятнинг таъсири, жанубий аҳоли бир қисмининг Хоразм чегаралари ёнида ва айнан вилоят ҳудудига тарқалиши деб фараз қилинади. Агар кўрсатиб ўтилган фикрлар, жумладан охиригиси тўғри бўлса, қабилаларнинг кўчиш жараёни Кир II нинг юришларидан анча олдинги даврларда бошланган. Жанубий вилоятларнинг вакиллари ва маҳаллий аҳолиси қўшилиши натижасида янги маданий ва этник жараёнлар вужудга келиши мумкин эди. Бу вазият, археологик ва антропологик маълумотларга кўра, Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида ва милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида анча тараққий топган.

Мисол учун милоддан аввалги IX—VIII асрларда Жанубий Сўғдиёнада (Қашқадарё воҳаси) чархда ишланган идишларнинг пайдо бўлиши, қурилишда ғишт билан пахсанинг ишлатилиши, уй-қўрғонлар ва айрим қалъаларнинг бино қилиниши Бақтриянинг Сўғдиёнага маданий таъсирини ва бақтрияликлар томонидан баъзи ноҳияларнинг ўзлаштирилишини тасдиқлайди.

Қадимги Хоразм давлати милоддан аввалги VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган ерларда вужудга келган, деган хулосанинг тўғрилиги тасдиқланди. Бу давлат Марғиёнадаги Марв атрофида ривожланмаган, чунки ёзма манбаларга кўра, Марғиёна қадимги Бақтрия давлатининг йирик вилояти бўлган. Бақтрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Урта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Шу ерларда бир-бирига рўпара ҳолатда иккита қадимги истеҳком — Одойтепа ва Қушқала қурилган. Хоразмликлар эгаллик қилган ерлар Сўғдиёна, Марғиёна ва Бақтрияга тегишли ўлкаларга бориб тақалган. Балки шунинг учун ҳам Гекатей хоразмликлар вилоятини парфияликлардан шарқий томонда жойлаштирган. Геродот эса парфияликлар ва хоразмликларнинг ерлари чегарадош бўлган деб кўрсатган.

Қир II Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларини истило қилиб, шу ернинг бир қисм аҳолисини юртимизнинг шимолий вилоятларига сиқиб чиқариш мумкин эди, ammo қадимги Хоразм давлатининг вужудга келиши турли мураккаб маданий, этник ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, аҳамонийлар давридан олдинги замонларда бошланган.

### **Сак-массагетлар юрти**

Саклар Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари, даштлари ва чўлларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилалардир. Милоддан аввалги VII—VI асрларда уларга қариндош бўлган қабилалар Қора денгизнинг шимолий соҳилларидан то Хитой чегараларигача бўлган кенг ҳудудда жойлашган.

Қадимги форс ёзувлари кўчманчиларни «сака», «шақ» деб ёритади, юнон тарихшунослари эса «скифлар», «сарматлар», «саклар», «массагетлар», сўнгги даврларда «дахлар», «олонлар» деб атаганлар. Уларнинг номлари Эрондаги Сакастон, Сеистон вилояти тушунчасида сақланган.

Аҳамонийлар ёзувларида саклар қўйидаги гуруҳларга бўлинганлар: сака тиграхауда (И. М. Оранский фикрича «тигра» — бу «ўткир», «хауда» — «бош кийим»), сака хаумаварка — «хаомани улуғлаган саклар», хаома —

«муқаддас ичимлик», «сўғдларнинг нариги ёғидаги саклар», сака тийай пара сўғдам, сака тийай дарайё — «дарё, денгиз нариги ёғидаги саклар». Суза шаҳрида топилган Доро I нинг ҳайкалидаги ёзувларда «балчиқ ва тупроқ ўлкаси саклари» тилга олинган. Геродот «амиргий» саклар ҳақида хабар беради.

Олимлар фикрига кўра, «сак» сўзи — бу «қудратли, идрокли, эпчил бўлиш», ёки «кучли, азамат, мард» деб таржима қилинади. Беҳистун ёзувларида кўчманчиларнинг юрти умумий ягона бир сўз билан «Сака» деб кўрсатилган.

Сакларнинг яшаган ҳудудлари ва жойлашув чегаралари ҳақида жуда кўп илмий адабиётлар мавжуд (В. В. Струве, С. П. Толстов, А. Н. Бернштам, Б. А. Литвинский ва бошқалар). Сакларнинг ёдгорликлари— қадимги қабристонлар ва мозор-қўрғонлар жуда кенг ҳудудда топиб текширилган (Каспий, Орол денгизи атрофидан Балхаш кўлигача, Помир ва Тангритоғ ўлкаларида, Қуйи Зарафшон, Амударё, Сирдарё ерларида). Саклар хўжалигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Бу қабилалар қорамол, майда чорва ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Сакларнинг ёдгорликларида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар, зебзийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Геродот сакларнинг яроғ-аслаҳа ва от-анжомлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирган. Кўчманчиларнинг мозор-қўрғонларида шу қуроллар жумласидан ҳарбий болталар, ханжарлар ва бронза ўқлари жуда кўп учрайди. Сакларнинг ўқлари баргсимон, икки ёки уч қиррали бўлган, ханжар ва қилич дастасининг боши ёйсимон қайириб қўйилган.

Сак-массагетларни, Геродотнинг айтишича, «баъзилар скиф қабиласи деб ҳисоблайдилар». Сакларнинг от-анжомлари, ўқлари ва ханжарлари скиф яроғ-аслаҳаларига ўхшайди. Бронзадан ишланган санъат буюмларида ҳам яқин хусусиятлар ва катта ўхшашликлар бор. Кўчманчиларни мустаҳкам маданий алоқалар бир-бирлари билан боғлаб турган.

Геродотнинг фикрига кўра, массагет ва скифларнинг турмуш тарзи ҳам бир-бирига ўхшайди ёки «улар отлиқ

ва пиёда жанг қиладилар». Кўчманчиларнинг маданий анъаналари ва урф-одатлари уларнинг хўжалиги ва яшаш шароитидан келиб чиқиб, бир-биридан унча фарқ қилмаган.

Фақат бир жойда «тарихнинг отаси» Геродот хатога йўл қўйган. Бу унинг «Темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металл массагетларнинг ерларида умуман учрамайди...» — деган сўзларидир. Кўчманчиларнинг мозор-қўрғонларида (Помир, Қуйи Сирдарё, Зарафшон) темирдан ишланган қиличлар ва ўқлар топилган.

Массагетлар, тадқиқотчилар фикрича, бу айнан сак қабилаларининг йирик ҳарбий-сиёсий уюшмасидир. Массагет сўзини икки хил — «улуғ гетлар» ёки «йирик сак ўрдаси» деб таржима қилиш мумкин. Охириги тушунча «массагет» сўзи маъносига кўпроқ тўғри келади.

Маълумки, «Авесто»да Марказий Осиёнинг энг қадимги чорвадор ва кўчманчи қабилалари «тура», «дану», «хьяона» номлари билан машҳурдир. Улар кўчманчилар орасида ҳарбий-сиёсий қабила уюшмалари вужудга келган даврларда яшаганлар. Дастлабки кўчманчиларнинг тарихини ўрганишда Қуйи Сирдарёдаги милоддан аввалги IX—VII асрларга оид Тагискен мақбараларига эътибор бериш лозим. Улар хом ғиштдан бино қилинган, тўртбурчак, ҳалқасимон мақбаралардир. Тагискен қабрларида кўчманчиларнинг сардорлари ва жамоа оқсоқоллари дафн этилган. Айрим мақбараларда жуда кўп буюмлар бўлган.

Шу давр «Авесто»да тилга олинган баҳодирлар ва подшоларнинг иш-ҳаракатлари, ҳарбий юришлари даврига тўғри келади (Кави Хисров ва Франграсён — Афросиёб ўртасидаги Чайчаст жўли ёнида жанг, Кави Виш-таспнинг ғолибона жангида «хьяона ёвузи, сержаҳл» Аштарвант «сохта» Аржатасп, «девларни қадрлаган» Даршин устидан ғолиб чиқиши, баҳодирлар Вистураш, Кэрсасп ва бошқаларнинг ўз душманларига қарши фаолиятлари).

Демак, бронза давридан бошлаб Евросиёнинг кенг ҳудудида чорвадор қабилалар тарқалади. Илк темир даврида улар Марказий Осиёнинг ўтроқ хўжаликларига эга вилоятлари (Фарғона, Сўғдиёна, Хоразм, Бақтрия,



Марғиёна ва Парфия) чегараларида ҳам жойлашадилар. Сақларнинг мазор-қўрғонлари Бақтрия ерларига яқин бўлган Помир тоғларида, Сўғдиёна чегараларида—Қуйи Зарафшонда, Хоразм атрофида—Қуйи Сирдарёда ва бошқа ноҳияларда топиб текширилган.

Кейинги даврларда сак-массагетларнинг ерларига бошқа кўчманчилар келиб ўрнашганлар. Бу жараён Марказий Осиёда сўнгги даврларда ҳам давом этган. Милоддан аввалги II минг йилликдан бошлаб то ўрта асрларгача чорвадор кўчманчи қабилалар деҳқончилик воқалари чегараларида ва қишлоқ-шаҳар атрофларида жойлашиб, янги этник, маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга асос солганлар. Чорвадор қабилаларнинг ва деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг тарихи узвий боғлиқ бўлиб, Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданияти янги асосда ривожланиб борган.

## МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАР ДАВРИ ТАРИХИ

### Арриан, Курций Руф ҳикоялари. Страбон «География»си

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандарнинг Бақтрия ва Сўғдиёна ерларига ҳарбий юришлари бошланган. Бу юришлар Марказий Осиё тарихида энг яхши ўрганилган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Искандарнинг қўшинида аскар-жангчилар билан бирга бўлажак тарихчилар Птолемей, Аристовул, Онесикрит, Қаллисфен ва Харесслар хизмат қилиб, турли хил киёсий ва маданий воқеаларни ёзиб борганлар. Уларнинг маълумотлари бизгача етиб келмаган, лекин дастлабки манбалардан сўнгги юнон тарихчилари ва географлари фойдаланганлар.

Жумладан, Диодор (милоддан аввалги 90—21 йиллар) «Тарихий кутубхона», Страбон (милоддан аввалги 64—милодий 24 йиллар) «География», Помпей Трог (милоддан аввалги I—милодий I аср) «Филипп тарихи» асарларини, Плутарх (милодий 46—127 йиллар), Клавдий Птолемейлар (II аср) ўз ҳикояларини, Плиний (I аср) «Табий тарих» номли китобини яратдилар. Аммо

Искандар юришлари ҳақида кенг ва тўлиқ маълумотлар римлик Квинт Курций Руф ва юнон Арриан асарларида сақланган.

Арриан (милодий 90/95—175 йиллар) «Искандар анабасиси» деган асарнинг муаллифидир. Анабасис — бу «давлат ичкарисига денгиздан узоқлашган ҳарбий юриш» ёки «Искандар юришлари» деб таржима қилинади.

Курций Руф (милоддан аввалги I асрнинг охири—милодий I асрнинг ўрталари) «Македониялик Искандар тарихи» номли китобни яратган. Аммо Аррианга нисбатан унинг ҳикояларида бадний тўқималар кўп учрайди.

Қуйида Арриан ва Курций Руф асарларидан олинган айрим қизиқарли маълумотларнинг таржимасини келтирамиз (улар рус тилига М. Е. Сергеев ва В. С. Соколовлар томонидан таржима қилинган):

**Арриан, III китоб, 27-боб, 9.** «Искандар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, Бесс Окс дарёсидан кечиб ўтади ва кемаларини ёндириб, Наутака — сўғдийлар ерига йўл олади». 10. «Спитамен ва Оксарт билан бирга сўғдийлар чавандозлари ҳамда Танаис дайлари унга эргашадилар. Бақтрия чавандозлари Бесснинг қочишидан хабар топиб, ҳар томонларга қараб ўз уйларига йўл олдидилар.

Искандар Драпсакга етиб келади, қўшинларига дам бериб, уларни Бақтриядаги энг йирик шаҳарлар — Аорн ва Бақтра томонга юргизади. Бу шаҳарларни ҳужум қилиб забт этади ва Аорн қалъасида Андроколнинг ўғли Архелай бошчилигидаги қўриқчи қўшин қолдиради. Ҳимоясиз таслим бўлган бошқа бақтрийларга ҳоким бўлиб форс Артабоз тайинланади».

2. «У ўзи Окс дарёсига қараб йўл олади. Окс Кавказ тоғларидан бошлаб оқади; ҳинд дарёларидан ташқари Искандар Осиёда кўрган дарёлар ичда бу энг йирик дарёдир: умуман энг йирик дарёлар Ҳиндистонда жойлашган. Окс Гирканиядаги катта бир денгизга қўшилади».

III, 30, 6. «Искандар чавандоз қўшинларини маҳаллий отлар билан таъминлаб Сўғдиёна пойтахти Мароқандага йўл олади». 7. «Шу жойдан Танаис дарёсига қараб юради. Танаис ҳам Кавказ тоғларидан бошлана-

ди, Аристовул сўзларига кўра, варварлар (маҳаллий аҳоли — А. С.) уни Орксант дарёси дейдилар; бу дарё ҳам Гиркан денгизига қўшилади».

10. «Шу ерда озиқ-овқатлар ғамлашга чиққан македонлар маҳаллий аҳоли томонидан қириб ташланади, кейин уларнинг ўзлари тик ва чиқиб бўлмайдиган қояга қочиб бекинадилар. Улар 30 мингга яқин бўлган».

11. Македонлар қояга чиқиш учун бир неча марта ҳаракат қиладилар; дастлаб улар варварлар ўқлари остида ортга чекинадилар; кўп аскарлар ярадор бўлади; Искандарнинг сонига ўқ тегиб, суягининг бир қисмини ушатиб қўяди. Шунга қарамасдан тоғ ҳужум билан олинади. Македонлар варварларнинг бир қисмини жойида қириб ташлайдилар, уларнинг кўплари ўзларини қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар, шунинг учун ҳам 30000 дан 8000 киши тирик қолади».

IV, 5, 2. «Спитаман ўз жангчилари билан Мароқанда қалъасини қўриқлаётган македонларга ҳужум қилади...»

3. «Искандар Мароқандага ёрдамчи қўшин юборганидан хабар олиб, Спитаман қалъа қамалини тўхтатиб, Сўғдиёнадаги базилейя — подшо шаҳрига отланади. Фарнух ва унинг лашкарбошлари Спитаманни давлатдан бутунлай чиқариб юборишга ҳаракат қиладилар ва Сўғдиёна чегараларига етиб келиб, кўчманчи скифларга ҳужум қиладилар». 4. «Спитаман яна 600 та скиф отлиқларини ўз қўшинига қўшиб олади ва скиф иттифоқдошлигидан кўнгли кўтарилиб, ҳужум қиლაётган македонларга қарши жанг қилишга қарор қилади. Скиф даштларининг текислигида туриб у душманнинг ҳужумини ҳам кутмади, душманга ҳужум ҳам қилмади; фақат унинг чавандозлари пиёда македонларнинг атрофида от қўйиб чопиб юрдилар ва уларга ўқ отдилар». 5. «Фарнухнинг аскарларидан улар осонлик билан қутулдилар, чунки уларнинг отлари чаққонроқ бўлиб, ўша пайтда ҳали чарчамаган эди, Андромах қўшинларидаги отлар эса олис йўлларда чарчаб, емиш камлигидан заифлашганди. Скифлар жанг майдонида турган ва чекинаётган македонларга ғайрат билан ҳужум қиладилар». 6. Кўпданкўп македонлар яраланади ва ҳалок бўлади; хуллас аскарлар тўртбурчак бир қатор сафланиб, Политимет дарёси томонга чекинадилар; бу ерда ўрмон бўлиб, ўр-

мондаги чангалзорлар варварларнинг ўқларига тўсиқ бўлади ва пиёда аскарларнинг ҳаракатларига кўпроқ фойда келтиради».

7. «Каран гиппарх (отлиқ қўшиннинг йўлбошчиси — А. С.) Андромахга хабар қилмасдан отлиқларни бекинтириш учун дарёдан кечиб ўта бошлайди; пиёда қўшин ҳам отлиқлар ортидан буйруқсиз йўл олади; умуман тартибсиз ва қўрқув ҳолатида бўлган аскарлар дарёга жарлик қирғоқларидан тушадилар». 8. «Македонларнинг хатоларини сезиб қолган отлиқ варварлар ҳар иккала қирғоқдан отлари билан дарёга ташланадилар... Уларнинг баъзилари дарёдан кечиб ўтганлар ва узоқлашганларнинг ортидан қувадилар, бошқа бирлари дарёни кечиб ўтаётганларга рўпара бўлиб, уларни ортга, сувга улоқтирадилар ёки ўқ отадилар ёки дарёга келаётганлар ортидан ҳужум қиладилар. Оғир аҳволга учраган македонлар дарё ўртасидаги кичик оролга ташланадилар. Спитаман аскарлари уларни ўраб олиб, ҳаммасини қириб ташлайдилар; бошқа бир кичик қисмини асирликка олиб, ҳаммасини ўлдирадилар».

IV. 6. 1. «Аристовулнинг айтишича, кўпдан-кўп аскарлар чангалзорда яшириниб турган скифларнинг пистирмасига қамалиб ҳалок бўлган, улар ўз панагоҳларидан жанг қизиган пайтида македонларга ҳужум қилганлар. Варварлар ҳовлиқиш ва тартибсизлик вазиятидан фойдаланиб, уларнинг ҳаммасини қириб ташлаганлар. 40 та отлиқ ва 300 та пиёдалардан ташқари ҳеч ким қутулиб қолмаган».

3. «Шу мағлубият ҳақида Искандарга хабар етиб келганда у аскарларнинг аччиқ тақдирларидан қайғуга тушади ва Спитаманга қарши шиддатли ҳужум қилишга қарор қилади. У ўзи чавандозлар қўшинининг ярмига, қалқончиларнинг ҳаммасига, ўқчиларга, агрианларга ва тез юрар пиёда аскарларга йўлбошчи бўлиб, Мароқандага йўл олади, унинг билишича, Спитаман шаҳарга қайтиб қалъани яна қамал қилган». 4. «Уч кун давомида Искандар 1500 стадий масофадан ўтиб, тўртинчи куннинг тонгида шаҳарга етиб келади. Спитаман Искандар шаҳарга яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, уни кутмасдан қочиб жетди. 5. Искандар унинг изидан қувади. Жанг майдонига етиб, у ҳалок бўлган аскарларни дафн қилади ва чекинганлар ортидан саҳрогача қувиб

боради. Шу ердан ортга қайтиш йўлида у давлатни хароб қилади ва унга хабар беришларича, македонларга хужум қилишда иштирок этиб, сўнг қалъаларига яширинган варварларни қириб ташлади. У Политимет дарёси сувларидан фойдаланувчи бутун мамлакат ерларидан ўтди».

IV. 7. 1. «Бу ердаги ишларни тугатиб, Искандар Зарнаспга етиб келади. Бу жойда у қишни ўтказишга қолади...»

15. 4. «Шу пайтда Искандарнинг олдига бир ярим минг чавандозларга йўлбошчи бўлиб хоразмликларнинг подшоси Фарасмон етиб келади. У колхлар ва амазонка қабилаларига қўшни бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, Искандарнинг амазонкалар, колхлар ва Эвиксин денгизидаги қабилаларни истило қилиш истаги бўлса, йўл кўрсатувчи бўлишга ва қўшинларининг юриши учун барча шарт-шароитлар яратиб беришга хайрихоҳ эканлигини билдиради».

15. 5. «Искандар Фарасмонга миннатдорлик билдиради ва дўстлик иттифоқчилиги ҳақида шартнома тузиб, Понт денгизи томонга юришга ҳозир вақт йўқ, деб жавоб беради. У Фарасмонни Бақтрия сатрапи форс Артабоз ҳузурига юбориб, ватанига жўнатади».

15. 7. «У ўзи Окс дарёсига йўл олади. Жуда кўп сўғдийлар истеҳкомларида тўпланишиб, уларга тайинланган ҳокимга қарши бўлиб чиқадилар, бундан хабардор бўлган Искандар Сўғдиёна томонга юришни мақсад қилади».

16. 1. Искандар аскарларининг маълум бир қисми билан Сўғдиёнага етиб келади, Полиперхонт, Аттал, Горгий ва Мелеагрлар Бақтрияда қолади, уларга шу давлатга назорат қилиш билан бирга варварларнинг ғалаёнлар кўтаришига йўл қўймаслик ва бошлаган қўзғолонларни бостириш ҳақида буйруқ берилади». 2. «Ўз қўшинларини у бешта айрим қисмга бўлиб олади. Биринчиси — Гефестион бошчилигида, иккинчиси — Птолемей Лаг бошчилигида, учинчиси — Пердикка бошчилигида, тўртинчиси — Кен ва Артабоз бошчилигида, бешинчи қисм билан у ўзи Мароқандага отланади».

4. «Искандар шу ишлар билан банд бўлган пайтда, Спитаман скиф-массагет ерларида 600 та отлиқ массагетларга йўлбошчи бўлиб, Бақтриядаги бир қалъага етиб

келади. Қалъа қўриқчиларининг бошлиғи Фрурах ва унинг аскарлари ҳам душман томонидан ҳужум хавфини кутмаганлар, аскарлар қирилади. Фрурах асирликка олинади. Шу қалъани қўлга киритишгандан кўнгиллари кўтарилиб, улар бир неча кундан сўнг Зариаспага етиб келадилар, аммо шаҳарга ҳужум қилмадилар ва катта ўлжани қўлга олиб ортга қайтишга қарор қилдилар».

6. «Зариаспа касал бўлиб қолган бир неча отлик — «дўстлар» скифларнинг ҳужуми ҳақида эшитиб, улар Зариаспани қўриқлаш учун ёлланган 80 та чавандозга ва баъзи бир «подшо йигитлари»га бошлиқ бўлиб массагетлар ортидан қувадилар. Ҳеч нарсани кутмаган скифларга ҳужум қилиб, биринчи жангда улардан ўлжасини тортиб олиб, жуда кўп қароқчиларни қириб ташлайдилар. Тартибсиз ҳолда ортга қайтган вақтда улар Спитаман ва скифларнинг қўлига тушиб, 7 та «дўстлар» ва 60 та ёлланган чавандозлардан ажралдилар».

17. 1. «Кратер бу ҳақда хабар олиб, массагетларга қарши шиддатли юриш бошлади. Улар бундан хабардор бўлиб, чўлга қочадилар. Кратер Спитаманнинг изидан қувиб, унга саҳро чегараларида етиб олади; унинг бошчилигида яна мингта отлик массагетлар бор эди. 2. Македонлар ва скифлар ўртасидаги кучли жангда македонлар ғалаба қозонадилар. Скифларнинг бир юз элликта чавандозлари ҳалок бўлади. Бошқалари осонлик билан чўлга бекинадилар; уларнинг кетидан қувиш македонлар учун оғир бўлади».

4. «Спитаман ва унинг тарафдорлари македонларнинг қўриқчилари ҳамма жойларни тўсиб олганликларини кўриб аниқ бир жойга қочишга йўл топмадилар, Кен қўшинларига ҳужум қилиш ва айнан шу жангда ғалаба қозонишга қарор қиладилар. Улар Габа номли сўғдийлар ва скиф-массагетлар чегараларидаги жойга етиб келадилар ва 3000 кўчманчи чавандозларни Сўғдиёна томонга юришга рози қиладилар». 5. Бу скифлар жуда ҳам қашшоқ аҳволда яшаганлар; уларнинг шаҳарлари ва ўтроқ маконлари йўқ эди; бойлик мулкларидан ажраб қолиш учун қўрқинч сезгилари ҳам йўқ эди ва шунга кўра уларни ҳар қандай урушларга рози қилиш ҳеч нарса эмасди. Кен Спитаман яқинлашиб келишини сезиб унга

қарши чиқади». 6. Шиддатли жанг бошланиб, у македонлар учун ғалабали яқунланади; бу жангда душманларнинг 800 та отличлари, Кен қўшнидан эса 25 та чавандоз ва 12 та пиёда аскар ҳалок бўлади. Кўпчилик бақтрияликлар Спитамандан қочиб, уни яққа қолдирадilar ва Кен олдиға етиб келиб, асирға тушадилар. 7. Мағлубиятға учраган скифлар ва массагетлар яқинда улар билан бирға жанг қилган бақтрийлар ва сўғдийларнинг от-араваларидаги юкларини талаб, Спитаман билан дашт ичига қочадилар. Искандар ўзи саҳроға ҳужум қилишға тайёргарлик кўраётганини эшитиб ва шу мақсадда уни қайтариб олиш учун улар Спитаманнинг бошини кесиб Искандарға юборадилар».

**Курций Руф, VII китоб, IV боб, 26:** «Бақтриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва ток новдаси ширин мева сероб ҳосил қилади; унумдор ерларни кўп саноқли булоқ-дарёлар суғорадилар; ҳосилдор тупроғида буғдой экилади; бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади». 27. «Давлатнинг катта бир қисмини ҳосилсиз даштлар эгаллайди; сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган вилоятларда на одамлар, на мевалар бор. Понтдан (денгиздан — А. С.) эсаётган шамоллар текисликларға қумларни суриб келтиради; олис масофадан қум уюмлари катта тепаликларға ўхшаб кетади; шу ерда бурунги йўлларнинг излари йўқолиб қолади». 28. «Шунинг учун ҳам бу текисликлардан ўтиб юрганлар, худди денгизчиларға ўхшаб, ўз йўллари тундаги юлдузлар орқали топадилар».

V. I. «Искандар бақтрийлар вилоятини Артабоз идорасиға топшириб, бу жойдаги қўриқчилар қўшини билан бирға от-арава юкларини қолдиради. Узи эса ҳаракатдаги қўшинларға йўлбошчи бўлиб, Сўғдиёна саҳросиға йўл олади...»

V. 13. «Хуллас, кечки пайт у Окс дарёсига етиб келади. Аммо унинг изидан келаётган кўпдан-кўп аскарлар унга етолмайдилар ва орқада қоладилар, шунинг учун ҳам у баланд тоғ устида ўт ёндиришға буйруқ беради, орқада қолганлар учун аланға нури лагерға яқинлаб қолганликларини билдиради».

V. 16, 17, 18. «Ушбу тунни Искандар катта руҳий ҳаяжон билан уйқусиз тугатди. Кейинги кун ҳам осон

бўлмади; кемалар йўқ эди ва дарёнинг очиқ қирғоқларида кўприк қуриш учун дарахтзорлар ҳам йўқ эди. Шу вазиятдан у ягона хулоса чиқаради. У аскарларга сомон билан тўлдирилган мешларни тарқатишга қарор қилади; улар мешлар устида дарёдан сузиб ўтишни бошлайдилар: дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтганлари кўриқчилар хизматини бажариб, бошқаларни кутиб оладилар. Шу тарзда қўшинлар олтинчи кунни дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олишга муваффақ бўладилар».

VII. 6. 17. «Искандар Мароқандага етиб келади. Унинг мудофаа деворларининг узунлиги 70 стадий; шаҳар қўрғони иккинчи девор билан ўралган». VII. I. 2. «Танаис ортидаги скиф давлатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида асос солинган шаҳарни қуллик бўйинтуруғи бўлишини сезиб, уни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғоғидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлиқ қўшин билан бирга ўз акаси Каратазис исмли йўлбошчини юборади. Танаис бақтрийларни европалик скифлардан ажратади». 4. «Улар Истр дарёсининг нариги ёғидаги бошқа бир вилоятни эгаллаб, Осиёнинг чегара ерларида жойлашган Бақтрияга ҳам қўшни бўладилар. Улар жойлашган шимол ерларидан нарироқда қалин ўрмонзорлар ва аҳоли йўқ жимжит сайхон ерлар бошланади; Танаис ва Бақтрия бўйлаб жойлашган ерлар умумий маданий изларга эга». 5. «Искандар тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жанг қилишга эришади, унинг кўз ўнгида душман чавандозлари отда чопадилар, у эса ярадорликдан бутунлай тузалмаган... Хуллас, у дўстларини маслаҳатга чақиради». 6. «У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан қўрққан эди. Бақтрийлар исён кўтарадилар, скифлар безовта қиладилар; унинг ўзи зўрға оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади...»

30. «Етиб келаётган хабарлар унинг тўхтовсиз ғалабалари шаънига мос келмас эди». 31. «Юқоридаги ҳикояга кўра, у бақтрийлар қўзғолонига айбдор Спитаманга қарши Менедемни юборади. У (Спитаман — А. С.) македонлар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб ва шаҳар атрофида қамалиб қолиш вазиятидан сақланиш учун панагоҳга бекинади, шу ердан ўтиши мумкин бўл-



ган душманга ҳужум қилишга қарор қилди». 32. «Йўл пистирма учун қулай жойни кесиб ўтади, шу ерда у даҳларни яшинтиради. Ҳар бир отларида иккита қуролланган чавандозлар бўлади, кутилмаганда улар навбат билан ерга тушиб отлиқлар жангидаги душманларга тўсқинлик қиладилар». 33. «Аскарларнинг эпчиллиги отларнинг чаққонлигига ўхшаб кетади. Спитаман чангалзорни ўраб олишга буйруқ бериб, душманларга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужум қилади». 34. «Менедем ҳамма томондан ўраб олинади, у нотаниш жойда пистирмага тушган ва бошқа ҳеч иложи йўқлигини кўриб, ўз аскарларига сон жиҳатдан устун бўлган душманларни қириб ташлашга ва мағрур ҳалок бўлишга чақиради».

35. «Унинг остида кучли от бўлган; кўп ҳолларда варварлар сафига ташланиб, уларга даҳшатли зарар келтиради. 36. «Душманлар унга кўпдан-кўп ўқ отадилар. Саноқсиз яралардан заифланиб... у жонидан жудо бўлди ва от устидан ерга тушиб қолади». 39. «Бу жангда 2000 та пиёда аскарлар ва 300 та чавандозлар ҳалок бўлади. Жанг майдонидан чиқиб келган аскарларни ўлим жазоси билан қўрқитиб, Искандар бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади».

IX. 20. «Кратер билан қўшинларнинг катта бир қисмига ортидан юришга буйруқ бериб, Искандар Мароқандага етиб келади, унинг келишидан Спитаман хабар топиб, бу ердан Бақтра томонга қочишга мажбур бўлади».

X. I. «Сўғдиёна — кенг ҳудудий масофадаги даштли давлатдан иборат, чўлларнинг кенглиги 80 стадийга яқинлашади. Тўғри йўналишда — бу йирик давлатдир, маҳаллий аҳоли томонидан Политимет деган дарё мамлакат бўйлаб шиддатли оқади. Қирғоқлар сув йўли ўзанини торайтиргандан сўнг дарё ғор ичига оқади ва ерга сингиб кетади». 4. «Сўғдийлар асирларидан подшога 30 та кучли эрларни олиб келадилар, улар подшо буйруғига биноан ўлим жазосига берилишларини эшитиб, мағрур ҳолатда ғоят хурсанд бўлиб куйлайдилар...» 4. Подшо уларнинг мардлигидан ажабланиб, ортга қайтаришга буйруқ беради ва ўлим олдидан уларнинг шодланиш сабабларини суриштиради. Улар айтадиларки, агар ўзларига бошқа биров ўлим жазосини берган-

да, қайғуланиб ўлардилар, аммо ўз аجدодларининг ёнига уларни ҳамма қабилалар устидан ғолиб чиққан улуг подшо юборганлигидан хурсанд бўлиб, ўз жонажон қўшиқларини айтдилар ва бутун жасурлар орзуси бўлган фахрли ўлимни байрам қилдилар».

VIII. 10. «... Подшо Базаира номли вилоятга йўл олади. 11. Бу вилоятнинг энг катта бойлиги — кенг дарахтзорларда ва қўриқхоналарда сақланиб яшаётган ҳамда махсус урчитилган турли ҳайвон зотлари бўлганлигидир. Бунга кўп булоқларга эга ўрмонзорлар атайлаб ажратилган; шу дарахтзорлар истеҳкомлар билан ўралган ва овчилар учун буржлар ва маконлар қурилган». 13. «Маълум бўлишича қўриқхоналаридан бирида тўрт авлодлар ҳаёти давомида ҳеч ким ов қилмаган. Искандар аскарлари билан қўриқхонанинг ичига кириб ҳайвонларни ов қилишга буюради».

14. «Камдан-кам учрайдиган катталиқдаги шер Искандарнинг рўпарасига югуриб чиқади, унинг ёнида тасодифан турган ва кейинчалик подшо бўладиган Лисимаҳ ҳайвонни шохдор таёқ билан кутиб олишга тайёр бўлди. Аммо подшо уни четлаштириб ва овга халақит бермасликка буюриб, ягона ўзим ҳам Лисимаҳга ўхшаб шерни ўлдиришим мумкин деб гапирди». 15. «Ахир бир пайтлар Сурияда ов қилиб Лисимаҳ ягона ўзи камёб катталигидаги ҳайвонни ўлдирган. Аммо ҳайвон Лисимаҳнинг чап елкасини суягига талаб уни ўлим ҳолатига келтирган. Шу ҳақида Лисимаҳга маломат билан эслатиб, подшо ўз жасоратини сўзларида эмас, амалда исботлади: у шерни яқинлаштириб бир зарба билан ўлдирди...»

19. «Шу жойдан у Мароқандага қайтади. У Артабозни фахрли ёшига кўра ҳокимлигидан озод қилиб, вилоятни Клит идорасига ўтказди. Худди шу Клит Граник дарёси ёнида Искандарни ўз қалқони билан бекитиб, подшо боши устида Резак томонидан кўтарилган қиличли қўлни кесиб ташлайди».

**Страбон, «География». XI китоб, XI боб, 3:**  
«Олдинги замонларда бақтрийлар, сўғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бақтрийларнинг анъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган; лекин улар ҳақидаги Онесикритнинг фикри мақтовга сазовор бўл-

майди. Унинг сўзларига кўра, қарилик ва касалликдан қаттиқ толиққан одамларни улар махсус боқилган ва ўзларининг маҳаллий тилларида «гўрковлар» деган итларга тирик ҳолда ташлаганлар. Бақтрийлар пойтахти деворларидан ташқари жойлар тоза бўлган, лекин давлат ичкарасидаги ҳудуднинг катта бир қисми одамлар суяклари билан тўлдирилган; Искандар бу урф-одатни йўқ қилди. Шунга ўхшаган ҳикояларни каспийлар ҳақида ҳам айтиб берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз оналарини қамаб қўядилар ва оч қолдирадилар».

XI, 4. «Айтишларича, Искандар Бақтрия ва Сўғдиёнада 8 та шаҳарга асос солган ва кўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бақтриядаги Карната (бу ерда Қаллисфен қўлга тушиб қамоққа олинган), Сўғдиёнадаги Мароқанда ва Қира — Яксарт дарёсидаги Қир томонидан қурилган охирги шаҳар; бу форс давлатининг чеккаси бўлган. Искандар Қирни ҳурмат-иззат қилган бўлса ҳам, бу шаҳар аҳолисининг кўпдан-кўп қўзғолонлари сабабларига кўра, уни вайрон қилишга буйруқ берган...»

XI, 5. «Сўғдиёна ичидан оқаётган дарёни, Аристовулнинг айтишича, македонлар Политимет деб аташган (ҳудди шундай улар бошқа кўп номларни алмаштирганлар ва қисман ўзгартирганлар). Арийлар еридан оқаётган Арий дарёсига ўхшаб бу дарё давлат ерларини суғориб дашт ва саҳро вилоятига интилади ва қумлар ичидан йўқолиб кетади».

### **Сиёсий воқеалар. Искандар ва Спитаман. Умумий вазият**

Милоддан аввалги 329 йилда Искандар 15 кун давомида муз-қорли Ҳиндикуш тоғидан ўтиб Бақтриянинг маркази Бақтра, Аорн ва Драпсак шаҳарларини жангсиз истило қилади. Бақтрия ва Сўғдиёнанинг ҳокими Бесс охирги аҳамоний Дорю III ни ўлдиришда қатнашиб, ўзини Артаксеркс номида «улуғ подшо» деб эълон қилади ва Сўғдиёнанинг Наутака вилоятига қочишга мажбур бўлади.

Бақтрадан Мароқанда шаҳригача етиб бориш вақти тўғри йўналишда 12 кунга тенг бўлган. Аҳамонийлар давридан бошлаб бир кунлик йўл ўлчови, Геродотнинг айтишича 50 стадий ёки 5 фарсах (28 км). Сўғдиёнага

юришлар Бақтра шахридан бошланган. Искандар озиқ-овқат маҳсулотларини етарли ғамлаб олиб, Окс — Амударёга йўл олади.

Рим тарихшуноси Курций Руфнинг фикрига кўра, Бақтрадан Окс дарёсигача бўлган масофа 400 стадий (75 км) бўлган. Бу масофани Искандар аскарлари икки ярим кун давомида босиб ўтиб, Амударёни Термиз ва Калиф шаҳри ўртасида кечиб ўтадилар. Олимлар фикрига кўра, Амударёдан кечиб ўтишнинг энг қадимги жойи Термиздан ғарбдаги Шўроб ва Чўчқа Гузар бўлган. Шўроб ўрнида милoddан аввалги VI—IV асрларга оид қишлоқ харобалари топилган.

Бу вақтда Бесс — Артаксеркс Сўғдиёна ичкарасига қараб кетади, аммо янги подшоҳи сўғдийлар Спитаман, Аримаз, Австан ва Датафернлар асирликка олиб, Искандарга топширишга тайёр бўладилар. Искандар бундан хабардор бўлиб, шошилинич равишда лашкарбоши Птолемей Лагни Наутакага юборади. Аррианнинг айтишича, Окodан Наутакагача ўн кунлик йўл бўлган, аммо бу масофани Птолемей қўшинлари тўрт кун ичида босиб ўтганлар. Соқчилар ўзлари қўриқлаб турган Бессни махсус жойда қолдириб, Спитаман тарафдорлари билан бирга македонияликлар учун номаълум бўлган томонга қараб кетадилар.

Йўлбошчилар ва жангчиларсиз қолдирилган Наутака ҳамда Мароқанда шаҳарларини Искандар осонлик билан қўлга киритади. Фақат Мароқанда атрофида жойлашган босқинчиларга қаршилик кўрсатган сўғдийлар уй-қўрғонлари подшо буйруғига биноан вайрон қилинади.

Искандар Мароқанда шахрида ўз ҳарбийларининг бир қисмини қолдириб, Сирдарё — Яксарт томонга йўл олади. Мароқанда ва ҳозирги Хўжанд ўртасидаги Уструшона тоғларида македониялик қўшинларга маҳаллий аҳоли — мамакенлар ҳужум қиладилар. Искандар яраланади. Кучли жанг Искандарнинг ғалабаси билан якунланиб, унда 22 минг уструшоналиклар ҳалок бўлади.

Сирдарё этагидан узоқ бўлмаган ноҳияда Кирополис шаҳри қамал қилинади. Шу даврда Яксартнинг шимолий қирғоғида саклар тўпланиб, македонларга ҳужум қилмоқчи бўладилар. Искандар ҳозирги Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтади ва қаттиқ жангдан сўнг саклар қочишга мажбур бўладилар. Ис-

кандар орта қайтиб, Яксарт бўйла Александрия Эсхата (узоқ, чеккадаги, четдаги, охирги Искандарил) шаҳрига асос солади. Шу даврда кутилмаганда Сўғдиёнадан хавотирли хабар келади — Спитаман бошчилигида македонияликларга қарши қўзғолон бошланади ва Мароқандадаги Искандарнинг ҳарбий қисмлари қамал қилинади.

Қўзғолончиларни тор-мор қилиш учун Искандар Фарнух ва Каран бошчилигидаги пиёда ҳамда отлиқ аскарларни Мароқандага шошилишч жўнатади. Политимет — Зарафшон бўйидаги жангда Спитаман юнонлар устидан ғалаба қозонади, икки мингдан ортиқ македонияликлар ҳалок бўладилар. Искандар учун бу жуда ҳам катта мағлубият бўлиб, Спитаманга қарши жиддий тайёргарлик кўришни талаб қилади.

Искандар асосий кучлари билан Мароқандага етиб келади, аммо Спитаман Қуйи Қашқадарё ва кейинчалик Бухоро томонга чекинади. Ғазабланган Искандар (у ҳали бирор марта енгилмаган эди) Мароқанда ва ҳозирги Бухоро шаҳарлари оралиғидаги 120 минг тинч аҳолини қириб ташлайди.

Милоддан аввалги 328 йилда Спитаман Бақтрияда ва Қуйи Зарафшонда македонияликларга қарши ҳужум уюштиради, аммо бу жанглар қўзғолончилар учун муваффақиятсиз якунланади ва Спитаман саклар билан чўлга қочишга мажбур бўлади. Саклар Искандарнинг уларнинг ерларига ҳужумга тайёргарлик кўраётганидан хабардор бўлиб, Спитаманни ўлдирадилар.

Сўғдиёна харобага айланиб қолади, жуда кўп сўғдийлар тоғларга қочиб яширинадилар. Милоддан аввалги 327 йилда Искандар Ҳисор тизмасида жойлашган ва Оксиарт эгаллаб турган «Сўғд қалъаси»ни қўлга киритиб, унинг гўзал қизи Рухшанакка (Роксана) уйланади.

Яна бир қудратли қалъа (Хориен ёки Сизимитр) Сўғдиёна ва Бақтрия чегараларидаги тоғларда жойлашган. Бу ерда Хориеннинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошлари, тарафдорлари ва хизматкорлари яширинган эди. Хориен ўз ихтиёри билан Искандарга бўйсунушга рози бўлган. Албатта, Оксиарт ва Хориенга ўхшаган шахслар ўз ҳаётини, тинчлигини ва мол-мулкларини ҳимоя қилганлар. Жасур Спитаман ҳам ўзини сақлаши

мумкин эди, аммо у чет эл босқинчиларига қарши ватанинг мустақиллиги учун курашди. Спитаман учун ватанпарварлик ва она ер мудофааси муқаддас бурч бўлган.

Рус олими В. В. Григорьев ватанпарвар сўғдийларга ва уларнинг бошлиғи Спитаманга ҳурмат-иззат билан жуда юксак баҳо берган: «Агар Доро Искандардан ўз подшолигини ҳимоя қилолмаган бўлса, Бесс разил номард чиққан бўлса ҳам, аммо бу ерда, Туронда, шундай юраклар топилдики, улар чет элликларга бўйсуниб сезгисига итоат этмадилар, шундай қўллар топилдики, улар чақирилмаган бегоналарга қарши халқ қасоси номён этдилар».

Искандар Бақтрия, Сўғдиёна ва Уструшонанинг бир қисмини истило қилиб, милоддан аввалги 327 йилда Ҳиндистонга ҳужум бошлайди. Марказий Осиёда Хоразм, Чоч, Фарғона ва саклар юрти мустақил бўлиб қолади. Сўғдиёна, Бақтрия, Марғиёна ва Парфия янги давлатга қўшилиб, кейинчалик уларнинг тупроғида айрим юнон-македон давлатлари вужудга келади.

Искандарнинг тарихи дунё адабиётларида жуда машҳурдир. Унинг фаолияти, юришлари ҳақида юнонлар, румийлар, форслар ва араблар қадимги замонларда кўп асарлар ёзганлар. Бу асарларнинг муаллифлари Искандарни тарихий шахс сифатида турлича баҳолаганлар (дунё халқларини ва давлатларни бирлаштирувчи подшо, адолатли дунё давлатига асос солишни мақсад қилган шахс ёки босқинчи, халқларни забт этувчи, ўлим, зулм келтирувчи подшо ҳамда бошқа фикр-хулосалар). Плутархнинг айтишича, Искандар Осиёга қароқчи бўлиб ўтмади, унинг орзуси кутилмаган омад берган ўлжа-бойликларни қўлга киритиш мақсадидан ташқари бу дунёда ҳаммани бир қонунга тобе қилиб ва бир давлатга тўплаб, инсонларни бир халққа бирлаштириш эди.

Шарқдаги ўрта асрларга оид адабиётларда македониялик Искандар жасур подшо, баҳодир жангчи сифатида ҳам ёритилиб, унинг босқинчилик урушлари, маҳаллий аҳолини қириб ташлаши, шаҳарларни вайрон қилишига эътибор берилмаган. Искандар Шарқ халқларини аҳамонийлар зулмидан озод қилиб, уларнинг устига юнон зулмини ўрнатди. Подшолар ва ҳокимлар алмашиб, сиёсат ўзгарди, аммо халқлар мустақил бўл-

мади. Бу зулмдан қутулиш учун Марказий Осиё халқларига кўп вақт керак бўлди.

Македониялик Искандар ўз даврининг фарзанди эди. Шу замоннинг сиёсий жараёнлари шундай подшо шахсни талаб этди ва сўнгги даврларда ҳам босқинчилик урушларининг ўчоқлари икки томонлама — Ғарбда ва Шарқда пайдо бўлиб, юзлаб мамлакатларга, шаҳарларга, халқларга азоб ва ўлим келтирди. Бу воқеаларга вақт ҳамда тарихнинг ўзи тўғри баҳо берган.

Искандарнинг ҳарбий юришлари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кенг савдо-сотиқ ҳамда маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Искандар ва унинг яқин лашкарбошилариининг ўлиmidан сўнг маҳаллий ҳамда юнон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу жараённинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчиликда, кулолчилик ва тасвирий санъатда, янги алифбо ва ёзувларнинг тарқалишида, тангашуносликда ҳамда диний эътиқодларда кўриш мумкин. Юнонлар Қадимги Шарқнинг жуда кўп маданий ютуқларини қабул қиладилар ва ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий аҳолининг маданиятига жорий этадилар.

Македониялик Искандарнинг юришлари ёзма манбаларда Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёдаги тарихий-географик маълумотларнинг кўпайишига асос солган. Ҳарбий юришлардан олдин Искандар Қадимги Шарқ аҳолисининг жойлашуви ва мамлакатларнинг ҳудудий чегаралари билан танишиб олишда Скилак, Гекатей, Геродот ва Ктесийларнинг хабарларига асосланиши мумкин эди. Марказий Осиё ва Ҳиндистонга етиб келгандан сўнг юнон-македонларнинг тарихий-географик маълумотлари анча кенгайди. Даставвал, дунё чегаралари («ойкумена») Яксарт ва Ҳинд дарёсидан ўтмаганлиги маълум бўлади. Яксартнинг нариги ёғидаги бепоён чўллар, Ҳинд дарёсининг нариги ёғида яна бир серсув дарё Ганг, даҳшатли ўрмонзорлар ва баланд чўққили тоғлар Искандарни ажаблантириб, дунё чегараларининг бу ерда бошланмаганлиги подшони аччиқ афсуслантиради. Бутун дунё халқларини бўйсундириш ва бир умумий давлатда уларни бирлаштириш, Искандар учун ҳеч қачон ечилмайдиган муаммо бўлиб қолади.

Искандар Ҳиндистонда бўлган пайтда Сўғдиёна, Эронда, Олд Осиёдан то Афина шаҳригача бўлган ҳудудларда унинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги қайғули хабар тарқалади. Кўпчилик учун, айниқса давлат тахтини қўлга олиб подшо бўлиш мақсадини қўйган шуҳратпараст ҳокимлар учун бу хушxabар эди. Улар Искандарга бўлган қўрқувни йўқотиб жуда хурсанд бўладилар, бошқалар эса қайғуланадилар. Афина шаҳрида мотамга тайёргарлик бошланганда бир сўзловчи пайдо бўлиб, бундай дейди: «Афиналиклар, Искандар ҳалок бўлмади, бўлмаса унинг жасад ҳидини бутун дунё бирданига ҳис қилар эди». Искандарнинг улуғворлиги ва шон-шарафлиги эътироф қилинди.

Шу даврда узоқ Ҳиндистонда юнон-македониялик аскарлар ҳарбий юришларни давом эттиришга рози бўлмайдилар. Тўхтовсиз жанглар ва шаҳарларни қамал қилиш, нотаниш хавfli юртлар, янги ва янги тоғлар билан бепоён чўллар, кенг чуқур дарёлар уларнинг жонига тегиб, энди бошқа қизиқтирмасди. Бегона ўлкаларнинг йўлларида македонияликларни ҳар бир қадамда ўлим ёки ярадорлик кутиб оларди. Найза ва ханжарларни занг босиб, уларни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Босқинчиларнинг чидамлигида ҳам аниқ бир чегара бор. Юнон-македонлар Шарқдаги урушлардан ва қон тўкилишидан чарчаган эдилар.

Ҳиндистонда Искандар мақсадига эришмайди, ўз орзулари билан якка бўлиб қолади. Узоқ дарё чегараларида Искандар ҳарбийларига улуг подшо, ватан сезгиси ва урушлар худоси бўлган бўлса ҳам, унинг жанговар аскарлари олдинга бир қадам ҳам босишни хоҳламайдилар. Улар ортга қайтишни илтимос қиладилар. Агар подшо рози бўлмаса, у содда жангчиларни қириб ташлаб, Ганг дарёсига янги отаси — худо Амон билан биргаликда юриши мумкин, деб ўйлайдилар ҳарбий македонлар.

Искандар шарқий юришлар тўхтатилишини эълон қилиб, яна бир юксак ғалабани қўлга киритади — аскарлар беҳад хурсандчиликка сазовор бўладилар. Милоддан аввалги 325 йилда македонлар кемалардан фойдаланиб, Ҳинд дарёси орқали океанга етиб борадилар. Шундан сўнг Неарх бошчилигида ҳарбийларнинг бир қисми кемаларда Форс қўлтиғига қараб сузадилар. Искандар ва



македонларнинг бошқа бир қисми Гедросиё саҳролар ичкарасига кириб, Эронга йўл оладилар. Милоддан аввалги 324 йилда уларнинг ҳаммаси денгиз ва саҳро йўлларида жуда қаттиқ азоб тортиб, Эрондаги Суза шаҳрида учршадилар (13-расм).

Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган сайхон ерларда йирик давлатга асос солинади. Бу давлатнинг пойтахти қилиб Искандар Бобил шаҳрини эълон қилади. Аммо унинг асосчиси вафотидан сўнг (милоддан аввалги 323 йил) бу давлат айрим қисмларга бўлиниб, парчаланди. Дунё тарихида янги жараёнлар бошланади.

## ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯ

### Тарихий ва этнографик маълумотлар

Сўнгги юнон муаллифлари асарларида биз кўриб чиқаётган ўлка тўғрисидаги тарихий ва этнографик маълумотлар Геродот ёки Ктесийларнинг маълумотларига нисбатан анча тўлароқ ва кенгроқдир. Бу манбалар Ўзбекистоннинг тарихий географияси долзарб муаммоларини ҳал қилишда асос бўлади. Манбалар шу нуқтаи назардан ҳозирги тарихий адабиётда керакли даражада ёритилган.

Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда халқларнинг ҳудудий жойлашув чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёлардан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўлларни, вилоятларни ва тарихий районларни топиш мумкин. Бу муаммо жуда ҳам қизиқарлидир.

Юнон-рим тарихий ва географик адабиётларида Марказий Осиё халқларининг ҳудудий жойлашуви ва вилоятларнинг чегаралари аниқ кўрсатилмаган. Искандар даврида Яксарт — Сирдарё бу Танаис — Дон дарёсининг бошланиши деб фараз қилинган, худди шундай Нил — бу Ҳинд дарёсининг қуйи оқими деб хулоса чиқарилган.

Ёзма манбаларда Бақтриянинг жанубий чегаралари Парнас, Паропамис — Ҳиндиқуш тоғлари билан боғланган. Қадимги дунё муаллифлари бақтрийлар жойлашган ҳудудни жуда тор қилиб кўрсатганлар. Баъзиларининг айтишича, Ҳинд дарёси бошланган Паропамис тоғларига Бақтрия рўпара бўлиб турган (Плиний). Страбон ҳам

Эратосфеннинг маълумотларига асосланиб, «бақтрийларнинг асосий қисми Паропамис ёнбағрида жойлашиб, унинг бир кичик ери Ҳиндистонга рўпара бўлган»,— деган.

И. В. Пьянковнинг фикрига кўра, Страбон ва Плинийлар Бақтриянинг жанубий қисми ҳақида ёзганлар ва Ҳиндиқуш тизмасини улар жанубий чегара сифатида тўғри кўрсатиб берганлар. Аракс, Окс — Амударё Страбоннинг хабарига кўра, «бақтрийлар ерини Сўғдиёнадан ажратади». Бошқа ёзма манбаларда ҳам Наутака ва Мароқандага юриш қилаётган Искандарнинг қўшинлари йўлида Окс дарёси Бақтрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган.

Страбон Аракс ҳақида бундай хабар қилади: «Уматийлар вилоятдан бошланади ва қирқ дарёга бўлиниб, скифлар билан бақтрияликларни ажратади» (Страбон, XI, 14, 13). Тадқиқотчилар фикрига кўра, Страбон бунга тарихчи Каллисфен маълумотларига асосланиб айтган. Аракс — Амударё Бақтрия ерларини Помир тоғларида ёки дарёнинг ўрта оқими атрофида яшовчи саклардан ажратиш олиши мумкин эди. Ҳарбий юришларда қатнашган Каллисфен бу вазиятни аниқ кузатган.

Қадимги тарихчилар халқларнинг жойлашув чегараларини дарёлар бўйича ажратганлар. Бундай анъана Марказий Осиё халқларининг тарқалиш ерлари, чегаралари тўғрисида аниқ ва тўла тасаввурга эга бўлмаган муаллифларнинг маълумотларидан келиб чиққан (уларнинг тасаввурлари бирмунча умумий бўлган).

Римлик тарихчи Квинт Курций Руфнинг битта гапи бунга мисол бўлади: «Танаис бақтрияликларни скифлардан ажратиш туради... Унинг оқими Осиё ва Европа ўртасидаги чегара бўлган» (Курций, 7. 2). Бу тарихий анъана Танаис (Дон) ва Яксарт (Сирдарё) бир умумий дарё бўлганлиги фикри билан узвий боғланади.

Скифлардан (саклардан) ажратувчи чегара — бу Искандар Сирдарёдан ўтиб олган жой бўлгандир, чунки македонияликлар Сирдарёни бошқа ноҳияларда кўрмаганлар. Аммо шу жойда Уструшона ёки ҳеч бўлмаса Сўғднинг шимолий чегаралари бўлиб ўтгандир. Сўнгги аҳамонийлар даврида Бақтрия ўлкаси (сатраплиги) Сўғ-

диёнани ўз ичига олган. Шу вазиятга кўра, Сирдарё ҳам Бақтрия чегараси сифатида кўрсатилган.

Страбон, Птолемей ва Аррианлар Амударёни Бақтрия ва Сўғд ўртасидаги чегара сифатида кўрсатадилар. Баъзи бир хабарларда айнан Сўғдиёна фақат Политимет — Зарафшон воҳаси ерлари билан боғланади. Каллисфен ва Клитархларнинг таъкидлашича, Сўғдиёна «тўғри йўналишда — бу Политимет узунлиги, унинг эни 80 стадий» (15 км.) И. В. Пьянков фикрига кўра, 15 км. — бу Политимет ўзани — воҳанинг энидир. Каллисфен шу дарё воҳасидаги сўғдларга жазо бериш юришларида қатнашиб, Политимет водийси — бу Сўғдиёнанинг асосий ҳудуди деб фараз қилган.

Қадимги муаллифларнинг ҳикоялари асосан юришлар, жанглар ҳақида бўлиб, шаҳарлар ва қалъалар қамал қилинган жойлар билан боғланади. Шу жумладан тоғлар — Парнас, Паропамис, «номсиз тоғ ўлкаси», дарёлар — Аракс, Окс, Политимет, Танаис — Яксарт; шаҳарлар — Бақтра, Аорн, Дралсак, Мароқанда, Кирополис, Бранхийлар шаҳарчаси, Басилейа — «подшо шаҳри», вилоятлар — Наутака, Мамакена, Ксениппа, Габаза (Газаба), Паритака, Бубакена; қалъалар — Баги, «Сўғд қалъаси», Хориен — Сизимитр қалъаси; ўлкалар — Бақтрия, Сўғдиёна, Скифия (сак-массагетлар юрти), Хоразм.

Тврихшунос Арриан ва Курций Руфларнинг айтишича, милоддан аввалги 329 йилда Искандарнинг Сўғдиёнага томон юриши қуйидаги йўналишда бўлган: Бақтра — Окс — Бранхийлар шаҳарчаси — Наутака — Мароқанда — Кирополис — Яксарт.

### **Бранхийлар шаҳарчаси**

Кичик Осидедаги Милет шаҳри атрофида худо Аполлонга бағишланган машҳур бир ибодатхона бўлган. Бу ибодатхонани Бранх авлодидан келиб чиққан қоҳинлар бино қилганлар. Милоддан аввалги 480 йилда қадимги форс подшоси Ксеркс Аполлон ибодатхонасини вайрон қилган. Бранхийлар қаршилик кўрсата олмаганлар ва ибодатхонани ҳимоя қилмаганлар. Бундан ташқари, қоҳинлар Аполлон ибодатхонасининг муқаддас хазинасини ҳам подшо Ксеркс қўлига топширганлар.

Юнон халқи ғазабн ва қасосидан кўрқиб, бранхийлар форслар билан Эронга қочишга мажбур бўладилар. Қадимги юнон географн Страбоннинг айтишича, уларни Қсеркс шарқий бир вилоятга кўчириб юборган. Бу узоқ ўлкага, бранхийлар фикрича, юнонлар ҳеч қачон етиб боролмасди. Курций Руфнинг маълумотларига кўра, бранхийлар Амударёнинг нариги ёғидаги ерларда кичик шаҳарчага асос солганлар (14-расм).

Орадан 150 йил вақт ўтди, бранхийларнинг авлодлари маҳаллий-маданий анъаналарни қабул қилиб, ўз урф-одатларини ҳам эсларидан чиқармадилар.

Искандар Оксдан кечиб ўтиб, кичик бир шаҳарга етиб боради. Курций Руфнинг айтишича, бранхийлар узоқ юртдошларини хурсандчилик билан кутиб оладилар. Аммо Искандар уларни қириб ташлаб, шаҳарни вайрон қилади. Страбоннинг гапига кўра, Искандар уларнинг ҳаммасини сотқинлик учун ўлдирган, чунки подшо сотқинлардан нафратланган. Курций Руф бу воқеани қайғули хулосалайди: «Ўзлари Милет шаҳрини ҳеч қачон кўрмаган авлодлар ўз ота-боболари гуноҳини шундай қилиб ювдилар».

Олимлар орасида Бранхийлар шаҳарчаси ҳақида турли хил фикрлар бор. Охирги йилларда бу мавзу билан археолог Э. В. Ртвеладзе чуқур шуғулланиб, Бранхийлар шаҳарчаси Шеробод воҳасидаги Талашконтена ўрнида жойлашган деган фикрни илгари сурди.

Милоддан аввалги V—IV асрларга оид Талашконтена Амударёдан 20 км. шимолда жойлашган бўлиб, қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган (деворларнинг эни 5 м.). Бу қудратли қалъа Бақтра шаҳридан Наутака ва Мароқанда томонга қараб давом этган қадимги карвон йўлида бино қилинган. Энг қизиғи шундан иборатки, Талашконтенага рўпара бўлиб (20 км масофада) Амударёдан кечиб ўтиш жойида яна бир қадимги макон — Шуробқўрғон жойлашган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Термиз атрофидаги Амударёдан кечиб ўтиш жойининг номи Пардағви бўлган. Эронлик муаллиф Ҳофизи Абруъ (XV аср) «География» номли асарида бундай хабар қилади: «Баъзи бирларнинг айтишича, Пардағви Термиздан анча олдинги даврларда бино қилинган; бошқалар — унга Искандар асос солган дейдилар. Искандар даврида бу жой

юнонча Пардагви деб номланган, унинг маъноси — меҳмонхонадир. Қадимда Пардагвида Жайхундан кечиб ўтиш билан шуғулланган кемачилар яшаганлар, бу ер шу дарёдан султонлар кечиб ўтиши жойи бўлган...»

«Талашкон» тушунчаси таламоқ, талон-торож қилинган ёки босқинчилик қилинган маъноларини бериши мумкин. Бу фикр тўғри бўлса, Талашконтёпа ўз номида «таланган жой», «босқинчиликни кўрган макон» сифатида узоқ фожиали воқеалар таъсирини сақлаган. Милоддан аввалги IV асрдан сўнг тепа ўрнида ҳаёт бошқа ривожланмаган ва ҳеч ким бу ерда уй-жойларга асос солмаган. Балки бу ерларга нафрат ёғдирилган, балки Искандар ва Юнон-Бақтрия давлати даврида вайрон қилинган шаҳарни қайта қуриш ва бу ерда яшаш маҳаллий аҳоли учун ман қилинган ёки Искандар лаънат ўқиган фалокат жойда одамларда янги ҳаёт қуриш учун хоҳиш бўлмаган.

Курций Руф ўз ҳикоясини якунлаб, фожиали хулоса чиқаради: «Ниҳоят, шаҳардан ҳеч қандай излар қолмаслиги учун деворларининг пойдеворларигача бутунлай вайрон қилинади. Бу жойни кенг саҳрога ва унумсиз ерларга айлантириш мақсадида муқаддас чангалзорлар ва ўрмонлар кесиб ташланиб, илдизи билан ковлаб олинади».

1972 йилда археологлар Талашконтёпани қўриқ Шеробод чўлидан топиб текширган пайтда бу ердаги манзаралар ҳаммани ҳайрон қилиб қўйди. Атрофидаги кўпданкўп масофада бирорта дарахт ҳам кўринмасди, худди Искандарнинг лаънати ва қасос ҳаракатлари шу ерларда 2300 йил давомида ўз таъсирини кўрсатиб, унутилмади. Ўтмишнинг ушбу фожиали воқеалари ҳақида 1983 йил «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Олтин олов ўлкасида» деган китобда кенг ёритилди.

XVIII—XIX асрларда Бранхийлар шаҳарчаси атрофида жуда катта қишлоққа асос солинди, аммо XX асрнинг биринчи чорагида бу қишлоқнинг аҳолиси бошқа жойга кўчишга мажбур бўлди. Бу ерда тадқиқотлар ўтказган археологларга ташлаб қолдирилган уй-жойлар ва қабристонга ўхшаган макон харобалари яна бир фожиани тасвирлаб қайғули таассурот қолдирди. Талон-торож ва фалокат жараёни бу ерларда икки марта такрорланди.

## Наутака (Навтака)

Сўғдиёна вилоятларидан бири бўлиб, бу сўз «янги қурилиш, янги жой» деб таржима қилинади. Арриан аса-рида Наутака — «сўғдийлар ери» маъносида ёритилган (Арриан III, 29, 7, III, 30, 6). Милоддан аввалги 329 йил-да Окс дарёсидан Наутака томонга қараб Бесс қочишга мажбур бўлган, икки йилдан сўнг қаттиқ совуқ қиш пайтида Наутака атрофида македонлар дам олиб янги жангларга тайёргарлик кўрганлар. Наутакадан Искан-дар Ҳиндистонга юришларини бошлаган,

Наутаканинг жойлашуви ҳақида илмий адабиётлар-да турли фикрлар бор. Жумладан, Наутака — бу Шаҳ-рисабз шаҳридан Амударёгача чўзилган кенг вилоятнинг номи (В. В. Григорьев), Шаҳрисабз атрофи ерлари (В. Томашек, Ф. Шварц), Қашқадарё воҳаси (К. В. Тре-вер), Қарши ёки Шаҳрисабз (И. Г. Дройзен), Қашқа-дарёнинг шарқий қисми (С. К. Кабанов), Қарши воҳа-си (М. Е. Массон, Р. Х. Сулаймонов), Чимқўрғон — Як-кабоғ тумани ва Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий ён-бағри (Э. В. Ртвеладзе). Бу мавзу билан тарихчилар XIX асрдан бошлаб шуғулланганлар, аммо фақат охи-ри йилларда Қашқадарё воҳасида аҳамонийлар ва Ис-кандар даврига оид жуда кўп археологик ёдгорликлар топиб текширилгандан сўнг бу муаммога аниқлик кири-тилди.

Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмида бу даврга оид 20 тадан ортиқ қалъалар, уй-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари топилди. Яккабоғ тоғлари ёнбағ-рида жойлашган Даратепада милоддан аввалги VII—IV асрларга оид гишт ва пахсадан қурилган уй-жойлар қазиб очилди. Турар жойга оид хоналарда девор ичига ўрнатилган ва хоналарнинг марказий қисмида сандал шаклдаги ўчоқлар бор. Даратепа атрофида ҳозирги кун-гача сақланиб қолган суғориш канали ва ариқнинг қу-руқ ўзанлари, археологик қазишмаларда топилган кўп-дан-кўп хумсимон идишлар, жез, тош қурооллар ва бош-қалар қадимги аҳолининг ҳўжалиги ҳамда маданиятини ўрганиш имконини берди.

Зарафшон тизмаси олдидаги Шуробсой бўйида Сан-гиртепа ва Узунқир ёдгорликлари топилган (Китоб ту-мани). Сангиртепа ўрнида сарой шаклида қурилган кат-

та бир иншоотнинг қолдиқлари ўрганилган. Кенг майдонни эгаллаган Узунқир (68 га) воҳанинг ҳарбий ва маъмурий маркази бўлган. Узунқирдан Самарқанд — Мароқандагача бўлган масофа 70 км. Узунқир ва Сангиртепа, Даратеп ва Бешқўтон, Қўрғонча ва бошқа Жанубий Сўғд истеҳкомлари Мароқанда-Бақтра карвон йўли бўйида жойлашган. Улар вилоятнинг ҳарбий, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ аҳамиятига эга бўлган.

Искандар Наутакадан Бақтра томонга юришида тоғ йўлларида фойдаланган (ҳозирги Ғузор, Деҳқонобод, Дарбанд, Шеробод, Шуробқўрғон — Пардагви йўналишида). Ёзма манбалар ва археологик маълумотларга кўра Наутака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Урадаре воҳаси ерларини ўз ичига олган.

Вилоят маркази Узунқир қалъаси бўлган, Сангиртепа ўрнида Наутака ҳокимининг саройи жойлашган, у алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган. Наутака вилоятининг ҳокими Оксиарт бўлиши мумкин эди (ёзма манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумотлар йўқ). Македонлар забт этган «Сўғд қалъаси»га Оксиарт эгалик қилган. Бу қалъа Узунқир ва Сангиртепа яқин бўлган Ҳисор тоғларида жойлашган.

### Ксениппа

Бу Наутака ерларига кўшни яна бир Сўғд вилоятининг номидир. Тадқиқотчилар ёзма манбаларга асосланиб, Ксениппа ерларини Қашқадарё воҳасида жойлаштириб, турли хил хулосалар чиқарганлар: Шаҳрисабз ноҳияси ёки Бойсун воҳаси (В. В. Григорьев); Қуйи Қашқадарё (В. Томашек, Э. В. Ртвеладзе); Шаҳрисабзнинг шимоли-шарқий томонидаги тоғлар (И. Г. Дройзен); Китоб (М. Е. Массон, Н. И. Крашенинникова).

Ксениппа — алоҳида бир шаҳар бўлмаган. Курций Руф уни «жой», «ер» сифатида кўрсатиб, кўчманчилар яшаган даштларга яқин бир ўлка билан боғлаган. Қуйи Қашқадарёнинг кўриқ чўлларида қадимги замонлардан бошлаб кўчманчи чорвадорлар яшаганлар.

Ҳозирги Қарши ва Косон шаҳарлари ўртасида археологлар Ерқўрғон шаҳар харобасини топиб текширганлар (унинг майдони 34 га). Мудофаа деворлари билан ўралган ва алоҳида ҳоким қўрғонига эга бўлган Ерқўр-

ғон Ксениппа вилоятининг маркази бўлган бўлиши ҳам мумкин. Косон шаҳри номи ҳам Ксениппа, Ксанап, Нахшап сўзларидан келиб чиққан бўлиши эҳтимоли бор.

Искандарнинг Сўғдиёнага юришларининг биринчи босқичида Ксениппа мустақил бўлиб қолган, чунки македонияликларнинг юришлари бир томонлама йўлланган (Окс — Наутака — Мароқанда — Яксарт).

### **Басилейа — «подшо шаҳри»**

Аррианнинг айтишича, Каран ва Фарнух бошчилигидаги ёрдамчи қўшинлар Мароқандага етиб келиши билан Спитаман шаҳардаги македонларга қамал — ҳужумни тўхтатиб, Сўғдиёна пойтахтига чекинишга мажбур бўлади. Бу хабарлардан шу нарса маълум бўладики, Сўғдиёнада пойтахт — марказ вазифасини (Мароқандадан ташқари) яна бир шаҳар бажарган (демак, Сўғдиёнанинг алоҳида иккита пойтахти бўлган) ёки Арриан жиддий хатога йўл қўйган.


Сўғдиёнанинг «иккинчи пойтахти» — Басилейа («подшо шаҳри») ҳақида илмий назария XIX аср адабиётларида пайдо бўлган. В. В. Григорьев, И. Г. Дройзен ва В. В. Бартольдлар ўрта асрларнинг тарихий вазиятини назарларида тутиб, «иккинчи пойтахтни» Бухоро ўрнида жойлаштирганлар. Е. А. Мончадская фикрига кўра, Аррианнинг асарида «басилейа» ўрнига «басиста» сўзини ўқиш лозим, чунки бу сўзларнинг бошланғич тўртта ва охириги ҳарфлари бир-биридан фарқ қилмайди.

### **Басиста**

Бу Мароқанда атрофидаги Искандар ов қилган қўриқхонанинг номидир. Басиста ҳақида тарихчи Диодор эълон қилган ва бу жойни В. Томашек Панжикент ёки Ургут туманлари билан боғлаган. Е. А. Мончадскаянинг таъкидлашича, шу қўриқхонада Спитаман Фарнух ва Каран қўшинларини мағлубиятга учратган.

Ҳайвонларни сақлаш, урчитиш ва уларни ов қилиш учун давлат томонидан махсус ажратилган ҳамда қўриқланадиган жойлар аҳамонийлар даврида «парадиз» деб аталган. Шундай қўриқхоналар Сўғдиёнада ҳам бўлган, аммо биз ўйлаймизки, Спитаман шу ов-қўриқхонага чекинмаган.







1. Қадимги тош даври қуроллари.




2. Жанубий Туркманистон. Мис-тош даври сопол идишлари.



3. Сурхондарё. Бронза даври буюмлари.




4. Чўл маданиятига хос идишларнинг парчалари (бронза даври).



5. «Авесто»нинг саҳифаси.



6. Айритом ёдгорлигидаги тошга ўйиб ишланган бактрия ёзуви.



7. Муғ тоғидан топилган сўғд хужжати.




8. Амударё хазинаси. Жанг тасвири.






9. Амударё хазинаси.





10. Бронзадан ишланган ўқ учлари.






13. Юнон-Бақтрия д

VII—IV асрга оид қалъадан



14. Амударё бўйида жойлашган қалъа — Кампиртепанинг кўриниши (план).





16. Сўғдиёна. Суюкда чўзилган ов тасвири (мил. авв. II—I асрлар).

Биринчидан, Спитаман қисмлари асосан отлиқ ҳарбийлардан иборат бўлиб, тоғли ёки чангалзор ерларда уларнинг ҳаракат кучлари анча заифланарди. Иккинчидан, Спитаман бошчилигидаги қўзғолончилар билан македонлар ўртасидаги жанглар асосан чўл ва даштларга яқин ерларда бўлган. Арриан Спитаман ва Фарнух билан Каран ўртасидаги жанг жойини чўлга яқин бўлган деб ёритади. Тарихчининг айтишича, бу жангдан сўнг Искандар қўзғолончиларни саҳрогача қувиб, Политимет дарёси ҳосил қилган «бутун давлат ерларидан ўтган» (Арриан, IV, 6,5).

Басилейа ҳақидаги асосий манбалар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тааллуқли. Шу даврда Сўғдиёнанинг энг қадимги шаҳарлари Самарқанд билан Бухоро ҳисобланган. Ўрта асрларда улар турли сиёсий-ижтимоий жараёнлар билан боғланиб, айрим давлатларнинг марказлари бўлган (сомонийлар давридаги Бухоро, қорахонийлар ва темурийлар давридаги Самарқанд ёки сўнгги ўрта асрлардаги Бухоро). Шунинг учун Бухоро қадим замонларда ҳам Сўғд пойтахти бўлган деб фараз қилинган. Бухоро ўрнида милоддан аввалги V—IV асрларда йирик шаҳар ривожлангани ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Археологик тадқиқотлар натижасида Бухоро воҳасида милоддан аввалги VI—IV асрларга оид бир неча кичик қишлоқ харобалари топилган.

Искандар даврида Бухоро ўрнида Сўғд қалъаси Баги жойлашган бўлиши мумкин. Баги, Аррианнинг таъкидлашича, «Сўғд ерлари ва скифлар, массагетлар юрти чегараларида жойлашган» (Арриан, IV, 17, 4). Бу фикр Қуйи Зарафшон атрофидаги кўчманчилар жойлашган даштлар ва саҳро бошланишини тасдиқлайди. Милоддан аввалги 328 йилда Спитаман сак-массагетлар билан шу юртга қочишга мажбур бўлган.

Юнон-македонлар Ҳиндиқушдан Сирдарёгача юрганларида йўлларида йирик шаҳарлар кам учраган. Бундай шаҳарлар Бухора воҳасида, Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги ерларда, Калиф — Керки ва Қарши масофасидаги туманларда археологлар томонидан топилмаган.

Аммо Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудида македониялик-

лар жуда ҳам кўп кичик қишлоқлар, алоҳида жойлашган уй-қўрғонлар ва қалъаларни учратганлар. Улар орасида Бақтра, Мароқанда ва бошқа шаҳарлар меъморчилигида ва қурилиш тузилишида анча фарқ қилган. Археологик маълумотларга кўра, Шимолий Афғонистон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасида топилган ёдгорликлардан олтитасининг майдони 20 гектардан ортиқ бўлган, тўрттасининг майдони — 10—14 га, иккитасиники — 5 га, ёдгорликларнинг бошқа кўпчилиги эса жуда кичикдир. Шунинг учун ҳам йирик шаҳарларни македонлар «подшо шаҳарлари» деб номлаган. Бу шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралган ва уларда вилоятлар ҳокимларининг саройлари бўлган.

Басилейа — «подшо шаҳри» мавзусини янги археологик маълумотлар асосида аниқлаш лозим. Маълумки, Сўғдиёнада Мароқанда — Афросиёб шаҳар харобасидан ташқари яна икки йирик — Узунқир ва Ерқўрғон шаҳар марказлари ривожланган. Улар айрим Сўғд вилоятларининг (Наутақа ва Ксениппа) маъмурий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган.

Басилейа Наутақа ерларида жойлашмаган, чунки милоддан аввалги 329 йилда вилоят Искандарнинг қўли остига тушган. Македонларнинг ҳарбий юришлари тўғри йўналишда: Окс — Наутақа — Мароқанда — Яксарт орқали бўлиб ўтган. Бу юришларнинг биринчи босқичида Қуйи Қашқадарё — Ксениппа ерлари мустақил қолган.

Иккинчи босқичда Искандар Яксарт бўйидан Мароқандага етиб келиб, Ксениппага йўл олади. (Курций Руф, VIII, 2,14). Мустақил Ксениппа Спитаман бошчилигидаги қўзғолончиларнинг йирик маркази бўлиши мумкин эди, ammo ёзма манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Ксениппа маркази Ерқўрғонни Басилейа — «подшо шаҳри» билан солиштиришга жиддий асослар бор.

Даставвал Зарафшон воҳасида Сўғдиёнанинг «иккинчи пойтахти» вазифасини бажарувчи йирик шаҳарлар номаълум. Бухородаги «сўғд истеҳкоми» ёзма манбаларда махсус Баги деб номланган. Сўғдиёнанинг бошқа бир маркази — Узунқир Искандарнинг Бақтра шаҳридан Мароқандага юришлари йўлида жойлашиб, Спитаман қўзғолони бошлангунга қадар истило қилинган.

Фарнук ва Каран қўшинлари Мароқандагача етиб келиши билан Спитаман Панжикент ёки Ургут томони-га қочиб кетмаган, у Мароқандадан ғарб томонга, Зарафшон дарёсига қараб йўл олган. Спитаман македонияликларни мағлубиятга учратиб (уларнинг йирик қўшинидан фақат 300 га яқин тирик аскарлари қолган), Мароқандадаги юнон аскарларини яна қамал қилади. Аммо шаҳарга Искандарнинг ўзи асосий кучлари билан шошиб келишини эшитиб Спитаман Ксениппа (Қарши воҳаси) ва кейин Қуйи Зарафшон (Бухоро) даштларига йўл олган. Шунинг учун ҳам македониялик Искандар даштлар чегараларигача ўтиб, Политимет — Зарафшон воҳаси аҳолисига жазо берган. Македонларга хавфли бўлган Ксениппа вилоятини ҳам Искандар истило қилган.

Милоддан аввалги 328 йилнинг қишигача Спитаманнинг ҳарбий ҳаракатларини қуйидагича тасвирлаш мумкин: Мароқандани қамал қилиш — Зарафшон даштларига чекиниш — Фарнук ва Каран аскарларини мағлубиятга учратиш — Мароқандани яна қамалга олиш — Ксениппа ва Қуйи Зарафшонга чекиниш.

Тоғ ноҳияларида бекиниш Спитаман учун хавфли бўлган. Тор даралар йўлларида тўсиқлар қўйиб, македонлар уларни осонлик билан қамати мумкин эди. Тоғли жойларнинг аҳолиси кам бўлган, Спитаман қўшинларидаги саклар ўз дашт юртларига чекинишга доим ҳаракат қилганлар ва шу юртда Спитаман ҳалок бўлган.

Арриан хабар қилган Басилейа мавзусига жиддий асослар бор. Келтирилган маълумотлар Басилейа («подшо шаҳри»), Сўғдиёнанинг «иккинчи пойтахти» Ерқўрғон ўрнида жойлашганлигидан далолат беради. Сўғдиёна пойтахтлари муаммоси жуда ҳам қизиқарлидир. Илк ўрта асрларда Сўғд маркази ҳозирги Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри бўлади. Кейинги даврларда алмашиб, Самарқанд ва Бухорога кўчади. Пойтахтларнинг «кўчиб юриши» жараёни жуда қадимги замонларга оиддир. Икки шаҳар маркази Зарафшон воҳасида жойлашган, бошқа иккитаси — Қашқадарё вилоятида (Ерқўрғон, Узунқир, сўнгра Нахшап (Насаф) ва Кеш).

Наутака — Кеш вилоятининг яна бир номи, Хитой манбаларида «Сухе» ёки «Сусе» деб аталган. Олимлар

фикрига кўра, бу сўз «Суғуд» номидан келиб чиққан. Бу вазият «Авесто»да тилга олинган «Гава — Сўғд макони» ёки вилояти Қашқадарёда жойлашганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри VII асрда юксак даражада ривожланиб, Хитой билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради. «Буюк Ипак йўли» орқали Кеш савдогарлари Узоқ Шарқ шаҳарларигача етиб борганлар. Кеш ўз танга пулини зарб қилган. Шишпир подшолик қилган VII асрда Кеш Сўғдиёنانинг пойтахти бўлган.

### Габаза (Газаба)

Бу сўзни юнон муаллифлари Искандарнинг Сўғдиёнадаги милоддан аввалги 327 йилга онд якуний юришлари ҳақида ҳикоя қилганларида тилга олганлар. Габаза — яна бир қадимги вилоятнинг номидир.

Қурций Руфнинг айтишича, Искандар Наутака вилоятидан Паритака ерларига йўл олади. Юришларнинг учинчи кунда македонлар тоғли Габаза ерларига етиб келадилар. Бир пайтда кутилмаган кучли бўрон бошланади: «... яшинлар осмонда ялтираб турдилар, бирдан ёниб ва ўчиб қолаётган нур ҳарбийларнинг кўзларини қамаштириб, даҳшатли ҳолатга келтирди. Момақалдироқ тўхтовсиз гумбирлаб ётарди. Чақмоқлар ҳамма томондан кўринарди: қулоқлари битган аскарлар жойларида тўхтаб қолдилар ва олға қадам босишга илож топмадилар» (Қурций, VIII, 4,1).

Арманистон манбаларида Аранг дарёсига яқин ерларда жойлашган Гозбон ҳақида маълумотлар бор. Аранг — бу Аракс, Окс — Амударёнинг номидир. Гозбон форслар учун шу дарёдаги чегара — жой бўлган. Урта аср ёзма манбаларида таъкидланишича, Эрон ва Турон ўртасидаги чегараларни аниқлаш учун, подшолар шартномасига биноан, мерган Ариш ўқ отган. Бу ўқ кенг ҳудуд устидан парвоз қилиб, Гозбун — «ёнғоқ дарахти»га тегеди. Шу даврдан бошлаб, Гозбон — Гозбун Эрон ва Турон чегараси бўлиб ҳисобланган.

Арман тарихчиси Себеоснинг айтишича, форс йўлбошчиси Меҳривандак Бахл (Балх) ва «улуғ дарё наригидаги Қазбион жойигача Қушон мамлакатини қўлга



киритган». Шу маълумотларга кўра, Қазбион, Гозбун, Гозбон ва Курций Руфнинг Габаза — Газаба тушунчалари турли асрларга оид бир умумий вилоятнинг номи бўлган дейиш мумкин. Бу вилоят «тоғ ерлари» бўлиб, Амударёнинг нариги томонида жойлашган.

XVIII—XIX асрларда Қашқадарёдаги Деҳқонобод ва Оқработ оралиғи ерлари «Габзан» деб аталган. «Қазбион» тушунчаси Қарши атрофидаги ўрта асрларга оид Қасба ёки ҳозирги қишлоқ — Қасби билан боғланади.

Деҳқонобод ва Оқработ оралиғи — бу тоғли ўлкадир. Оқработ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чегарасида жойлашади. Олимлар фикрига кўра, худди шу ерларда, Сўғдиёна ва Бақтрия чегаралари ўтган.

Оқработнинг нариги ёғида, Тошкент — Термиз йўлининг чап томонида қадимги дунёда кенг машҳур бўлган «Темир дарвоза» деб номланган тор дара жойлашади (узунлиги 2 км). Ёзма манбаларда бу дара турлича тасвирланади: Бабал Хадид, Дар — Аханин, Темирқопиғ, Темир Қахалга. «Темир дарвоза» дара йўлида VII асрда хитойлик жоҳин Сюан Цзян, 1404 йилда Испания элчиси Гонзалес де Клавихолар саёҳат қилиб ўтганлар. Бойсун тоғларидаги Дарбанд номи — «ёпиқ дарвоза», «дарвоза банд дара» сўзларидан келиб чиққан. Клавихонинг айтишича, дарани бир замонларда темир дарвоза тўсиб турган. Саёҳатчиларга 150—180 м баландликдаги қоя тошлар тор дарада (эни ўртача 5—20 м), айниқса, қаттиқ ёмғир ёғиб, тошқин сув — сел келса, даҳшатли таъсир қилади. Мана энди Габазадаги бўронда яшин кўрган Искандарнинг аскарлари қай аҳволда бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Квинт Курций Руф ўз ҳикоясини бундай давом эттиради: «Шунда бехосдан шариллаб жала ва дўл бошланади. Аскарлар дастлаб қуроллари билан ёмғирдан ўзларини пана қилдилар, аммо кейин совқотиб қолган қўллари билан яроқ-аслаҳаларини зўрға ушлаб қайси томонга юришни билмасдилар, чунки уларга бўрон ҳамма томондан жуда кучли таъсир қилиб ундан қутулиб бўлмади».

Тарихчининг ҳикояси тоғли жой билан боғланганлиги аниқ кўринади. Македонлар қайси бир томонга айланишни билмадилар, дарада эса қорга айланган бўрон-

дан бекинадиган бошпана бўлмади. Бундай вазият тоғ йўлида ёки тор дарада пайдо бўлади.

«Темир дарвоза» дарасидан ўтиш учун ярим соат вақт керак. Асрлар давомида илон йўлини ҳосил қилган дарадан кўчманчилар, савдогарлар, саёҳатчилар ва босқинчилар ҳам фойдаланганлар.

Дара тагидан осмонга қараганда беҳосдан қўрқинч пайдо бўлади, худди ҳозир бир баландроқ овоз ёки бирон эҳтиётсиз ҳаракат, бошингизга улкан қояларни ташлайдигандай туюлади. Энди эса шу дарадан македониялик Искандарнинг кўпдан-кўп қўшинларининг ўтишини тасаввур қилиш мумкин. Курций Руф македонларнинг аҳволини жуда ҳам тўғри тасвирлаган, гўёки тарихчи ўзи ҳам Габаза тоғ йўлида бўлиб, бўрон остида қолгандек. Габазадаги бўронда икки минг македон ҳалок бўлади.

Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Габаза — бу Наутака вилоятига қўшни тоғ ўлкаси бўлган. Бу ўлка ҳозирги Деҳқонобод, Оқработ ва Темир дарвоза атрофидаги ерларни ўз ичига олган. Қадимги замонлардан бошлаб бу жойлардан Мароқанда — Наутака — Окс — Бақтра йўли ўтган.

Габаза вилоятида сўғдийлар ва бақтрияликлар — қариндош халқлар, аралашиб яшаганлар. Халқларнинг аралаш жойлашуви, одатда, айрим давлат, ўлка ва вилоят чегара ерларига тегишли бўлган. Сўғдийлар ва бақтрияликларнинг қиёфаси, маданияти, тили ва урф-одатлари яқин бўлганлиги учун, вазиятни юнон тарихчилари аниқ тушунмаганлар. Улар Сўғдиёна ва Бақтрия ўртасидаги шимолий тоғли чегаралардан беҳабар бўлиб, ҳудудий чегаралар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар келтирмаганлар. Бақтрия ва Сўғдиёна чегаралари Кўхитоғ, Бойсун ва Ҳисор тизмаларидан ўтган. Бақтрия ва Сўғдиёна чегаралари Калиф — Керки ноҳиясида Амударё билан боғланади. Шу ердан кенг даштлар бошланади, улар Бақтрия ёки Сўғдиёнага тегишли бўлмаган. Ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган вилоятлар аҳолиси, асосан, дарё воҳаларида яшаганлар. Даштлар ва чўллалар — кўчманчилар ёйилган ўлкалар бўлган. Улар водийларнинг чегараларида ҳам жойлашганлар.

## «Сўғд қалъаси», «Хориен қояси»

Милоддан аввалги 328 йилда Искандар Зарафшон воҳаси аҳолисига жазо берган пайтда жуда кўп сўғдийлар Ҳисор тоғларига қараб қочишга мажбур бўлган. Дидорнинг айтишича, милоддан аввалги 327 йилда Искандар тоғ ерларида бекинган аҳолини бўйсундириш ва асирга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Аррианнинг ҳикоя қилишича, баҳор ойида Искандар Наутакадан чиқиб «Сўғд қалъаси»га йўл олади. Бу панагоҳда Оксиартнинг оиласи бекинган эди. Қалъа баланд чўққили Ҳисор тоғларидаги чиқиб бўлмайдиган номаълум бир қояда жойлашган. Сўғдийлар Искандар қояга ҳеч қачон чиқолмайди деб ўйлаганлар, чунки душманлар орасида «қанотли» жангчилар бўлмаган.

Аммо Клит бошчилигида ўз юртидаги тоғларда ўсиб тарбияланган 300 нафар македонлар ва фракийлар қоя устига чиқадилар. Қалъани ҳужум билан олиш вақтида 30 нафар македонлар жар тепасидан йиқилиб ҳалок бўладилар. Чуқур қор қатламларига чўкиб кетган македонларни дафн этиш учун ҳам топиб бўлмади.

Оксиартнинг оиласи асирликка олинади. Арриан бундай хабар қилади: «Оксиартнинг Роксана деган қизи бор эди. Искандар аскарларининг айтишича, подшо Доро хотинидан сўнг, улар Осиёда бундай гўзал аёлни кўрмаганлар. Искандар уни бир кўришда севиб қолган».

Яна бир қалъа — «қоя» ҳақида Курций Руф хабар қилади: «Ў Хориен номли қоя бўлган. Унинг баландлиги 20, айланаси 60 стадий, ҳамма томонидан бу нишаб қоядир. Қояга жуда ҳам тор сунъий йўл олиб борган, шу йўлдан қаршилиқ кўрсатилмаган ҳолда ҳам бир киши зўрға юриши мумкин бўлган. Қоя атрофини чуқур жарлик ўраб олган. Қояни ҳужум билан олиш учун зовурни тўлдириб, аскарлар юришларига жарликдан текис йўл ўтказиш керак бўлган».

20 стадий — бу 3500—3700 м. тоғ баландлигидир. Бундай тоғлар Сўғдиёна ва Бақтрия чегарасидаги Ҳисор—Бойсун тизмасида жойлашган. Аррианнинг хабарига кўра, Хориен қояси қамал қилинган пайтда македонлар арчадан ясалган нарвонларни ишлатганлар. Одатда, арча 1000—1500, 2500—3000 метр баландликда ўсади.

Машҳур австриялик олим В. Томашек, 1877 йилда чоп этилган асарида «Хориен қоясини» «Темир дарвоза» дараси ёнида жойлаштириб, шу ерда Бақтрия чегараси бўлган деб хулоса қилган. И. В. Пьянков фикрига кўра, «Хориен қояси» Бақтрия—Сўғдиёна катта қарвон йўлидаги чегара-қўрғон вазифасини бажарган. Шу қўрғонни кўлга олиб Искандар Паритака (Паретака) вилоятига етиб келади. Искандар «номаълум бир қалъа» ёнида Амударёдан кечиб ўтиб Бақтра шаҳрига йўл олади. Аммо македонларнинг Кратер бошчилигидаги бошқа бир қисми Паритакадаги қўзғолончиларга қарши ҳужум қилади. Катан ва Австан исмли жангчилар бақтрий қўзғолончиларининг бошлиқлари бўлган.

Паритака жангида Катан ва бир ярим минг қўзғолончилар ҳалок бўлади. Австан асирликка олинади. Бақтрия тупроғида бу охири жанг бўлади. Македонлар Бубакена номли яна бир вилоятни истило қилиб, кейин уларнинг ҳаммаси Бақтрада учрашадилар. Бақтрия ва Сўғдиёнани забт этиш жараёни тугайди. Ҳиндистонга юришлар учун жиддий ҳарбий тайёргарлик кўрилади.

Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, Паритака Сурхондарё вилоятида жойлашган, Бубакена — Жанубий Тожикистон ерлари бўлган. Демак, Паритака ва Бубакена Бақтриянинг айрим вилоятларининг номларидир.

«Паритака — Паретака» тушунчаси турлича таржима қилинган («тоғ ўлкаси» «дарё воҳасидаги вилоят»), аммо охири «так» сўзи — «қурилиш», «макон» деб таржима қилинади, балки вилоятнинг номи — «Пари макони», «Жаннат жойи» сўзларидан келиб чиққандир.

Сўғдиёна ва Бақтрия тоғ қалъаларининг қолдиқлари археологлар томонидан топилмаган. Улар Ҳисор ва Бойсун тоғларида кенг даражадаги тадқиқотлар ўтказганлар. Олимлар учун бу қалъаларни топиб текшириш, қизиқ муаммо бўлиб, оғир илмий жараёнга айланган.

Даставвал баланд қояларда жойлашган қалъалар вақтинча макон — панагоҳ жойлар вазифасини бажарган. Қадим замонлардан бошлаб одамлар урушлар даврида, душманлардан ўзларини сақлаб қолиш учун, узоқ ва баланд тоғларда жойлашган табиий бекинадиган жойлардан фойдаланганлар. Улар авлодлар учун маълум бир анъанавий пана жой вазифасини бажарган.

Бу фикрни Курций Руф аниқ тасдиқлайди. Унинг ха-

барига кўра, баланд қоянинг ярмида «ғор бор, унинг тор ва қоронғи кириш йўли секин-аста кенгайиб бориб, катта бошпанага айланади». Тарихчининг айтишича, сўғдийлар ўзларига икки йилга етарли озиқ-овқат маҳсулотларини гамлаб қўйганлар.

Бундай жойларда доим яшаш учун шароитлар бўлмаган (қишдаги совуқ иқлим, қор ва муз, баҳордаги жала ва тошқин сувларнинг пайдо бўлиши, ҳаёт қийинчиликлари, айрилиш вазияти). Бекинадиган жойлардаги тошлар ва арча дарахтларидан фойдаланиб вақтинча уй-жойлар ва истехкомлар ҳам қуриш мумкин бўлган. Аммо уларнинг қолдиқлари ҳозиргача топилмаган.

### **Искандар юришларининг йўналиши**

Искандарнинг Сўғдиёна томонга қайси бир йўл орқали юриши ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар йўқ. Бақтра шаҳридан Окс—Амударёга иккита йўл олиб борган. Жумладан, энг яқини 70 км масофадаги Шуроб қўрғонигача йўл, бошқа бири 90 км узунликдаги Қалиф йўли бўлган.

Тарихий адабиётларда македонлар Қалиф — Керки оралиғида Амударёдан кечиб ўтганлар деб таъкидланади. Шу фикрга кўра, Искандар Амударёдан ўтиб, ҳозирги Қарши ва Жом томонга қараб Мароқандага йўл олган. Аммо Курций Руфнинг айтишича, Искандар Окс дарёсигача 400 стадий (75 км) йўлни босиб ўтган. Мароқанда—Самарқандга ҳозир ҳам Амударёдан энг қисқа йўл Шеробод — Сайроб — Оқработ — Ҳрадарё — Яккабоғ — Китоб орқали борилади.

Бизга маълум тарихий воқеалар қуйидагича бошланган. «Осиё подшоси» Бесс Наутака вилоятига қочиб кетади. Қадимги тарихшунослар фикрига кўра, Бесс «Окс девори ортида бекинади». Бу ҳақида Искандар эшитиб, Наутака вилоятига Птолемей Лаг бошчилигида махсус қўшинни юборади. Птолемей Лаг тўрт кун давомида шошилиш равишда ўн кунлик масофани босиб ўтади ва Бессни асирликка олади.

Македонлар илғор ҳарбий қисмининг бир кунлик юришлари 40—50 км. га тенг бўлса, Оксдан Наутака вилояти ерларигача тўрт кун юриш талаб қилинарди (йўлнинг узунлиги 160—200 км масофани ташкил этарди). Амударёдан Шеробод — Сайроб орқали ҳозирги Ғузоргача 160 км, Яккабоғгача —200 км. Шу йўл орқали

Птолемей Лаг бошчилигида аскарлар Наутака ерларига етиб келишлари мумкин эди. Агар уларнинг юришлари Калиф томонидан бошланганда македонлар Кўҳитоғ даралари орқали ёки Кўҳитоғдан айланиб кўриқ кенг чўлдан ўтишга мажбур бўлардилар.

Сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳоли маконларига бой бўлган боғлар ва ҳосилдор ерлар орқали қадимги йўл Шеробод воҳасидан бошланган. Археологик тадқиқотларга кўра, Шеробод воҳасида энг қадимги деҳқонларнинг қишлоқлари милоддан аввалги XVII—XV асрларда пайдо бўлган. Искандар даврида воҳада бир қатор кичик шаҳарлар, уй-қўрғонлар ва маконлар жойлашган. Шеробод воҳасини кесиб ўтувчи, Сўғдиёна томонга боровчи йўллар македонлар учун ҳар тарафлама қулай бўлган (қисқа масофа, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблиги ва ҳоказо).

Птолемей Лаг бошчилигидаги илғор қўшин Шерободдарё, Оқработ ва Урадарё орқали Яккабоғ тоғ олди ерларига анча тез етиб боришлари мумкин эди. Уларнинг кетидан македонларнинг асосий ҳарбий кучлари борган. Даставвал, бу вазият юнон-македонлар хавфсизлигини сақлаш билан боғланган. Илғор қўшинга сўғдийлар ҳужуми хавфи пайдо бўлганда Искандарнинг асосий кучлари томонидан Птолемей Лаг аскарларига тез ёрдам кўрсатиш мақсади назарда тутилган.

Курций Руфнинг маълумотларига кўра, Искандар юришларининг йўналиши қуйидагича бўлган: Ҳиндиқуш—Бақтра—Окс—Бранхийлар шаҳарчаси—номаълум тоғлар ёнбағри. Шу тоғлар олдида, озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаб тайёрлаш учун чиққан македонларга қўшни тоғларда яшовчи сўғдлар ҳужум қилиб, «ўқ ва тош отганлар». Шу жойдан бошлаб, тўртинчи кун македонлар Мароқандага етдилар.

Демак, юнон-македонлар Мароқандагача уч кундан ортиқ йўл масофасидаги тоғ олди ерларида сўғдийлар томонидан кутилмаган ҳужумга учрайдилар. Ўрта ҳисобда бир кунда 30 км юрганга ҳам, тўртинчи кун бошланишида 100—105 км йўлни ўтиш мумкин. Бу ўлчов ҳозирги Яккабоғ тоғ олдидан бошлаб Самарқандгача давом этган йўл узунлигига тенг бўлади (Тахтақарача довони орқали).

Лккабоғ ва Ғузур ерлари қадимда Наутака номли вилоятда жойлашган. Наутака катта ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шу жойдан тўғри қисқа масофали йўллар Мароқанда ва Яксарт томонга қараб давом этган. Бесс ҳам Наутакада тасодифан бекинмаган. Бу вилоятнинг аҳолиси ва қудратли қалъалари македонларга қарши курашда таянч бўлиши назарда тутилган. Аммо Спитаман бошчилигидаги сўғдийлар Бессни юнон-македонларга топшириб, душманларга қарши ҳеч қандай ҳужум ҳаракатини кўрсатмаганлар. Улар мустақил бўлган ҳозирги Қарши (Ксениппа) ва Бухоро воҳасига бекинганлар.

Искандар Мароқанда шахрини эгаллаб Кирополис шахрига қараб йўл олади. Ҳарбий юришлар ҳозирги Сангзор, Жиззах орқали Уратепагача давом этган. Курций Руфнинг айтишича, даставвал Искандар «Қир асос солган шаҳарга раҳм қилмоқчи бўлган, аммо шаҳар аҳолисининг қайсарлиги подшони ғазаблантиради. Шунинг учун ҳам у шаҳарни ҳужум қилиб талашга ва йўқ қилишга буйруқ беради. Ҳеч бир шаҳар аҳолиси кучли ҳужумга тиришқоқлик ҳимоясини кўрсатмаган ва унинг деворлари олдида жасур аскарлар ҳалок бўладилар; подшонинг ўзи ҳам ҳалокат четига яқинлашади. Бир тош катта тезлик билан унинг бўйнига шундай тегадики, подшонинг кўзлари хира тортиб ва у йиқилиб тушиб, ҳушидан ажралади; аскарлар, албатта, подшо ҳалок бўлди деб, йиғлай бошладилар».

Искандарнинг асосий ҳарбий ҳаракатлари Марказий Осиёда Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари ва Ҳисор тоғларидаги жойлар билан боғланади. Марказий Осиёнинг бир қисмини истило қилиш учун уч йил вақт кетади. Кичик Осиё, Миср, Икки дарё оралиғи, Бобил ва Эрон вилоятларини забт қилиш учун беш йил керак бўлади. Умуман Искандарнинг ҳарбий юришлари ўн йил давом этади.

Юнон тарихчиларининг хабарларига кўра, Искандар Марказий Осиёда 8—12 та шаҳарга асос солган: (Оксдаги Александрия, Александрия Эсхата, Марғиёнадаги Александрия ва ҳоказо). Уларнинг баъзи бирлари Сўғдиёна ва Бақтрияда вайрон қилинган шаҳарларнинг ўрнига қурилган, бошқаларига янги ҳарбий истеҳкомлар

ва қўрғонлар сифатида пойдевор тоши қўйилган. Шу шаҳарлардаги юнон-македонларнинг отлиқ ва пиёда қўшинлари қўриқчи вазифаларини бажарган. Милоддан аввалги 324 йилдан бошлаб Искандар аскарларининг сафида македонлар яроғ-аслаҳалари билан қуролланган маҳаллий халқларнинг вакиллари ҳам хизмат қилганлар (форслар, бақтрияликлар, сўғдийлар).

Милоддан аввалги 312 йилда Бақтрия ва Сўғдиёна вилоятларини Салавка давлати ўз ичига олади. Милоддан аввалги 293 йилда давлатнинг шарқий ерларига Салавка ва Апаманинг ўғли Антиох ҳоким вазифасини бажарувчи бўлиб тайинланади. Апама — сўғдийлар йўлбошчиси Спитаманнинг қизи бўлган. Демак, она авлоди томонидан Антиох учун Сўғдиёна ота-боболари юрти бўлган. Унинг бобоси Спитаманнинг шахсий исми ва уруғ-авлодининг номи Бақтрия ва Сўғдиёна тупроғида энг қадимгилардан бири эди.

Спитама — бу пайғамбар Заратуштра келиб чиққан қадимги уруғ-авлоднинг номидир. Сўғд сўзи «Спитама-на» «Авесто»да тилга олинган жуда қадимги тушунча билан боғланиб — Спэнта Мана, Спэнта Манё — «Муқаддас дух» маъносини билдиради.

Пайғамбар Заратуштра Спитама ва Искандарга қарши чиққан Спитаман уруғ-авлод исмларининг илдизлари умумий бўлганлиги диққат-эътибор талаб қилиб, махсус манбашунослик ва тилшунослик изланишларига асос солади. Шу шахсларнинг келиб чиқиш томирларида қариндошчилик бўлганми ёки уларнинг исмларида ўхшашликлар борми? Бу жуда ҳам қизиқарли илмий муаммодир.

Заратуштра ва Спитаманларнинг ҳаётларидаги охириги кунлар бир-бирига жуда ҳам ўхшаб, фожиали яқунланади. Заратуштра номоз ўқиб турган пайтда ханжар дамидан хиёнатқорона ҳалок бўлиб, балки қуйидаги сўзларни айтиб ҳаётидан ажралган: «Бу подшоликда на совуқлик, иссиқлик ҳам, на қарилик, ўлим ҳам, на ичи қора ёвузлик ҳам бўлмаган...»

Бизга маълумки, Спитаманга ҳам сотқинлар ҳужум қилиб, унинг бошини кесиб ташлайдилар. Спитаманнинг невараси Антиох бу фожиа ҳақида билганми? Албатта, болалик пайтида у отаси ёки онаси ҳикояларидан



Сўғдиёнадаги урушлар ҳақида хабардор бўлгандир. Аммо, бир томондан, Спитаман уруғидан келиб чиқиши масаласи Антиохни кўп изтиробга солмаган. У кўпдан-кўп салавкийларга қарши қўзғолонларни тор-мор қилишга, янги истеҳкомларни қуришга, масалан, Марғиёнадаги йирик қудратли мудофаа деворига пойдевор солишга, отаси ва шахсан ўзининг номидан танга пулларни зарб этишга ва бошқа давлат ишларини бажаришга мажбур бўлади. Ниҳоят милоддан аввалги 280 йилда, Салавкининг ўлиmidан сўнг (Салавкини Птолемей Лаг ўғли Керавн ўлдиради) Антиох йирик давлатнинг подшоши бўлади. Спитаманнинг невараси Антиох 20 йил давомида подшолик қилади.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида Салавкийлар давлатидан Бақтрия ажралиб чиқади. Юнон муаллифининг хабарига кўра: «... Диодот, бақтрияликларнинг минг шаҳарлари ҳокими, ўзини подшо деб эълон қилади». Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия давлатининг тарихи бошланади. Бу давлатга, Салавкийлардан мустақил бўлган яна бир давлат Парфия рақобат қилиб, кейинчалик қудратли Рим империясига қарши кураш олиб боради.

### Эрон — Турон — Туркистон

Улкамиз Евросиё жанубида жойлашиб, бир қатор адабиётларда Ўрта Осиё деб ёки ғарбий адабиётларда асосан Марказий Осиё деб аталган. Бу кенг ҳудуд ғарбда Каспий денгизи қирғоқларидан бошлаб шарқда Марказий Қозоғистон ва Хитойнинг чегара ерларига бориб тақалади.

Ўрта Осиё ёки Марказий Осиё — бу умумий географик тушунча бўлиб, бир неча замонавий давлатлар ҳудуди билан боғланади. Қадимги ва ўрта асрлар манбаларида бу географик атамалар тилга олинмаган.

«Авесто» бобларидан бошлаб юртимиз ерлари қадимги манбаларда турлида — Арёнам Вайжо — Арёшайёна, Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон каби номлар билан аталиб келинган. Айрим ўлкалар—йирик тарихий-маданий вилоятлар Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Хоразм, Уструшона, Чоч, Фарғона каби машҳур номлар билан боғланган. Бу ҳудуднинг географик маркази икки дарё оралиғи бўлиб (Амударё ва Сирдарё), унга араблар томонидан Мовароуннаҳр номи қўйилган. Европа тарихшу-

нослари Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерларни «Трансоксиана» деб атаганлар. Туркменистоннинг жануби-ғарбий қисми Хуросон ўлкасига тегишли бўлган. Бир қатор тарихий адабиётларда Сўғдиёна, Бақтрия ва Марғиёна ерлари (Марказий Осиёнинг жанубий вилоятлари) Шарқий Эрон деб аталади (16-расм).

Марказий Осиё ҳудудида яшаб ўтган қадимги халқлар йирик давлатларнинг айрим вилоятларида жойлашиб асрлар давомида узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганлар (Қадимги Бақтрия, Аҳамонийлар давлати, македониялик Искандар сиёсий уюшмаси, Юнон-Бақтрия, Кушон, Сомонийлар давлати ва ҳоказо). Бу давлатлар Марказий Осиё ерларида турли қариндош халқларни бирлаштирган.

Узоқ тарихий тараққиёт йўлида турли халқларнинг аждодлари мураккаб этник ва этногенез (халқларнинг келиб чиқиши) жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар ва қабилаларнинг аралашиб кетиши, тилларнинг ва маданий анъаналарнинг қўшилиб янги асосда ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган.

Марказий Осиёда янги қабилаларнинг ёйилиши (ҳинд-эрон қабилалари) ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишининг тарихи милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бошланади. Бу жараённинг иккинчи қадимги босқичи милоддан аввалги X—VIII асрларга оид бўлиб, арийларнинг тарқалиши даврига тўғри келади. Маълумки, улар ҳам ҳинд-эрон қабилаларининг вакиллари бўлган.

Янги қабилалар ва Марказий Осиё маҳаллий аҳолисининг аралашиб қўшилиши жараёни натижасида шу ҳудудда яшаб ўтган сўғдийлар, хоразмликлар, бақтрияликлар, марғиёналиклар ва сак-массaget халқларига асос солинади. Эроний қабилаларнинг бошқа бир катта ғуруҳи ҳозирги Ғарбий Эрон ерларида ўрнашиб, қадимги форс халқи ва қадимги форс тилининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ёзма манбаларда (Ҳинд, Оссурия ва Эрон манбалари) айнан Эрон ерларида янги қабилаларнинг ёйилиши милоддан аввалги IX аср билан боғланади. Бу қабилалар «аръё» ва уларнинг ватани «Аръёнам» деб аталган. «Аръёнам» сўзидан «Эрон» номи келиб чиққан. Аммо

дастлабки даврларга оид «Аръёнам» тушунчаси бошқа юртлар билан боғлиқ бўлган (жумладан Марказий Осиё ҳудудига кўпроқ тегишли бўлган, (17-расм).

Давлатлар ва халқлар номларининг келиб чиқиши тарихий-географик ҳамда қабила-этник сўзлари билан узвий боғланган (дарё, тоғлар, жойлар, қабила-уруғ номлари). Мисол учун — Ҳиндистон, дастлабки даврларда Ҳинд дарёси ҳавзасидаги вилоят, кейинчалик йирик давлатнинг номи; қадимги юнон манбаларидаги Персида, Персия, Форс давлати — бу Парс, Форс вилоятида яшаган форсларнинг номидир; Россия, Русия, рус халқи — «рос» славян қабиласининг номи; давлат, вилоят—Хваризам, Хоразм—«хвар»,—«қуёш», «зам, зем» — ёр, тупроқ, ўлка сўзларидан келиб чиққан ва ҳоказо.

«Эрон» ва «Турон» географик-тарихий атамалари, «эронийлар» ва «туронликлар» тушунчалари араб ва форс тилида ёритилган адабиётларда айниқса кўп учрайди (жумладан, Фирдавсий, Беруний, Табарий, Саълибий, Наршахий ва бошқа муаллифларнинг асарлари). Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Турон ва Эрон сиёсий муносабатлари, подшолар фаолияти ва баҳодирлар курашлари ҳақида ажойиб ҳикоялар бор. Улар шу пайтда ўрта форс тилида ёритилган «Авесто» маълумотларига асосланган. Бу даврдан бошлаб «Турон» ва «туронликлар» тушунчалари турли хил адабиётларда кенг ишлатилди. Аммо улардан анча қадимийроқ замонларга оид аҳамонийлар ёзувлари, Геродот, Ктесий, Ксенофонт ва македониялик Искандар даври сўнгги юнон тарихчиларининг асарларида «Турон» ва «туронликлар» ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

«Турон» географик-тарихий атамасининг келиб чиқиш тарихи «Авесто» билан узвий боғланади. «Авесто» Марказий Осиё халқларини икки йирик гуруҳга бўлиб, уларни диний қарашларига кўра бир-биридан ажратади. «Авесто»да улуғланган қабилалар, баҳодирлар ва подшолар Заратуштра тарафдорлари ҳисобланиб, улар шу пайғамбар таълимотини қабул қилганлар. Улар Марказий Осиёга тегишли Сўғдиёна, Хоразм, Бақтрия, Марғиёна ерларида ҳамда Афғонистон ва Шарқий Эрондаги Ария, Арахозия, Дрангиана вилоятларида жойлашганлар.

Заратуштранинг таълимотини қабул қилмаган ва пайғамбарни ўз юртидан қочишга мажбур қилган. «Авесто»да тилга олинган «тура», «дану» ва «хъяона» номли қабилалар бўлиб, улар зардуштийларнинг ашадий душманлари сифатида — «ёвузлар», «девларни қадрлаган», «сохталар» ва «номард-аблаҳлар» деб аталган.

Заратуштранинг тарафдорлари ва душманлари ҳам дастлаб қариндоши чорвадор арий қабилалари ва деҳқончилик билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган. «Авесто»да тилга олинган зардуштийлар ва «тура», «туронлик» вакилларнинг исмлари кўп вазиятларда «асп» — «от, отлиқ» сўзлари билан боғланади. Жумладан, Керсасп ва Хитасп, Виштасп ва Аржатасп. Пайғамбар Заратуштра отасининг исми ҳам Порушасп бўлган. Заратуштранинг исми — «туя эгаси» сўзларидан келиб чиққан бўлса, туронликларнинг номларида ҳам «етти юз туя эгаси» тушунчалари учрайди. Одатда, чорвачилик билан боғланган номлар ва исмлар кўчманчиларга тааллуқли бўлиб, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданий анъаналаридан келиб чиққан. Шу маълумотларга кўра, Заратуштранинг аجدодлари ва пайғамбарнинг ўзи ҳам бир пайтларда чорвадор қабилаларнинг вакили бўлган.

Ўрта асрлар адабиётларида Эрон ва Турон ҳудудий чегаралари Амударё орқали белгиланади. Турли манбаларда акс эттирилган ҳикояларда, подшолар шартномаларига кўра, Эрон ва Турон чегараларини белгилаш учун афсонавий мерган Ариш томонидан отилган ўқ кенг ўлка устидан парвоз қилиб, Табарийнинг хабарларига кўра, Амударёгача етиб келади, Берунийнинг айтишича, Тоҳаристон ва Фарғона оралиғига, Саълибийга кўра, Амударё яқинидаги Гозбон номли ерларгача учиб келади. Демак, Амударё атрофлари ёки дарё ортидаги жойлар Эрон ва Турон чегаралари сифатида кўрсатилган.

Қадимги юнон тарихчилари Амударё ёки Сирдарёни ўтроқ деҳқончилик маданиятига эга Бақтрия ҳамда Сўғдиёна аҳолиси ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи сак-массагетларнинг ҳудудий жойлашуви чегараси сифатида ёритадилар. Олимлар фикрига кўра, «сак-массагетлар» тушунчаси — бу дастлабки даврга оид «тура» қабилаларнинг номидир.

Асрлар давомида кўчманчилар чорвачилик хўжалигига мос бўлган табиий ноҳияларда жойлашганлар (даштлар, чўллар, тоғлар). Ўз навбатида, бу жойлар ўтроқ деҳқончиликка эга водийларни ўраб олган ва Марказий Осиёдаги йирик дарёларнинг қуйи қисмида ёки ортидаги турли вилоятларда бошланган (Помир ва Тангри тоғлари, Ўрта Амударёдаги ҳозирги Туркманистон ва Қарши чўллари, Қуйи Зарафшон, Орол денгизи олди, Қозоғистон даштлари).

Марказий Осиё дашт ва тоғ ерларида яшовчи чорвадор аҳоли кейинчалик «туронликлар» номи билан аталиб кетган. «Турон», «туронликлар» юрти тушунчаси кенг ҳудуд билан боғланган. Унинг шарқий чегаралари Тангри тоғ тизмаларида бошланиб Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг айрим ерларига бориб тақалади.

Ўрта асрлар даври муаллифлари «Турон» географик тушунчасини турлича тасвирлайдилар. Баъзи тарихчи ва географларнинг айтишича, Турон — бу турклар, туркий қабилаларнинг юрти деган маънони билдириб, кейинчалик «Туркистон» тушунчасига айланган. XVI—XVII асрларга қадар тарихий-географик адабиётларда Туркистон ўлка сифатида ноаниқ тасвирланган.

Маҳмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» номли аса-рида Туркистон ҳақида бундай хабар қилинади: «Туркистон — бу кенг ва кўнгилли юртдир, у кўп сонли шаҳарларни, чўлларни ва текисликларни ўз ичига олади... «Ғараиб» муаллифининг айтишига кўра, бу юртнинг узунлиги Сайхун дарёсининг қирғоғидан Қорамурон дарёси қирғоғигача бўлиб, бу ерни Мўғулистон номи билан атаганлар. Қашқар, Еркент, Хотан, Тибет, Биллуристон, Шимолий ва Жанубий Хитой унга кирмайди».

Маҳмуд ибн Вали Туркистоннинг яна бир номи — бу Турон ва унинг аҳолиси турклар деб ёритади, аммо у шў юртнинг (Турон — Туркистон) ҳудудий чегараларини аниқ кўрсатиб беролмаган ва уларни ногўрри нуқтаи назардан ёритган. Қашқар, Еркент ва Хотан Туркистоннинг шарқий қисми бўлган. Шу даврдаги Мўғулистон, тарихчи Б. А. Аҳмедовнинг фикрига кўра, бу Шарқий Туркистон, Еттисув воҳаси ва Олтойдир.

Демак, ўрта асрлар тушунчасига кўра, Туркистон Сайхун (Сирдарё)нинг шимолий қирғоқларидан бошла-

ниб, Қашқар ва Олтой ерларигача бўлган кенг ҳудудни ўз ичига олган. У пайтда инсонлар бир-бирини уруғ-қабилалар, шаҳарлар, жойлар ва вилоятлар номлари орқали ажратиб турганлар. Марказий Осиёни парчалаган ҳозирги миллий ва маъмурий чегаралар у замонларда йўқ эди. Халқларнинг маданий муносабатларида тил ва миллат, ғоя ва дунёқарашлар катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Замонавий адабиётларда Турон — бу ҳозирги Ўзбекистон ёки кенгроқ — Марказий Осиё ҳудудига тўғри келади деган хулосалар учрайди. Бу фикр тўғри эмас. Турон ерлари Туркистонга тегишли бўлса, унинг ҳудудий чегараларини Хитойдаги Синцзян (Шинжон) Уйғур ўлкасига қадар давом эттиришга тўғри келади. XIX—XX аср бошлари адабиётларида Туркистон икки географик қисмга бўлиниб кўрсатилди: Шарқий Туркистон (Синцзян — Уйғур ўлкаси) ва Ғарбий Туркистон (Ўрта Осиё). Аммо «Туркистон юрти» — туркий қабилалар жойлашган ҳудуд тушунчаси билан боғлиқ бўлса, унинг чегаралари қадимги замонларда жуда кенг бўлган — Копетдоғ олди, Амударё ва Сирдарё оралиғи, Фарғона, Тангритоғ ёнбағри, Чу ва Или воҳалари, Уйғуристон, Олтой, Жанубий Сибирь ва Ўрхон воҳаси.

Шунинг учун ҳам Турон, Туркистон тарихий-географик тушунчалар сифатида Марказий Осиёнинг (Ўрта Осиёнинг) катта бир қисмини билдириб, юртимиз ҳудудига чегарадош бўлган ёки ундан узоқ ерларга ҳам тарқалади.

«Тура», «туронликлар» — бу сак-массагетларнинг дастлабки номлари бўлиши мумкинлигини яна бир такрорлашга мажбур бўламиз. Сак-массагетлар ва уларга яқин қариндош қабилалар милоддан аввалги VI—IV асрлардан бошлаб Олтой ва Жанубий Сибирь даштларигача тарқалганлар. Бу ҳақда археологик маълумотлар ҳам далолат беради ва Синцзян — Уйғур ўлкасидаги саклар ёзувларининг тарқалиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

XI асрда яшаган тарихчи ал-Қошғарийнинг таъкидлашича, Уйғуристоннинг Қашқар ноҳиясида «кансак», «кансака» тили сақланган эди. Шарқий Туркистондаги Хотан воҳасидан топиб текширилган ёзувлар «хотансак» ҳужжатлари номл билан аталган.

Демак, қадимги вилоятлар (Наутака, Паритака, Ксениппа), давлатлар ва йирик тарихий-маданий ўлкалар (Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна), қабилалар ҳамда халқлар жойлашган сайхон ерлар, тарихий-географик ўлкаларнинг (Арешайёна, Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон) ҳудудий-географик чегаралари ҳозирги ҳудудий-маъмурий чегаралардан анча фарқ қилган. Мисол учун, Наутака вилояти замонавий олти ноҳиянинг ерларини ўз ичига олган (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Ғуздор, қисман Чироқчи), Сўғдиёна — Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, қисман Навоий вилоятлари ерларида жойлашган. Қадимги Хоразм шу номдаги ҳозирги вилоятнинг чегараларидан анча кенг бўлган, Бақтрия эса Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон тупроғида ривожланган.

Эрон тушунчаси 1935 йилдан бери Форс давлатининг расмий номи сифатида ишлатила бошлаган, аммо «Эрон» сўзининг тарихий мазмуни, ёзма манбаларга кўра, дастлаб қадимги эроний қабилалар ва халқлар жойлашган ҳудудлар (уларнинг географик чегаралари шу номдаги ҳозирги давлат ҳудудидан анча кенг бўлган ва Ўрта Шарқнинг бир неча ўлкалари) билан боғланган.

Турон ва Туркистон атамаларининг тарихий маъноси ҳам бошдан тарихий-географик тушунча бўлиб, кенг ҳудудларга тааллуқли бўлган.

Мамлакатларнинг ва халқларнинг номланишида ҳамда қадимги тилларнинг ривожланишида даврий ўзгаришлар содир бўлган, аммо асрлар давомида маданий, этник ва ҳудудий жойлашув, географик чегаралар кўп ҳолларда ҳудудий-сиёсий чегараларга мос келмаган.

## ХУЛОСА

Кейинги йилларда янги тадқиқотларнинг натижалари кўпгина асарлар ва қўлланмаларда ўз ифодасини топди. Мазкур асарлар кенг жамоатчилик ўртасида Марказий Осиёнинг қадимги тарихига нисбатан жуда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданиятининг дастлабки босқичларини ўрганишда археология ва манбашунослик фанларининг аҳамияти беқиёсдир. «Археология асослари» ва «Ўрта Осиё археологияси» каби қўл-

ланмалар бундан олдинги йилларда яратила бошланган бўлса-да, лекин Марказий Осиё энг қадимги манбашунослигини ўрганишга бағишланган қўлланма сўнгги йилларгача яратилгани йўқ.

«Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» номли қўлланма нашрга ўзбек тилида тавсия этилган дастлабки қўлланмалардан бири бўлганлигидан унда камчиликлар бўлиши мумкин. Қўлланма юзасидан билдириладиган мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади.

Узоқ ўтмишни ўрганиш — давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Уни ўрганмай туриб келажакка назар ташлаб бўлмайди. Замон талабига кўра, бундай ёндошув халқимизнинг тарихий меросини ва маданий анъаналарини ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиш жараёнида айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёзма манбаларни ўрганиш билан хуосун тарихчилар — манбашунослар ва археологлар шуғулланади. Улар қадимги тарихни ўрганишда турли хил манбаларга таяниб иш кўрадилар. Марказий Осиё археологик ёдгорликларининг хилма-хиллиги жиҳатидан ушбу минтақадагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам фахрли ўринни эгаллайди. Аммо қадимги тарихимизга оид ёзма манбалар жуда ҳам кам.

Марказий Осиё тарихига тегишли «Авесто» маълумотлари, аҳамонийлар ёзувлари ва юнон-рим манбалари турли тилларга таржима қилинган. Лекин уларнинг мазмунини талқин этишда, тарихий-географик маълумотларни археологик манбалар билан солиштиришда ва қадимги вилоятлар, жойлар, қалъаларнинг жойлашувини аниқлашда олимлар ҳали ягона фикрга келганларича йўқ.

Ушбу қўлланмадаги манбаларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши дастлабки тажрибалардан бири бўлиб, манбаларни таҳлил этишда ва тарихий-археологик маълумотларни умумлаштиришда янгича ёндашув асосида айрим хулосаларни чиқаришга ҳаракат қилдик. Наутака, Қсениппа, Габаза, Басилейа, Баги ва бошқа вилоятлар, жойлар ҳамда манзилгоҳларни тарихий-географик хариталарда топиб кўрсатиш, қадимги Бақтрия ва Сўғдиёнанинг ҳудудий чегараларини, энг қадимги йўллар ва



шаҳарларни аниқлаш шулар жумласидандир. Мақсадимиз — қадимги тарихий маълумотларни, археологик ва ёзма манбаларнинг мазмуни ва аҳамиятини китобхонлар оммасига яна бир бор билдириб ўтишдир. Ушбу китобда келтирилган маълумотлардан мутахассислар — тарихчи ва манбашунослар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Олий ўқув юртларнинг тарих факультетларида таълим олаётган талабалар — бўлажак ёш олимлар ва ўқитувчилар ўз ўлкалари тарихи бўйича кенг билимларга эга бўлишлари керак. Шу тариқа талабаларнинг мақсад ва вазифаларни ҳисобга олиб ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашга лозим топдик.

## ТАРИХИЙ САНАЛАР ЖАДВАЛИ

Илк палеолит даври	— милоддан аввалги 700/500—100 минг йилликлар (дунё тарихида 2,5—3 млн. йиллар олдин бошланган).
Ўрта палеолит	— 100—40 минг йилликлар.
Сўнгги палеолит	— 40—12 минг йилликлар.
Мезолит даври (ўрта тош даври)	— 12—7 минг йилликлар.
Неолит даври (янги тош даври)	— 6—4 минг йилликлар.
Энеолит даври (мис-тош даври)	— 4—3 минг йилликлар.
Бронза даври	— 3—2 минг йилликлар.
Темир даврига ўтиш босқичи	— милоддан аввалги X—XIII асрлар
Темир қурулларнинг кенг ёйилиши	— милоддан аввалги VII—IV асрлар
Неандертал қиёфали одамнинг тарқалиши	— милоддан аввалги 100—40 минг йилликлар
Замонавий қиёфали одамнинг пайдо бўлиши	— милоддан аввалги 40—30 минг йилликлар.

Она уруғи (матриархат) даврининг бошланиши	— тахминан 35 минг йил олдин.
Тасвирий санъатнинг ривожлана бошлаши	— 35—12 минг йиллик- лар.
Ибтидоий сиғинишларнинг ривожланиши	— 40—12 минг йиллик- лар.
Марказий Осиёда (Жанубий Туркманистон) деҳқончиликнинг пайдо бўлиши	— 6 минг йиллик.
Кулолчиликнинг ривожлана бошлаши	— 6 минг йиллик.
Пахса бинокорлигининг пайдо бўлиши	— 6—5 минг йилликлар.
Металлнинг кашф этилиши	— 4—3 минг йилликлар.
Кўп хонали уйларнинг қурилиши	— 4—3 минг йилликлар.
Энг қадимги ибодатхоналар	— 4—3 минг йилликлар.
Энг қадимги хумдонлар	— 4—3 минг йилликлар.
Ота уруғи (патриархат) даврининг бошланиши	— 4—3 минг йилликлар.
Чархда ишланган сопол идишларнинг тарқалиши	— 3 минг йиллик.
Марказий Осиёдаги қадимги маданиятлар:	
Жойтун маданияти	— милоддан аввалги 6— 5 минг йилликлар.
Калтаминор маданияти	— милоддан аввалги 5— 4 минг йилликлар.
Ҳисор маданияти	— милоддан аввалги 5— 4 минг йилликлар.
Номозгоҳ — Анов маданияти	— милоддан аввалги 4— 2 минг йилликлар.
Замонбобо маданияти	— милоддан аввалги 3— 2 минг йилликлар.
Саразм маданияти	— милоддан аввалги 3— 2 минг йилликлар.
Тозабөрөб маданияти	— милоддан аввалги 2 минг йиллик.
Сополли — Жарқўтон	— милоддан аввалги 2 минг йиллик.

Ўзбекистон тупроғида  
деҳқончиликнинг ёйилиши  
Чорвачиликнинг деҳқончи-  
ликдан ажралиб чиқиши

Кўчманчи чорвачиликка  
ўтиш даври

Марказий Осиёда йирик  
шаҳарларнинг вужудга  
келиши

Энг қадимги йирик шаҳар  
харобалари:

Элкантепа (Туркменистон),

Далварзин (Фарғона),

Қизилтепа (Сурхондарё),

Ерқўрғон (Қашқадарё),

Ерқалъа (Туркменистон),

Афросиёб (Самарқанд),

Кўзалиқир (Хоразм),

Узунқир (Қашқадарё),

Арешайана, Арёнам Вайжо  
уюшмаси

Авесто; Ясна, Яшт, Видевдат

Заратуштра ва зардуштий-  
ликнинг кенг ёйилиши

Марказий Осиёда энг қа-  
димги халқларнинг пайдо  
бўлиши (парфияликлар,  
бақтрияликлар, сўғдлар, хо-  
размийлар сак-массагетлар)  
Қадимги Бақтрия давлати

Қадимги Хоразм давлати

Аҳамонийлар ҳукмронлиги

Марғиёна, Бақтрия ва  
Сўғдиёнанинг Кир II томо-  
нидан истило қилиниши

— милоддан аввалги 2  
минг йиллик.

— милоддан аввалги 2  
минг йилликнинг ик-  
кинчи ярми.

— милоддан аввалги IX  
VIII асрлар

— милоддан аввалги VII  
—VI асрлар.

— милоддан аввалги IX  
VIII асрлар.

— милоддан аввалги IX—  
VIII, V—VI асрлар.

— милоддан аввалги VII  
VI асрлар.

— милоддан аввалги VIII  
VII асрлар.

— милоддан аввалги VII  
VI асрлар.

— милоддан аввалги VI  
аср.

— милоддан аввалги VI  
—IV асрлар.

— милоддан аввалги  
545—540 йиллар.

Кир II нинг массагетларга қарши юриши	— милоддан аввалги 530 йил.
Аҳамонийларга қарши Мар- ғиёнада қўзғолон	— милоддан аввалги 521 йил.
Доро I нинг сакларга қарши юриши	— милоддан аввалги 519/518 йил.
Бранхийлар шаҳарчасига асос солиниши	— милоддан аввалги 480 йил.
Македониялик Искандар- нинг Бақтрия ва Сўғдиёнага юриши	
— Бақтра, Мароқанда ва Курушката шаҳарларини забт этиши	— милоддан аввалги 329 йил.
Спитаман қўзғолони	— милоддан аввалги 329 —327 йиллар.
Искандарнинг вафоти	— милоддан аввалги 323 йил.
Бақтрия ва Сўғдиёнанинг Салавка давлати таркибига кириши	— милоддан аввалги 312 йил.
Салавка ўғли ва Спитаман набираси	— милоддан аввалги 293 —260 йиллар.
Антиохнинг подшолик килган даври	
Юнон-Бақтрия давлатининг ташқил топиши	— милоддан аввалги 250 йил.

**ТАРИХИЙ, ГЕОГРАФИК ТУШУНЧАЛАР ВА  
АЙРИМ НОМЛАР ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

- Авесто** — зардуштийларнинг муқаддас китоби, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари тарихига оид ёзма манба.
- Австон** — Гавстон, македонларга қарши чиққан бақтрийларнинг йўлбошчиси.
- Агема** — македониялик Искандарнинг махсус отлиқ қўшини.
- Агора** — қадимги юнон дунёси шаҳарларида халқ мажлислари учун мўлжалланган майдон.
- Азан** — юнон-форс урушлари даврида подшо Қсеркс қўшинларидаги сўғдийларнинг йўлбошчиси.
- Ажи — Дахок** — «Авесто» ҳикояларида уч бошли илон, аждарҳо.
- Акес** — Марказий Осиёдаги дарёнинг номи, Геррируд — Тожан, Мурғоб.
- Амазон-калар** — қуролланган жангчи аёллар, қадимги юнон дostonларида машҳур бўлган мавзу.
- Анабасис** — давлат ичкарасига денгиздан узоқлашган ҳарбий юриш.
- Анахита** — сув, ер ва ҳосилдорлик худоси.
- Ангоб** — сопол идишларни сирлашда ишлатиладиган қизил, жигар, оқ ва сариқ рангдаги бўёқ.
- Антропо-генез** — одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни, «антроп» — одам, «генезис» — ривожланиш.
- Антик давр** — қадимги дунё даври, ўлкамизнинг тарихий санасига тегишли бўлиб, милоддан аввалги IV асрда бошланган.
- Аорн** — Искандар забт этган Шимолий Афғонистон — Жанубий Бақтрия шаҳри.
- Аракс** — юнон тарихшуносларининг асарларида Амударёнинг номи.
- Арватасп** — Бақтрия подшоси Виштаспнинг отаси.

- Ардвисур** — Ардвисур, дарё ва сув худоси, «Авесто»-нинг Яшт китобидаги 5-боб унга бағишланган, «Ардвисур — яшт».
- Арёнам Вайжо** — Арёнам Вайчах, арийларнинг дастлабки ватани.
- Арешайёна** — Арёнам Вайжодек, арийларнинг сайхон ерлари.
- Аржатасп** — кўчманчи «хьяона» қабиласи йўлбошчиси, Виштаспнинг душмани.
- Арий, арийлар** — аръё, «эркин», ҳинд-эрон қабилалари, милоддан аввалги II минг йилликда арийларнинг бир қисми Ҳиндистон ҳудудини истило қилганлар, бошқалари Марказий Осиёда ва Ўрта Шарқда маҳаллий аҳолига қўшилиб, турли халқларга асос солганлар.
- Аристовул, Аристобул** — Искандар юришларида қатнашган тарихчи.
- Ария, Арейя** — Герируд — Тожан дарёси ҳавзасидаги тарихий-маданий вилоят.
- Артабоз** — Искандар томонидан тайинланган Бақтрия ҳокими.
- Археология** — «архайос» — қадимги, «логос» — фан, қадимшунослик.
- Асабана** — туроний уруғ-авлоднинг номи.
- Астадон** — зардуштийларнинг дафн маросимига тегишли сопол тобутча.
- Аши** — тақдир ва бахт худоси, «Авесто»даги Яшт китобида унга 17-мадҳия — «Ард — яшт» бағишланган.
- Баги** — Қуйи Зарафшон, водий ва саҳролар чегарасида жойлашган қалъа (Бухоро (?)).
- Базаира,** — Зарафшон воҳасида Искандар ов қилган ернинг номи.
- Барка** — Бақтрия ўлкасидаги қишлоқ, унга Кичик Осиёдан Доро I томонидан кўчирилган баркейлар асос солганлар.
- Бубакена** — Жанубий Тожикистондаги вилоят.
- Вандар-маниш** — Аржатаспнинг акаси, подшо Виштаспнинг душмани.
- Ванхви** — Арёнам Вайжо ҳудудидаги йирик дарё.
- Датьё**

- Вара:** — девор билан ўралган тўртбурчакли макон, қишлоқ;
- Варна** — сохталик ва ёвузлик тарафдорларининг давлати, зардуштийлар душманларининг юрти.
- Виштасп** — Заратуштра таълимотини биринчи бўлиб қабул қилган подшо.
- Гавмард** — зардуштийлар фалсафасига кўра, дастлабки ягона одам.
- Галикарнасс** — Кичик Осиёдаги Қария вилоятида тарихчи Геродот туғилган шаҳар.
- Гимнасий** — жисмоний тарбия, фалсафий ва сиёсий суҳбатларга мўлжалланган махсус жой.
- Гиппарх** — Искандар даврида форс сатрапи ўрнига тайинланган вилоят ҳокими.
- Гозбон** — Турон ва Эрон ўртасидаги чегара ери.
- Дайлар, дахлар** — кўчманчи қабила, сак-массагетларнинг бир қисми.
- Дазва** — «Авесто» тилидаги дев тушунчаси.
- Дадаршиш** — Марғиёна вилоятида қўзғолончиларни тор-мор қилган Бақтрия ҳокими.
- Дану** — туронликлар қабиласи.
- Диадохлар** — Искандар давлатини қисмларга бўлиб, ўз қўлларига киритган лашкарбошилар, «меросхўрлар».
- Ила** — отлиқ ҳарбий қўшин (200 та чавандоз).
- Зариасп** — «Олтин от», Бақтрия пойтахти, Бақтра шаҳрининг иккинчи номи.
- Кави** — «Авесто»даги мамлакат сардори, Кави Виштасп.
- Кавийлар** — Кайёнийлар, «Авесто» ва «Шоҳнома»даги подшолар сулоласи.
- Каллисфен** — машҳур юнон файласуфи, Аристотелнинг шогирди, тарихчи, милоддан аввалги 326 йилда Бақтра шаҳрида Искандарга қарши қўзғолон кўтаришда айбланиб ўлдирилган.
- Каран** — сўғдийлар томонидан маълубиятга учраган Искандар лашкарбошиси.
- Каршарвар** — зардуштийлар таълимотида кўра, дунё етти та табиий иқлим, каршарвар — қисм-

- ларга бўлинган, ўрта форс тилида: «кишвар»—«мамлакат».
- Катан** — Искандарга қарши қўзғолон кўтарган бақтрийларнинг йўлбошчиси.
- Керамика** — сопол буюм, идиш.
- Керсасп** — аждарҳо ва девларни қириб ташлаган «Авесто» баҳодири.
- Мамакена** — ҳозирги Ўратепа ва Хўжанд оралиғидаги вилоят.
- Марғиёна** — Мурғоб воҳасидаги вилоят, Қадимги Бақтрия давлатининг йирик бир қисми.
- Массагетлар** — Марказий Осиё даштларида яшовчи кўчманчи қабилалар.
- Матриархат** — она уруғи тузуми, 30—20 минг йил олдин бошланган.
- Насассалар** — зардуштийлар қонунларига оид дафн маросими билан шуғулланувчи махсус «гўрковлар».
- Нумизматика** — тангашунослик фани.
- Ойкумена** — инсонлар жойлашган қадимги дунё ерлари, чегаралари.
- Окс** — юнон тарихшунослари асарларида Амударё.
- Пардагви** — Искандар даврида Амударёдан кечиб ўтиш жойининг номи.
- Паропамис** — Ҳиндиқуш тоғлари.
- Патриархат** — ота уруғи тузуми, милоддан аввалги IV—III минг йилликларда бошланган.
- Ранха** — дарё номи, мумкин қадар Сирдарё.
- Рохшанак** — Раошана, Роксана, Сўғдиёнада Искандар севиб уйланган гўзал қиз, Ойдин.
- Сарисса** — македонлар қуролланган, 4 м узунликдаги оғир найза.
- Сизимитр** — Габаза вилоятининг ҳокими.
- Скунха** — Доро I га қарши чиққан саклар йўлбошчиси.
- Смароканда** — сўғд тилида Сўғдиёна пойтахти Мароқанда, Самарқанд.
- Спитама** — Пайғамбар Заратуштра келиб чиққан уруғ-авлодларнинг номи.



- Терракота** — лойдан ишланган ва хумдонларда пиширилган ҳайкалчалар.
- Трайтаона** — эроний дostonларнинг қаҳрамони, аждарҳо ғолиби, «Шоҳнома»да Фаридун, Зоҳак зулмидан Эронни қутқарувчи баҳодир.
- Фаланга** — оғир найзалар билан қуролланган пиёда аскарларнинг ҳарбий тартиб тузилиши, македонлар фалангаси сафининг узунаси 26 та қатор жангчилардан иборат бўлган.
- Фарнух** — Спитаман билан Зарафшон воҳасида жанг қилган Искандар лашкарбошиси.
- Фарасмон** — милoddан аввалги IV асрдаги Хоразм подшоси.
- Фрурарх** — қалъа қуриқчиларининг ҳарбий бошлиғи.
- Хаома** — эфедрин — нинабаргли ўсимликдан ишлаб чиқарилган ва сут билан аралаштирилган муқаддас ичимлик.
- Хара** — зардуштийларнинг муқаддас тоғи, дунёда энг баланд чўққили тоғ.
- Харес** — замонимизгача етиб келмаган «Искандар ҳақидаги тарих» асарининг муаллифи, милoddан аввалги IV аср.
- Хилиарх** — Искандар даврида вазир вазифасини бажарувчи шахс.
- Хумая** — Хумайё, подшо Виштаспнинг қизи.
- Хугаоса** — Заратуштра таълимотини қабул қилган малика, Қави Виштаспнинг хотини.
- Чинват** — зардуштийлар фалсафасига кўра, нариги дунёга ўтиш кўприги.
- Яксарт** — қадимги юнон тарихшунослари асарларида Сирдарё.

## ДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

- Абаев В. И.** Миф и история в Гатах Зороастра. Историко-филологические исследования. М., «Наука», 1974.
- Авеста.** Избранные гимны. Пер. с авестийского И. М. Стеблин—Каменского. Душанбе, «Адиб», 1990.
- Арриан.** Поход Александра. Пер. М. Е. Сергеевко. М.—Л., 1962.
- Бартольд В. В.** Иран. Исторический обзор. Соч. Т. 7., М., «Наука», 1974.
- Бартольд В. В.** К вопросу о языках: согдийском и тохарском. Иран. Т. 1, Л., 1927.
- Бируни.** Избранные произведения. Т. 1, Ташкент, 1957.
- Бойс М.** Зороастрийцы. Верования и обычаи. Пер. с англ. И. М. Стеблин—Каменского. М., «Наука», 1987.
- Воробьева М. Г.** Проблема «Большого Хорезма» и археология. Этнография и археология Средней Азии. М., «Наука», 1979.
- Геродот.** История. В девяти книгах. Пер. Г. А. Стратановского. Л., «Наука», 1972.
- Фуломов Я. Ф.** Хоразминг суфорилиш тарихи, Тошкент, 1959.
- Дандамаев М. А., Луконин В. Г.** Культура и экономика Древнего Ирана. М., «Наука», 1980.
- Дорошенко О. А.** Зороастрийцы в Иране. М., «Наука», 1982.
- Дьяконов И. М.** Восточный Иран до Кира. История иранского государства и культуры. М., «Наука», 1971.
- Квинт Курций Руф.** История Александра Македонского. Пер. и примеч. под ред. В. С. Соколова. М., МГУ, 1963.
- Ксенофонт.** Киропедия. Изд. подг. В. Г. Борухович и Э. Д. Фролов. М., «Наука», 1976.
- Массон В. М.** Средняя Азия и Древний Восток. М.—Л., 1964.
- Махмуд ибн Вали.** Море тайн относительно доблестей благородных (география). Пер. Б. А. Ахмедова. Ташкент, 1977.
- Мончадская Е. А.** О правителях Бактрии и Согдианы VI—IV вв. до н. э. Тр. Гос. Эрмитажа, Т. V., 1961.
- Оранский И. М.** Иранские языки в историческом освещении. М., «Наука», 1971.
- Пьянков И. В.** Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: название и территория). Душанбе, «Дониш», 1982.
- Ргвеладзе Э. В.** Ксениппа—Паретака, Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. И., «Наука», 1981.
- Страбон.** География. В 17 книгах. Пер. Г. А. Стратановского. М.—Л., «Наука», 1964.
- Струве В. В.** Поход Дария I на саков-массагетов. Изв. АН СССР, 1946, № 3.

## М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима . . . . .	3
Қадимги аҳоли, тиллар ва ёзувлар . . . . .	5
Ибтидоий одамлар . . . . .	5
Қадимги қабилалар ва халқлар . . . . .	9
«Авесто» тили . . . . .	12
Қадимги Хоразм тили ва ёзуви . . . . .	13
Бақтрия тили ва ёзуви . . . . .	13
Сўғд тили ва ёзуви . . . . .	13
Сак тили ва ёзуви . . . . .	14
<b>Илк ёзма манбалар . . . . .</b>	<b>15</b>
Манбалар — бойлигимиз . . . . .	15
«Авесто» ва зардуштийлар . . . . .	16
Географик, ҳудудий номлар . . . . .	20
Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар . . . . .	23
Сиёсий тарих . . . . .	24
Диний фалсафа ва турли маълумотлар . . . . .	25
Дафн этиш маросимлари . . . . .	27
Аҳамонийлар даври миҳсимон ёзувлари . . . . .	29
Қадимги юнон тарихшунослари . . . . .	33
<b>ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ВИЛОЯТЛАР . . . . .</b>	<b>41</b>
Бурғулик ва Чуст маданияти . . . . .	41
Қадимги Бақтрия . . . . .	42
Сўғдиёна . . . . .	47
Қадимги Хоразм . . . . .	50
Сак-массагетлар юрти . . . . .	54
<b>Македониялик Искандар даври тарихи . . . . .</b>	<b>57</b>
Арриан ва Курций Руф ҳикоялари, Страбон «География»си . . . . .	57
Сиёсий воқеалар, Искандар ва Спитаман, Умумий вазият . . . . .	67
<b>Тарихий география . . . . .</b>	<b>73</b>
Тарихий ва этнографик маълумотлар . . . . .	73
Бранхийлар шаҳарчаси . . . . .	75
Наутака (Навтака) . . . . .	78
Ксениппа . . . . .	79
Басилейя.—«подшо шаҳри» . . . . .	80
Басиста . . . . .	80
Габаза (Газаба) . . . . .	84
«Сўғд қалъаси», «Хориен қояси» . . . . .	87
Искандар юришларининг йўналиши . . . . .	89
Эрон — Турон — Туркистон . . . . .	93
Хулоса . . . . .	99
Тарихий саналар жадвали . . . . .	101
Тарихий, географик тушунчалар ва айрим номлар . . . . .	105
қисқача изоҳли лугати . . . . .	105
Адабиётлар рўйхати . . . . .	110

САГДУЛЛАЕВ АНАТОЛИИ

**ҚАДИМГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛК  
ЕЗМА МАНБАЛАРДА**

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари  
талабалари, мактаб ўқитувчилари,  
манбашунослар учун қўлланма

Тошкент — «Ўқитувчи» — 1996

Таҳририят мудир *Р. Мирҳолиқов*  
Муҳаррир *С. Исомиддинов*  
Бадний муҳаррир *Ф. Некқадамбоев*  
Техник муҳаррир *Ш. Бобохонова*  
Мусаҳҳиҳ *Ш. Тўлаганов*

ИБ № 6909

Теришга берилди 26.12.95. Босишга рухсат этилди. 14.05.96. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,88+0,84 вкл. Шартли кр.-отт. 6,93. Нашр. л. 5,5+0,52 вкл. Тиражи 5000. Буюртма № 15.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07-106-95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1996.